




ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИ БУСТОНИ

Ахмад Яссавий  
ХИКМАТЛАР



ЎЗБЕК  
АДАБИЁТИ БЎСТОНИ

ЎЗБЕК АДАБИЕТИ БЎСТОНИ






Аҳмад Яссавий  

---

ҲИКМАТЛАР



Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1994

Таҳрир ҳайъати  
Азиз Қаюмов, Суйиша Ганиева, Бегали Қосимов,  
Наган Малласев, Хайриддин Султонов, Абдуқодир Ҳайитматов,  
Омси Матжон, Одил Екубов

Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи  
Иброҳим Ҳаққулов

Яссавий, Аҳмад.

Ҳикматлар // Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ;  
Нашр. тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи, тўп-  
ловчи И. Ҳаққулов; / .— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти.  
1991.— 256 б.— (Ўзбек адабиёти бўстони).

Ўзбек классик адабиётининг улкан намоёндаларидан бири Аҳмад Яссавий XII асрда яшаб, мураккаб ижтимоий-тарихий даврнинг фарзанди сифатида ижод этди. Унинг руҳий олами ҳам даври каби мураккаб ва зиддиятли бўлиб, булар ижодиётида бутун тарафлиги билан акс этгандир. Яссавий «Ҳикматлар»и илк бор тўлиқ нашр этилмоқда.

Яссави, Аҳмад. Книга изречений.

4702620102-20

Я \_\_\_\_\_ 3-90  
М 352 (94) — 91

© Гафур Гулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти, УзИ  
1991 й.

ISBN 5-635-00499-7

## АҲМАД ЯССАВИЙ

Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар сиз бу кун,  
Яссавий хок пойинди айлаб олинг тумморлар.

*Абдулла Орипов*

Аҳмад Яссавий туркий тасаввуф шеърлятининг атоқли вакили. У «Девони ҳикмат» асари билан жаҳоннинг бир неча мамлакатларида маълум ва машҳур бўлган. Бобораҳим Машираб газалларида бирида «Рухи жоним аршига етди мен ўзим осмониман», деган эди. Шу маънода Яссавий Маширабга ўхшаш шоирларнинг раҳнамоларидан, юксак Рух донишманди, унинг руҳий олами мураккаб ва зиддиятли бўлиб, булар ижодиётида бутун терапийи билан акс этгандир. Мана шунинг учун Яссавий ҳикматлари ўқувчиларга ҳар хил таъсир кўрсатади, ҳар кимда ўзича мулоҳазалар уйғотади. Шунинг ҳам унутмайликки, ҳар қандай ижодкорнинг тажрибалари ҳам баҳс ва мунозараларга имкон очавермайди. Бу улкан истеъдодларгагина хос хусусиятдир.

Яссавийнинг туғилган йили аниқ маълум эмас. Лекин илмий адабиётларда вафоти 1166-1167 йиллар деб кўрсатилади. У Сайрамда таваллуд топган. Кейинчалик шоир туғилган ерши «ул муборак Туркистондин», деб таърифлаган. Отаси Шайх Иброҳимдан етти ёшида етим қолган. Илк таҳсилни Ясида машҳур турк машойихи Арслонбобдан олган. Бу ҳақида ҳикматларда маълумотлар берилган. Арслонбоб вафотидан сўнг, у таҳсилни Бухорода Юсуф Ҳамадоний қўлида давом эттирган.

Яссавий халқ бошига кўп қийинчилик ва мусибатлар ёғдирилган даврларда яшаб, ижод қилди. У турк ҳукмронлари — қорахонийлар билан қорахитойлар уртасидаги урушлар ва уларнинг даҳшатли оқибатларини кўрган, шеърларида бу фожияларга муносабатларини билдирган.

Ашрафийлар ҳоким бўлган жамият-  
дони ~~Касб-и ҳоким~~ ва маънавий айнишлар баҳсида  
Яссавий ҳикматларида бирда мана қима деган:

На оюода раҳм қолди, на отода,  
Ого, ини бир-бирига можарода.  
Мусулмонлар даъво қилур, ичар бода,  
Мастиг билан қариндошдин тонди, кўрунг.

«Ўзбекистон ССР тарихи»да (I том, 1970 йил) қайд этилганидек, Аҳмад Яссавийнинг дунёқарани унинг «Ҳикмат» асарида баён қилинган. «Ҳикмат» туркий адабиётининг поёб ёдгорликларидан бири бўлиб, муаллифнинг ислом дини, калом фалсафаси ва тасаввуф билан эмас, балки уша давр ижтимоий тартиблари, деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандларининг ҳаётини жуда яхши билганлигидан далолат беради».

Яссавийнинг дунёга назари, бизнинг давр кишилариникига нисбатан бошқача шаклланган. Шоирнинг ишқ, ҳақиқат, адолат, қаноат, диёнат сингари масалаларга ёндашини ўзгача йўналишларда кечганлиги ҳам шубҳасиз. У ўз даври фарзанди сифатида ислом дини кўрсатмалари ва исломий ақидаларга таянган. Буни унинг ўзи ҳам эътироф қилган. Шоир ҳикматларидан бирида бундай сатрларни ўқиймиз:

Хушламойдур олимлар бизни ойгон туркини,  
Орифлардин эшитсанг, очар кўнгул мулкени.  
Оят, ҳадис, маъноси турки бўлса мувофиқ,  
Маънисига етганлар, ерга кўяр бўркини.

Яссавий албатта «оят, ҳадис» мазмунларини арабчадан шуңдоққина ўзлаштира қолмаган. Гоявий, ахлоқий, фалсафий мақсадлар юзасидан ўрни-ўрни билан уларга мурожат этган ва улардан фойдаланган. Дин ҳоким жамият ва даврлар учун бу табиий ҳодиса деб қаралиши керак. Бундан ташқари, араб тили — ҳукмрон ва нуфузли тил деб ҳисобланган замонларда миллий тилда ижод қилишнинг ўзи ҳам прогрессив иштилин эди. Машиҳур рус олими А. И. Самойлович Яссавий ҳикматлари ва Бурҳониддин Рабғузийнинг «Қиссаи Рабғузий» асарини четлаб эски ўзбек тили ҳамда унда яратилган бадий асарларга муносабатда бўлмоғ мушкуллигини таъкидлаганди. «Девони Ҳикмат»нинг қачон ва ким томонидан тузилгани аниқ эмас. Энг қадимги қўлёзмалари ўн еттинчи асрга мансуб. Муаллифлари вафотидан неча юз йил кейин шеърлари халқ оғзидан ёзиб олиниб, китоблар тикланиб, ўқиб ўрганилган шоирлар бўлганлиги кўнчилиқка аён. Жуда

қадимий бўлмаса-да, Яссавий ҳикматларининг қўлёзмалари сақланган. Ҳикматлар инқилобгача Қозон ва Тошкентда бир неча маротаба нашр этилган. Йўқни бор қилиш чорасизлиги кўндаланг турганда, борни йўқ қилишга асло аён берилмагани маъқул. Аммо бу гап шунчаки мероснарастлик мазмунида англамаслиги керак. Яссавийга нисбат берилган шеърларининг барчасини жамлаб, илмий таҳлил орқали объектив баҳолаб, янги давр ўқувчисининг мафкурасидан ўрин оладиган жиҳатларини кўрсатиб, омага етказиш адабиётшуносликнинг бурчи. Унинг ҳикматлари, «ўзбек тили тарихида қадимги ёзма обидалардан бири сифатида аҳамиятга» эгаллигини инкор этиб бўлмайди.

Ф. Энгельс «Феодализмга қарши инқилобий оппозиция бутун ўрта асрлар бўйлаб ўтади. Давр шароитига қараб, у гоҳ мистика, гоҳ ошқора иштибоҳ, гоҳ қуролли қўзғалон кўринишида майдонга чиқади», деб кўрсатма берган эди. Аҳмад Яссавий ижодиётининг магзини исёнкорона мистик мазмулар ташкил қилади. У беҳудага «Ғарқоб бўлиб исён нчра қолдим мапо», демаган. Унинг исёни — Инсон ботинидаги исён. Бертрам Расселнинг «Мистицизм ва маантиқ» мақоласида ёзилишича, дунёни мистик тарзда идрок этишда допишмандликнинг шундай бир унсури мавжудки, унга бошқа восита билан эришиб бўлмайди. Мана шу «допишмандлик унсури». «Худо олпий ҳақиқат. Унда ҳамма-ҳаммаси мукаммал, мусаффо ва гўзал. Унинг адолати парчаланмас. Қарашлари зиддиятсиз» дегандай маантиқларни акс эттирган. Мистик шоирларнинг гоъвий йўллари, шартли равишда, вужуди мутлақ билан «суҳбат» йўли деб аташ мумкин. Чунки уларнинг бутун диққат-этиборлари муқаддас Рухга қаратилган. Улар фақат худо ишқини тан оладилар. Бундай муҳаббат одамдан фавқулодда кўнгли поклик ва нафе эҳтиёжларидан озод бўлишни талаб қилади. Мистик ошиқнинг битта ибратли хусусияти — ўз-ўзига муросасизлиги. Унингча, шумлик ва гуноҳларни бекитмоқ ишққа хиёнатдир. Бугина эмас, «тоғдан оғир» ёзуқлари учун уни ҳатто «тоғи тошлар» ҳам сўкмоғи эҳтимолдан йироқмас. Шунинг учун у «Ишқ йўлида жон бергани армони йўқ», деган тушунчаларни эътиқод шиори билиб, маънавий-руҳий тозаланиш ранжу жафоларини бўйинга олмоғи шарт. Бу ҳақида Яссавий шундай ўғит берди:

Жафо чекмай ошиқ бўлмас, тингла гофил,  
Жафо чекиб собир бўлгон бўлмас жоҳил.

Демак, жафо чекиб ошиқликка етишиш, биринчидан, гофилликни ҳайдайдн. Иккинчидан, жоҳилликка йўл қўймайди. Гафлатдан қочиш — фаол тасаввурларга кенг йўл очади. Бу орқали илоҳий бўлса-да, моҳият ахтарилади. Моҳият излаётган шахс, табиийки, атроф-муҳитда содир этилаётган воқеа-ҳодисаларга бепарқ қаролмайди.

Худовандо, мени солгил ўз йўлингго,  
Нафс илгида хароб, адо бўлдум мано.  
Фисқу фуҷур тўлиб-тошиб, ҳаддин ошти,  
Ғарқоб бўлиб исён ичра қолдим мано.

Яссавий «худо йўли»ни — «нафс илги»дан қутулмоқ, атрофда тўлиб-тошган фисқу фуҷурларга барҳам бермоқнинг йўлини излайди. Агар диққат билан мушоҳада юритилса, Яссавийнинг диний-ахлоқий фалсафасида дунёдан юз бурнлмайди. Ёмонлик, подонлик, жаҳолат, молпарастлик излатларига ривож берган тубан дунёни юракдан қувишга даъват этилади. Шу маъноларда шоир сўзлари инсон қалбида ғалаён қўзғайди. «Ноҳақ даъво қилгон» қози, имомлар, «ҳаром егон ҳокимлар», «дунё менинг» деб «жаҳон молини» йиққан гушна амалдорлар, «Оқни қаро қилгон» мулло-ю, мударрислар, эл устига миниб елиб «тотлинг-тотлинг» еб, «турлук-турлук кийгон»ларга қарши кўнгулда нафрат уйғотади. Бу қайдлардан «Яссавий мазлумлар томонида туриб фикран курашган шоир бўлган экан-да», деган хулосалар чиқарилмаслиги керак. У гарчи, «Етимлар бу жаҳонда хор экандур, Ғарибларни иши душвор экандур», ёки:

«Ғарибларни кўргон ерда огритмангиз,  
Ғарибларга очигланиб сўз қотмангиз.  
Заиф кўруб ғарибларга тош отмангиз,  
Бу дунёда ғарибликтек бало бўлмас», —

сингари мисраларида «кўнгли қаттиғ халойиқ»ни шафқатга ва ғариб, етим мазлумларга озор етказмасликка чақирган бўлса-да, феодал жамияти вакиллари қўл остида эзилган меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашмоқни ўз олдига гоявий мақсад қилиб қўймаган. Аҳмад Яссавий ўзи билан ўзи беомон курашадиганлар ижодкори сифатида жуда эътиборли. У одамга ўз-ўзини кечирмаслик сирларини ўргатади. Шоир ўз қалбининг энг чуқур жойларига назар ташлашни тарғиб этади. Шунинг учун

хам унинг ахлоқий эътирозида шахснинг маънавий, илоҳий камолотига тўсиқ бўладиган инсондаги салбий хусусиятлар таҳлили табиий равишда изчилланиб боргандир. Аҳмад Яссавийдаги самимият — ошкораликда. Баъзан ундаги ошкоралик талабларига чидаш мушкул. Буни бадбинлик деб англаш потўгри. Яссавий ҳикматларида бадбинликмас, ғамгинлик, маърифатли руҳни суяйдиган Дард ва фарёд борки, улар инсоннинг ҳиссиёт фожияларини эрта англашга хизмат қилади. Яссавий ҳикматларидаги марказий образ — оллоҳ. У худо ишқи, яъни ишқий илоҳийни тап олади. Навоий «Маҳбулул-қулуб» да ишқни уч қисмга ажратиб, учинчисини «ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдирлар», — дейди. Яссавий:

«Ишқ йўлида кеча-кундуз йиғлагонлар,  
Жондин кечиб белин маҳкам боғлагонлар.  
Хизмат қилиб ҳақ сирини англагонлар  
Тун уйқуни ҳаром қилиб полон бўлур», —

каби поэтик эътирофларида оллони таниш ва унинг ишқини идрок қилиш эътиросларида ўртаган ошиқларни назарда тутган. У шу ошиқларга «ишқ сирини баён» қилади. Бу сирнинг мушоҳадасига берилган ошиқ, аввало, «ҳақиқатни маъносига етган киши». У «кеча-кундуз ишқ» истайди. «Бир соат ҳам ҳақ ёдидан гофил»лик йўқ унда. У имонда собит. Унингча, «Тан сўзламас, жон сўзламас, имон сўзлар». Яссавийни имонни сўзлатган. Имон тили билан муҳаббатни улуғлаган ижодкор деб баҳоласак хато қилмаган бўламиз. Чунки Яссавий ҳикматларини Диёнат зиёси ва Имон шафқати пичдан пурлантириб туради. Оллоҳ қаҳру газабларидан қўрқмай одамларга ранж етказиб, бечораларнинг кўзларидан ёшлар оқизувчи бағритошларга у имонсизлар деб қараган ва ўша зулмкорларни ўзича бир фаоллик билан айблаган. Унинг нуқтаи назари бўйича на мусулмон, на кофир ҳеч бировга озор бермаслик шартдир:

Суниат эрмиш, кофир бўлса, берма озор,  
Кўнгли қоттиг дилозордан худо безор.

Улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой кундаликларида «Ҳамма ишимни ёлғизликда худо билан ҳал қилишим шарт», — деб ёзган экан, мистик шоирларда, жумладан,

Аҳмад Яссавийда ҳам маъна шундай «ёлғизлашиш» қарийб доимий ҳолат ва фикрий бирлик жараёни бўлган. Яссавий мистикасининг ёруғлик манбаи — руҳ ёлғизлигида у худога жуда яқин. Шу боис у «Икондан кечиб, молдан кечиб ғариб бўлсам, биёбонда ёлғиз кезиб нола қилсам», деган орзуларни баён қилган.

Шунга кўра, унинг кураш ҳақидаги фалсафий қарашлари ҳам бошқача. У инсон ҳаётидаги катта кураш — нафсини таслим этишга хизмат қиладиган кураш деб ҳисоблаган. Нафсга мағлуб шох — қул, нафедан устуликка эришган ғариб — шохдир. Маъна, Яссавий дунёқарашидаги таянч нуқталардан биттаси. Ибн Сино рубойларидан бирида:

«Дунё, мансаб дема, учма ишвага,  
Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет», —

дейди. Бунда шоир назарда тутган ёв — нафс. Аллома ҳар нимадан, ҳаттоки, дўстликдан ажраб бўлса ҳам шу ғанимнинг бошини янчишга ундаган. Шу ишни амалга ошира олган кишининг гурури ва инсоний қадр-қиммати-ни ҳеч ким поймол қила олмайди. Навоий айтмоқчи, нафсга тобе бўлиб душмани банд этмоқ мардлик саналмайди. Уни енгил эса чинакам ишжоатдир.

Бўлуб нафсингга тобиъ, банд этарсан тушса душмани,  
Сенга йўқ нафседек душман, қила олсанг ани қил банд.

Аҳмад Яссавий ҳикматларининг катта бир қисми айни шу масала талқинларига бағишланган. Унинг таърифига биноан, нафс «ябон қундек қулга қўимас» бир нарса. Бу «қуш» ўз хоҳишича «парвоз» этаверса, одамни кундан-кун тўғрилиқдан оздираверади. Оқибатда эса:

Нафс йўлига киргон киши расво бўлур,  
Йўлдин озиб, тойиб, тўзиб гумроҳ бўлур.  
Ётса — турса шайтон била ҳамроҳ бўлур...

Шоир нафс бандаларига қарата, «Нафсини тебгил, нафсини тебгил, эй бадкирдикор», деб мурожаат этади. Ва:

«Нафсим мани йўлдин уриб хор айлади,  
Термултириб халойиққа мани зор айлади», —

дея нафс учун «итдек кезиб» юрганларини ҳам сир сақламайди. Хуллас, Яссавийнинг хулосалари шуки, нафс — пчки, лекин жуда катта душман. У инсондаги бутуликни сиңдиради. Унинг амрларидан маънавий осойишталиклар барҳам тонади. Шу боис «Нафсни тепиб меҳнат етса роҳат» англаймоғи керак. Яссавий ҳикматларидаги бу ғоявий йўналиш Алишер Навоий шеъриятида янада кенг миқёсларда янги-янги ифодалар билан ривожлантирилган. Навоий қуйидаги сатрлари шу жиҳатдан характерлидир:

Нафс амрида ҳар нечаки толпингайсен,  
Кўп гарчи бутулик тиласанг, сиңгайсен.  
Ком истаю печа элга ёлингайсен,  
Нафсингга хилоф айлаким, тингайсен.

Яссавийда «Оллоҳ дарди сотқу эрмас, сотиб олсанг» деган мисра бор. У «оллоҳ дарди»ни ишқ ўтларида дили ёқмоқ, покланш изтироблари, тама, ёлғон, макр, мансаб ва бойлик ҳиреларига қул бўлмаслик деб тушунган.

Кўзум намлик, дилим ғамлик, мап аламлик,  
Нечук илож айларимни билмом, дўстлар.  
Бу ҳасратда, надоматда ёшим оқиб,  
Қаю тараф кетаримни билмом, дўстлар.

Шоир бундай имконсизлик ҳолатларини ниҳоятда кадрлайди. Чунки у ҳасрат ва надоматда нақадар ортиқ ўртанса, ҳайратга ботса «ишқ сиррини» ўшанча тиравроқ идрок этади. Унинг учун «ишқ сирри» мана бундай моҳиятни ҳам қамраб олган: Инсон Ҳақиқат қаршида оёққа тура билиш, оллоҳ олдида юзин ёруғ этгандек, ҳар бир киши ўзлиги қаршида ҳам қоматини букмаслиги шарт. Аммо бу енгил вазифамас, балки шунинг учун Яссавий тақдирининг қоронғу ва туманли осмонларига ғамгин нигоҳ еолгандир. Балки шунинг учун осмонда юлдуз кўрмаганидек атрофида ҳам комил Инсон кўрмагандир. Унинг «Дано топмай, ер остига кирдим, манс», дейиши, ҳар қалай, асоссиз бўлмаган. Юнус Эмро:

«Мени менда дема, менда эмасман,  
Бир Мен бордир менда — менинг ичимда»,—

дейди. Бундай қараш Яссавий учун ҳам хос эди. У ана шу «Мен»нинг ҳақиқатларига инонади. Унингча, бу «Мен»да битта буюк мафкура бор. У — ишқ.

Шу ишқ унинг қалбида бутун дунё ва кoinот сирларини марказлаштиришга қодир. Демак, у камолот ишқи, у Инсонни худо даражасига етказди. Бу «Мен»нинг фикру хулосалари тахминан қуйидагича:

Олло дедим, шайтон мендан йироқ қочди,  
Ҳойи ҳавас моумонлик турмай кўчди.

Ушбу мантиқ IX асрда яшаб ўтган буюк сўфий Баязид Бистомий айтган «Илон пўст ташлагандай, мен ўзимдан кечдим...», фикрларига уйғун келади. Хўш, илон нега пўст ташлайди? У шундай қилмаса ўларкан. Мистик тафаккур ҳам ўзликдан кечишни ўлишмас, янгича тириклик, идеал ҳаёт юксакликларига кўтарилиш деб баҳолайди. Ҳа, «Олло» демакдан асосий мурод гуноҳ ва ёмонликларга рағбатлантирувчи «шайтон»-дин қутулиш. Манманлик, калтабиллик, кибр, «ҳойи ҳавас» ҳисларини туб илдизлари билан суғуриб ташлаш. Мансур Халлож инсоннинг илоҳийлигини шарафлаб: «Анал Ҳақ» — «Мен — Худоман» дегани учун мусулмон ҳукмронлари томонидан шаккокликда айбланиб қатл этилгани маълум. Яссавийнинг ҳукмича, подон ва жоҳилларгина «Анал Ҳақ»нинг маъносини билмайдилар.

«Анал-Ҳақ»ни маъносини билмас подон,  
Допо керак, бу йўлларда поки мардон...

Чунки «Шоҳ Мансурни «Анал Ҳақ»и бежо эмас», «йўлни топқон, бизга ўхшаш гумроҳ эмас», дейди шоир. Бу — Яссавий гуманизмининг умуминсоний жиҳатларидандир.

Маълумки, мистицизм ислом дунёга келиши билан аввал арабларда, кейин уларнинг қўлига ўтган бошқа ўлка халқлари, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари адабиётидан ҳам ўрин эгаллаган эди. Академик А. Е. Крымский туркий халқларнинг сўфийлик гоёларига эътибори тўғрисида фикр юритиб, Аҳмад Яссавий ижодиётини шу қизиқишнинг эҳтиёжий маҳсули сифатида баҳолаган. Яссавий туркий адабиётдаги дастлабки мистик ижодкорлардан. Унинг мушоҳада ва ҳақиқат йўллари мистик томоилга эга. Лекин у бу йўналишни ўзи кашф қилгани йўқ. Араб ва форс тилида юзага келган тасаввуф адабиёти тажрибаларига таянган. Туркий халқлар оғзаки ижодиётида яратилган диний қўшиқ-

лардан илҳомланган. Яссавий ҳикматларининг вазни халқ шеърятидан ўзлаштирилиб, поэтик образларининг кўпчилиги оғзаки адабиётдан олинган. Бироқ Яссавий ижодиётини мистицизм тарихи, тасаввуф фалсафаси, энг асосийси, шарқ тасаввуф шеърятининг поэтик образлар системаси билан қизиқмасдан тўғри англаш ҳам, ҳолис баҳолаш ҳам мумкинмас. Шу йўналишда ўзбек илмида қандай натижаларга эришилди? Бу саволга қафоатланарли жавоблар ҳозирча йўқ. Таниқли олим Озод Шарафиддинов таъкидлаганидек, «Аҳмад Яссавий масаласидаги илмий хулосалар унинг ижодига қўл урмасдан олдин» бошлангани учун у асосан «ута реакцион шоир» деб баҳоланди. Тўғри, Яссавий ҳикматларида акс эттирилган ғояларининг «реакцион» эмаслигини кўрсатишга бағишланган айрим мақолалар етмишинчи йилларда эълои бўлди. Марҳум олим, филология фанлари доктори Эргаш Рустамов ёзган ўша мақолалардаги умумий бир қамчиллик, Яссавий шеърларини образли ижод намуналари шаклида таҳлил этилмагани, улардаги ғояларни ҳозирги кун тушуинчаларига мослаштиришга атайин уринилгани эди. Аммо шоир ижодиётини чуқур текшириб, объектив хулосаларга келмоқ учун Э. Рустамов эришган ютуқ ва йўл қўйган хатолардан фойдали кўрсатмалар чиқариш мумкин эди. Бизнингча, илмдаги ақидапарастлик бунга эрк бермади. «Майли, юзлаб менга ўхшаганлар ҳалок бўлишсин. бироқ ҳақиқат тантана қилсин!» дейди Махатма Ганди. Афсуски, Э. Рустамов Яссавий ҳикматларидан «пролетар идеологиясини «излаган» «субъектив талқин»чи сифатида қораланганда ҳақиқат тантанаси учун ҳолис курашини қонун-қондаларига риоя этилмаган эди.

«Ўзбек адабиёти тарихи»нинг (беш томлик) биринчи томида Аҳмад Яссавий шеърлари тўғрисида филология фанлари доктори С. Эркиновнинг шундай гаплари босилган: «Аҳмад Яссавийнинг мавжуд ижод намуналаридан келиб чиқадиган хулосалар ниҳоятда реакциондир. Уларда одамларни бу дунё азоб-уқубатларига бардош қилиб яшаш, охиратдаги бахт-саодатга умид боғлаш ва бошқа диний таълимотлар поэтик қобикда ваъз, паид-насихатлар йўли билан тарғиб этилади» Шоир ижоди намуналаридан «келиб чиқадиган хулосалар ниҳоятда реакцион»лиги эҳтимол ростдир. Аммо улар қайси «хулосалар»? «Бошқа диний таълимотлар» дейилганда уқувчи нималарни тасаввур қилмоғи керак? Балким у бу дунёда пок

ва тўғри умр кечирсанг, «охират» қийноқлари йўқ нарсалар демоқчи бўлгандир? Илмнинг кучи шундаки, у олга сурилган даъволарини исботлайди. Исботлаш учун эса далил ва таҳлилга суянади. Яссавийга мақтовнинг кераги йўқ. Унинг ижодиётидаги зиддиятларни таҳлил қилиш биздан масъулият ва маърифатни талаб этади. Аҳмад Яссавий реакцион — феодал тоифанинг дунёқарашини ифодалаган, дин ниқобида бадбилик, таркидунёчиликни тарғиб этган, мазлум оммани золимларга тобе бўлишга чақирган тариқатнинг асосчиси сифатида ўзбек адабиётшунослигида кескин қораланиб келинмоқда.

Академик И. Мўминовнинг ҳукму хулосасига кўра, «Яссавий мактабининг мистик таълимоти меҳнаткашларни синфий курашидан чалғитди ва шу билан уларнинг золимларга қарши курашига халақит берди... Яссавийчилик Мовароуннаҳр халқининг кучини Чингизхон ҳужумига қарши сафарбар қилишга салбий таъсир» кўрсатган.

Академик В. Зоҳидовнинг фикрича, «Аҳмад Яссавий Ғаззолийга ўхшаб ўтакетган таркидунёчи мистик сўфизм билан ислом динини бирлаштиришга, «келиштиришга» уринган «эклектикдир». Мавриди келганда бир ҳақиқатни эслатиб ўтайлик. Асримизнинг буюк мутафаккир санъаткори Халил Жаброн ёзади: «Ғарб шарқшунослари ва олимлари ал-Ғаззолий тўғрисида тула равишда юксак фикрдадурлар. Улар уни Шарқнинг тўнғич файласуфларидан ҳисоблаб Ибн Сино ва Ибн Рушд билан бир сафда қўядилар... Шарққа қараганда Ғарбда Ғаззолий тўғрисида маълумот кўп маротаба ортиқдур. Ғарбликлар уни таржима қилишади, унинг таълимотини тадқиқ этиб, буюк мақсадлари, фалсафа ва тасаввуфдаги фикру қарашларини барча тафсилотлари билан таҳлилдан ўтказишади. Биз эса — араб тилида ёзувчи ва сўзловчилар ҳозирга қадар уни баъзан хотирлаб, у ҳақида гоҳида сўз очамиз — бизнинг диққатимизни ҳамон денгиз чағаноқлари жалб этади. Ҳаёт денгизи туп ва кунлар қиргогига гўёки бундан ўзга ҳеч нарса чиқариб ташламаётгандек». Бу — Ғаззолийнинг ворислари, яъни араблардаги аҳвол. Бизда Ғаззолий асарларини оригиналда ўқиб теран тадқиқотлар яратишга интилиш ҳам бўлмаган. Шундай экан, унинг таълимоти ва асарлари устидан қандай қилиб қатъий ҳукм чиқариш мумкин? Бу қайси ҳақиқатга тўғри келади? Демак, Яссавийни Ғаззолийга қиёсан айблаш ўзини оқлайдиган даъво эмас. Агар Ғаззо-

лий мероси атрофлича ўрганилганда, Яссавий ижодиётига доир юзаки ва нотўғри баҳоларга аллақачонлар чек қўйилган бўлармиди? Яссавий «меҳнатқаш оммани эксплуататорларга қулларча итбатда бўлишга, ҳар қандай жабр-зулмга кўниб ва кўниқиб шукур қилишга» ўргатмаган. Нодонлик ва жаҳолатдан қонлар ютган буюк бир сиймо наинки насихатларини «подонлик ва жаҳолатни тарғиб қилишга» қаратган бўлса? Бундай кескин айбномалар унда қандай тўқилган? Яссавий шахси ва ижодига оид танқидлардаги муштараклик далил таплашдаги ҳамжиҳатликдан бошлангандир. Мана, яссавийшунослар эътиборни қайта-қайта жалб этган ўша шеърин лалилларнинг энг характерлиси:

Золим агар жафо қилса олло дегил,  
Илқинг очиб, зоре қилиб, бўйин сунгил.  
Ҳақ додингга етмас бўлса гила қилгил,  
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано.

Дейликки, Инқилоб арафасида бирор шоир шундай сўзларни ёзганида, эътироз билдириб: «Нега одамларни зулмга чидашга чорлаётирсан. Ноҳақликка қарши курашмасликни тарғиб этмоқни наҳотки шараф сезган бўлсанг? Ҳақдин эшитган сўзларнинг ҳали шуми?» дея уни айбласа бўларди. Лекин ўшанда ҳам у адолатли танқид саналмасди. Нега? Тавобга шошилмайлик.

Яссавий даври билан бизнинг асримизни саккиз юз йилдан ортиқ вақт ва тарихий масофа ажратиб турибди. Яссавий ўз жамиятининг фарзанди. Унинг дунёқарашини шакллантирган муҳит талаблари ва ахлоқий, фалсафий, диний тушунчаларини ҳисобга олмасдан уни танқид қилиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Бундай ҳуқуқ йўқ ўзи. Истаймизми, истамаймизми, Яссавий ислом динига содиқ яшаган. Худога сиринган. Муҳаммад пайгамбарга эътиромини дариг тутмаган. Бироқ булар ўтмиш. Нимаки ўтган бўлса, у — тирих. Тарихни эса ўзгартириб бўлмайди. Уни тушуниш керак. Яссавий ҳикматлари талқинида тарихан тушунишдан кўз юмилган.

Профессор Н. М. Маллаев ёзади: «Аҳмад Яссавий мазлумларга қарата: «Золим агар жафо қилса олло дегил...», — дер экан у бу билан мазлумларни золимларга қарши бош кўтармасдан, худога... сиринишга, ҳар қандай курашдан воз кечишга чақиради». Тўғри,

Яссавий худога сизгинишга чақирган. Табиий савол тугилади: ўтмишда яшаб ижод қилган шарқнинг қайси улуг шоири худога сизгинмасликка чақирган? Ҳофиз ё Саъдийми? Навоий ёки Бобурми? Яссавий шеърда золимга қарши бош кўтарма дейилмаган. Балки золимни сизгинишга даъват қилинган. «Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим mano»,— дейди у. Бу юзаки эътирофмас. «Ҳақдин эшитиб» дегани «Қуръон»га ишора. Демак, ҳикматдаги гоёни у «Қуръон»дан ўзлаштирган. Афсусланарлиси шундаки, «бўйин суғил» ибораси яратганга эмас, золимга «бўйин эг!» маъносида англаган ва изоҳлаган. Ҳолбуки, биринчи икки сатрдаги маантиқ бундай: «Золим агар жафо қилса олло дегил. Муножотлар айлаб ундан мадад ва қувват тила. Ёлғиз ҳаққа бўйинингни ҳам қил!» Байтдаги фикр ана шундай тушунилиши ва шарҳланиши керак.

«Худонинг қўллани яқин галаба. Бу мужда ила мусулмонларни қувонтир!» «Худо энг ишончли халоскор». «Оллоҳнинг ёрдами етгач галаба муқаррардур...». Булар «Қуръон» калималари. Муҳаммад Фузулий «Матлаул-этиқод» асарида ёзади: «...Тагри одилдир. Бунга кўрада бурчлидурки, золимни жазоласин». Бундай ақидаларга Яссавий ишончсизлик билдирармиди? У учун «Қуръон» дунёнинг бош китоби ҳисобланган. Унинг эътиқодида бу китоб холиқнинг «арқони»дай гап. Шу арқонга осилиб юксакка талпинмаган киши золимнинг арқонига осилмоғига шак келтирмаганлиги учун ҳам у «Золим агар жафо қилса олло дегил», дея кўрсатма берган.

Ҳўш, гаддор золим мазлум бошида қиличини ростлаб турса-да, у «Олло» демоғдан нари ўтмаса? Қурандан чекиниш эмасми бу? Золимга нисбатай пассивлик яна қандай бўлиши мумкин? Яссавий ва ундан кейинги классикларимизнинг ҳам, дунёқарани ҳамда эътиқодларидан келиб чиқилса, у чекиниш ҳам, пассивлик ҳам эмас. Ривоят қилинишича, Мусо пайгамбар фиръавн қавмидан қочиб ёлғиз, бечора ва оч-наҳор қолганида «Парвардигор, ёлғизман, хастаман, бечораман»,— дея зорланибди. Ушанда унга гойибдан шундай овоз келган эмиш: «Эй, Мусо, мендек дўсти бўлмаган ёлғиздир, мендек табиби бўлмаган одам хастадир, мен билан алоқаси бўлмаган банда ожиз ва чорасиздир». Яссавий замондошлари ҳам худони энг содиқ дўст, барча чорасизликлардан қутқарувчи деб ишонишган. Бу учун уларни айблаш



гумроҳлик бўлурди. Навоий ҳам Яссавийга издонлик қилиб махлуқ, яъни яратилган эмас, в.а.х.н. махлуқдан мадад ва марҳамат сўрашни тарғибу этган.

Ҳеч иш ўлмас айру холиқ амридин,  
Илтижо махлуққа келтирма кўп.

«Золим агар жафо қилса олло» дейишнинг бошқа жиҳатини ҳам изоҳлаб ўтайлик. Золимлар жабру жафо ва ҳақсизликни зурайтиришгани сайин хўрланган омманинг аҳволи оғирлашиб боради. Бу — табиий. Бироқ Алишер Навоий айтмоқчи, мазлум чеккан ранж ҳам зое бўлмайди. «Зулуму жафо ҳосили» нақадар кўпайса, зулмкорларнинг хотиржамлиги ўшанча емирилади. Навоий «Золимки эрур зулми жафо ҳосил анга» деб бошланувчи рубойида:

«Бўлмоқ хўш эмас қилғонидин хуш дил анга,  
Ўз зулmidин — ўқ ўлғусидур қойил анга», —

дейди. Бу фойже қисматдан золим қочиб ёки қутулиб кетмоғи душвор. Негаки, у ҳақнинг жазосига маҳкум. Мазлумларнинг нолау фиғонлари кўкка кўтарилганда яратувчи золимларни «~~ҳақни тўғри йўлини~~ мукофот» лайди. Навоийнинг кўндалда ~~хуш дил анга~~ шу масаладан баҳс этади:

Золимки шоир этти жафо поясини,  
Ўз воясин истаб олди эл воясини.  
Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,  
Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.

Шундай қилиб, ўз гараз ва манфаатларини кўзлаб элга жафо ўтказган золим учун «ҳаёт сармояси» йўқ. Наҳотки, шундай гаплар ҳам тадқиқотчиларга Яссавий ҳикматидаги фикрнинг мағзини очишга ёрдам бермаган? Аҳмад Яссавий тариқатининг асослари унда кейин ёзилган «Фақирнома» рисоласида ва унинг издошларидан бирининг «Навхорул аброр...» асарида ёритилган. Бу китобда Яссавий тариқатининг сунаатларидан бири «Золим ва муктадо кишиларга иторат эмаслик», — деб белгиланган. Шу далилнинг ўзиёқ Яссавийнинг «золимсевар» маслигини таъкидламайдими?

Ибн Арабийнинг айтишича, инсон ўзидан, ўзлик моҳиятидан юзага чиқармаса, ҳар қанча сиғингани билан худо унга ҳеч нарса ато этмас экан. Яссавий бу каби тушунчаларни истисносиз ҳисобга олган. «Қуръон»да қайта-қайта қайд қилинганидек, оламда ёлғиз худо енгилмас, ёлғиз у қудратлиларнинг қудратлигидир. Бас, шундоқ экан, Яссавий ҳикматидаги чақириқ «Худо қаҳр этса ҳар қандай зolim енгилади. Ҳақни таниганлар ҳақ қадар шижоатли ва ҳеч пайт зolimларга бўйсунмайдилар», — мазмунида эканлиги ўз-ўзидан англамайдимми? Тўртлик моҳият эътибори билан зулм ва зўравонликка қарши, кураш ва ғолибликка ундаш руҳида айтилган бўлса-ю, ундан бутунлай тескари хулосалар чиқарилса. Бу фикрий пассивликмасми?

Тан олайлик, бизда шеър илмининг ривожини анча суст. Шунинг учун полифоник тафаккур хусусида ҳали жиддий ўйлаб кўрилмаган. Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ шеърларини айримлар ҳанузгача қабул қилишолмайди. Улар ҳақида бир-бирини инкор этадиган фикрлар илгари сурилди. Жўнлик ва сўфизмга кўинктирилган шўрлик ўқувчи кимга ишонишини билмай қолди. Рауф Парфи ва Муҳаммад Солиҳ полифонист шоирлар. Совет даври ўзбек шеърини учун уларнинг поэтик тажрибалари янги ҳодиса. Аммо неча асрлик адабиётимиз учун янгиликмас. Полифония — кўпоҳангли, кўпмаъноли дегани. Полифоник тасвир асар бағрига бир неча маъно ва оҳанглари сиғдиришни заруриятга айлантиради. Бунда фикр чайналмайди. Шеър сўзбозлик ва маъно яланғочлигидан халос бўлади. Полифоник ифодалар шеърдаги маълум бир образ ёки белги таъсирида кўплаб ҳаётини ҳодисалар ҳақида фикрлашга йўл кўрсатади. Полифоник услубда тасвир ва муносабат гўё биринчи ўринда туради, тафаккур ялқовлиги ва фикрсизликка муросасизлик, қандайдир аёвсиз қаршилиқ сезилади. Шеърхон айтилган сўздан айтилмаган сўзларда ҳақиқат кўплигини ҳис этиб, ўша ҳақиқатлар мушоҳадасига берилади.

Ўзбек адабиётида полифоник тафаккур Аҳмад Яссавийдан бошланиб, Навоий поэзиясида юксак босқичга кўтарилган. Яссавийнинг юқоридаги ҳикмати ҳам полифоник тафаккур маҳсули. Уни тасаввуф аҳли қуйидаги мазмунда қабул этишган. Ҳадислардан бирида «Рожаъна минал жиҳодил асғори илол жиҳодил акбар», яъни «Кичик курашдан улуғ курашга қайтмоқдамиз», дейилган. Бу улуғ кураш — нафсга қарши кураш. Дунёда нафсга

тенг келадиган золим йўқ. Нафсининг ботиний зулмлари чегарасиздир. Яссавий қатор ҳикматларида нафсга золим сифатини берган: «Золим нафсим ҳеч қўймайини ўтқа солди». Ҳақни танимаслик, беғамлик, такаббурлик, гийбат ва бўҳтон сўзлардан тилини тиймаслик, шайтонсифатлик, нодонлик — буларнинг барчаси Яссавий талқинларида золим нафсининг қилмишларидир. Хўш, «нафс бошини» янчишнинг чораси борми? Яссавийнинг «Олло дедим, шайтон мендан йироқ қочди, ҳаю ҳавас, моумонлик турмай кўчди», — сўзларини яна эслайлик. Ҳаю ҳавас ва барча маиманликларнинг дояси нафс ҳам «олло» деганда енгилади. Бопқача қилиб айтганда, «олло сари тўлғонмоқ» — нафсдин кечмоқдир.

Эй беҳабар, ҳаққа кўнгул югуртмадинг,  
Дунё ҳаром андин кўнгул совутмадинг.  
Нафсдин кечиб олло сари тўлғонмадинг,  
Бу нафс учун зору ҳайрон бўлдим мано.

Шунинг учун ҳам Яссавий «нафс бошига юз миңг бало» ёғдириш ташвишига тушганларга қарата, «Золим агар жафо қияса олло дегил, Илқинг очиб зоре айлаб бўйин сунғил», деган. Бу фикр «нафсдин кечиб оллоҳ сари» толпинмаган, яъни ишқи илоҳийдан маҳрум бир кимсаларга бир насиҳат бўлган. Бизнинг учун муҳими, бунда шoirнинг нафсга нисбатан аёвсизлиги ва ботиний покланиш учун фикр қўзғашидир. Ахир, Навоий ҳам «То нафсу ҳаво қасри» йиқитилмагунча, «Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас», деган-ку!

Аҳмад Яссавий ҳикматлари учун кўповозлилик ҳам хос хусусиятлардандир. Унинг ҳикматларида орифнинг овози ҳоким. Улардан шайхнинг овози эшитилади. Баъзан бир ҳикматда ҳам ошиқ, ҳам дарвеш, ҳам донишманднинг овози янграйди. Лекин булар орасида изчиллиги ва фаоллиги билан яна икки овоз алоҳида ажралиб туради. Улардан бири — гуноҳ «фалсафаси»ни тасдиқлайди. Бу — гуноҳкорлигини теран тушунган кишининг овози. У — шафқатсиз. Бу овоз хотирага бамисоли тиг бўлиб санчилади, юрак оромини бутунлай бузади. Мана, эшитинг:

Сочи соқол хўб оқарди кўнглум қаро,  
Рўзи маҳшар раҳм этмасанг ҳолим табоҳ.  
Сенга аён амалсизман, кўпдур гуноҳ,  
Жумла малак ёзуқларим билди, дўстлар.

Бу овоз соҳибининг назари ўткир. У ўз гуноҳларига мардона назар ташлайди. Ва бундан тоқатсизланади, «Тоқатим йўқ агар боқсам гуноҳимга». Гуноҳни англаш — гуноҳ қилмаслик чораси. Гуноҳкорлик туйғусига тобелик — поклашиш истагига эрк бериш. «Гуноҳ дарди касал қилди бемор бўлдум» деган, киши «беморлик»да Имон соғлигини кўзлагап шахедир. Унда тан беришмас, тан бердириш қобилияти ҳам бор. Унинг «Не қилгайсан гуноҳларинг тоғдин оғир...», деган сўроқ сўзларини шунчаки эшитиш мумкинмас. Бу овоз ёлғизлиги билан диққатни чуқур жалб қилади. Ва қалбда ўз-ўзинг билан қолиш, ўзлгининг текшириш изтиробларини кўзгайди. У инсон умрининг ҳаракат тарзини жуда позик илғайди: «Аё гофил, умринг сени ўтар елдек...». Елдек чошиб ўтадиган умрини мазмунли қилмоқ учун эса мардоналик зарур.

Маълумки, IX асрда тасаввуфда маломатиййа мазҳаби юзага келган. Бу мазҳабнинг маркази Нишопур бўлган. Е. Э. Бертельс маломатиййа мазҳабига мансуб кишилар учун ўз-ўзини комиллаштириш, юракни поклаш бош вазифа ҳисобланганлигини ёзган. Лекин бу иш мутлақо шахсий ҳаракат тарзида атрофдагилардан яширин, кўз-кўз қилинмасдан амалга оширилиши шарт бўлган. Содда қилиб айтилганда, маломатиййа — бу, инсоннинг ўз-ўзини таҳлилдан ўтказиш, таҳлил этган сайин қусури нуқсонлар учун ўзни аямаслик ва уларни маломат тилида фош қилмоқ йўлидир. Бу йўлда одам барча ёмон хислатларини сира яширмасдан ошкор қилаверган. Аммо бунинг акси ўлароқ, у яхши фазилатларини қатъият билан пинҳон сақлаган. Ўзгаларнинг ёлғону риёкорликларидан сўз очиш осон. Бироқ ўзингдаги қаллоблик ва риёнинг пардаларини йиртиш матонатли ишдир. Маломатиййачилар мана шундай матонат учун курашганлар.

Аҳмад Ясавий ҳам мазкур мазҳабнинг намояндаларидан эди. Шунинг учун у ҳикматларида маломатиййа қонун-қоидалари асосида фикр юритиб, одамни ўз-ўзига танқидий назар билан қарашга даъват қилгандир.

Дин гуноҳни қоралайди. Аммо гуноҳларига иқрорликни тўла ёқлайди. Чунки тавба-тазарру — тозаланиш демак. Лекин гуноҳкорлик — фақат айб ва айбдорлигингга иқрорлик деганигина эмас, асосий моҳиятини билиш, Ҳақиқатнинг муқаддас эшигига калит солиш ҳамдир. Акс ҳолда Шарл Пегн «Гуноҳкор христианлигининг

қалбини тушунади... Ҳеч ким хиристианликни гуноҳкор қадар англай олмайди...», деб таъкидламаган бўлурди. Гуноҳ ҳиссиётлари Аҳмад Яссавий ҳикматларида диннинг дилини тераи англаш истаклари билан ҳам чатишиб кетгандир.

Энди иккинчи Овоз ҳақида. У бошқа бир юксак моҳиятти очадиган плоҳий овоз. Инсон ҳаёти печоглик ўткинчи, кулфат ва машаққатларга тўла бўлмасин, у комилликка интилиши шарт. Камолот йўлига тушган инсонни Виждон руҳий оғриқларга гирифтор этиб, аламга юзма-юз қилиб қўяди, юракни гуноҳ ва қўрқув, шубҳа ва ишонч оралаб олиб ўтади. Уйғоқ Виждон энг охирги чегараларгача одамни ёлғизлантиради. Шундан бошлаб ўлим чекинади. Абадиятга чинакам ишонч шундан бошлаб тугилади. Бу Виждоннинг ахлоқ билан алоқаси йўқ. Қонун-қондалардан йироқ. У эркин руҳ билан яшаш сирларини очади, ақлий толиқишларни энгиб, мутелик занжирларини синдиради. Бу Виждон энг ноилож, энг кулфатли вазиятларда ҳам йўлсизликдан халос этади. Буни Шахсининг ўз Виждонига бориш йўли деб атаса тўғри бўлади. Шу йўлни топган одамгина худо томонга талпинади. Талпинган сайин эса ўзига нисбатан мурасасизликлари ортади. Аҳмад Яссавийда ана шундай. Буни у «ҳақиқатни дарёсидин» кечиш деб ҳам характерлаган:

«Ҳақиқатни дарёсидин кечгон киши,  
Ўзи муиглуг, кўнгли синуқ, кўзда ёши.  
Хорлиқ, зорлиқ, машаққатдур доим иши,  
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар».

Яссавий «Ҳақ таолло бўйин олгон мунда турмас», «Ошиқ бўлсанг ишқ йўлида фано бўлгил, Дийдор излаб, ҳасратида адо бўлгил» сингари сатрларида ўлим учун «ўлган» кишиларининг илоҳий-фалсафий қарашларини ифодалаган бўлиб, ўлмасликнинг сирини ўзларича кашф этган зотлар шулардир. Хорлиқ, зорлиқ ва машаққатлар гирдобига ташлайдиган бир гуссаларини улар юзлаб қувончга алмаштирмайдилар. Бунинг туб сабабларини холис тушунишга уриниш керак. Гап шундаки, Яссавийнинг ғоявий-бадийий анъаналари ўша замонлардаёқ қотиб ё тўхтаб қолмаган, у ёки бу шаклларда давом қилган. Навоий, Машраб, Махтумқули ёки бошқа шоирлар ижодиётида Яссавий анъаналарининг таъсир самаралари мавжудлигини қандай инкор этиш мумкин? Махтумқули

«Кўрднигми» деб номланган шеърда «Ё, иқлим эгаси Аҳмад Яссавий, Менинг соҳибжамолимни кўрднигми?!» — дейди. Бу савол — мурожаат икки буюк санъаткор дунё-қарашидаги яқинлик, ғоявий ашъана ва таъсир самараларини очадиган фалсафий, ахлоқий, эстетик нуқтаи назарлардаги уйғуликдан далолат беради. Чиндан ҳам Махтумқулининг айрим шеърлари, ўилаб сатрларининг туғилишида Яссавий ҳикматларининг таъсири шундоқ сезилиб туради. «Нафсим мени кўп югуртти ҳаққа боқмай», дейди Яссавий. Шу моҳият Махтумқулида «Ёронлар, йўлдош бўлдум нафси ҳаво золимга», тарзида ифодаланган. Ёхуд унинг «Вад ишларга бой бўлдим, хайр ишга гадо бўлдим», деган фикрлари Яссавийда кўп маротаба деярли айнан учрайди. Бундан ташқари, дунё шеъриятида Яссавий тажрибалари алоҳида ҳодисамас-ку! Арман шоири Григор Парекақининг «Мусибатнома»си, Юнус Эмронинг девони умумий руҳи ва бош пафоси билан Яссавий тажрибаларидан айтарли фарқланмайди. Қолаверса, Яссавий Юнус Эмронинг улуғ салафи.

Ҳақдин манга назар бўлди,  
 Ҳақ эшигин очар бўлдим.  
 Кирдим ҳақнинг газнасина,  
 Дурру гавҳар сочар бўлдим,—

дейди Юнус Эмро. Ахир Яссавий ҳам айни шу эҳтиёж ва мақсад билан ҳикматлар айтмаганми? «Толибларга дурру гавҳар сочтим маню»,— деган Яссавий туркий шеъриятидаги Юнус Эмрога ўхшаш сўфий шоирларга:

Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасанг,  
 Ломаконда ҳақдин сабоқ олдим маню,—

деган сабоқ бўларли фикрларни баён этган.

Албатта, Яссавийдаги муаллифлик масаласи мунозарали. «Девони ҳикмат»нинг кейинги асарлардаги нусхаларида шоир издошлари томонидан тўқилган нарсалар ҳам киритилган. Ёки ҳикматлар тили анча-мушча ўзгартирилган. Бу ҳақида кўп гапирилиб келинаёттир. Лекин Яссавий ижодиётини адабиётимизнинг «хавfli майдо-ни»га айлантормасдан ҳақиқатни юзага чиқарадиган омилларни излаш керак. Устод Мақсуд Шайхзода мана шундай масалага диққатни тортган эди: «Шубҳасизки,

Хўжа Аҳмад Яссавийнинг ёзиб қолдирган «Ҳикмат» китоби кейинча тил жиҳатидан ва маъно томонидан қанчалик ўзгаришларга дучор бўлмасин, унинг асл вази аввалги ҳолича қолган. Чунки бировлар илгариги вази шунча илдизидан ўзгартириб, қайтадан ишлашлари амри маҳол бўлар эди. Бу асарнинг вази эса автори аввалида ўзи ўйлаб ишлаган ҳолида сақланиб қолган». Демак, вазига асосланиб тил ва маъно ўзгаришларини текшириш имкони бор. Нега бу ишни амалга оширмаслик керак? Ахир, шарқ поэтикасида вази илми мустақил соҳа бўлган. У гарчи аруз вази қонун-қондаларидан баҳс этса-да, Яссавийга ўхшаш шоирлар тажрибаларини тадқиқ этишга ҳам ёрдам кўрсатади.

Бултур «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида босилган «Замон ва маданий мерос» номли давра суҳбатида профессор Абдуқодир Ҳайитметов «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»нинг энг олдинги нусхаси XVI асрга мансублиги, шунингдек грузин олимлари дostonни ўрганишни тўхтатмаганлигини изоҳлаб, яна дейди: «1967 йили СССР Фаолар академиясининг юбилей мажлисида Дмитрий Сергеевич Лихачёв билан суҳбатлашган эдим. Кўп шоирларимиз асарларининг ишончли нусхалари йўқ, сизлар шу масалада қандай йўл тутасизлар, деб сўрадим. Маълум бўлишича, улар ҳам нимаки қўл остида мавжуд бўлса, шунинг ўрганар эканлар. Яссавий, Машраб ва яна ўйлаб шоирларининг қадимий девонлари йўқ. Лекин борини ўрганиш керак. XI асрда Яссавий деган шоир яшаб ўтганлигини инкор қилиб бўлмайди-ку, буни Навоий ҳам, бошқалар ҳам айтиб ўтган».

Алишер Навоий «Насойимул муҳаббат»да ёзади: «Хожа Аҳмад Яссавий — Туркистон мулкининг шайхул-машойихидур. Мақомати олий ва машҳур, каромоти матаволий (хайратланарли) ва номаҳсур (чегарасиз) эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадонийнинг асҳобидиндур (суҳбатдоши)». Шундан сўнг Навоий Яссавийни Юсуф Ҳамадонийнинг бошқа халифалари Хожа Абдулхолиқ Гиждивоний, Хожа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андақийлар қаторида турганлигини таъкидлаб, охирида «Ва анинг мазори Туркистонда Ясса деган ердаки, Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидир», дейди. Баъзи олимлар Навоий Аҳмад Яссавий ҳикматларидан намуналар келтирмаганлиги ёки унинг ҳикматнавислигига муносабат билдирмаганлигига асосланиб, Яссавийнинг ўзи ҳикмат яратмаган, акс ҳолда бунга Навоий диққатини қаратарди,

дегандай фикрларни илгари суришган. Умуман олганда, бундай даъво ўринли. Бунда бошқа бир далилни инobatга олмоқ зарурга ўхшайди. «Насойимул муҳаббатда» ўқий-миз: «Ҳаким ота — оти Сулаймондур ва Хожа Аҳмад Яссавийнинг муридидур. Ҳамоноки, бир кун, Хожа тобхе (овқат пишириш) буюргондурларки, матбахий (ошпаз) ўтуи етмайдур деб келгандур. Алар асҳобга дегандурларки, ёзиди ўтуи териб келтурунг ва ул замон ёғин ёгодур экандур. Асҳабким, ўтуи терибтурлар, матбахга (ошхона) келгунча ёғин жиҳатиди ўтуилар ўл бўлгандур. Ҳаким ота терган ўтуиларни тўнига чирмаб, қуруқ келтургандур. Хожа Ҳазратлари дегандурларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларга бу лақаб анди қолгандур ва Ҳаким отага ҳикмат тили гўё бўлибтур. Андоқки, анинг фавоиди атроқ аросида машҳурдур. Ул жумладан бири будурким:

Тики тургон тубадур,  
 Боргонларни ютадур.  
 Боргонлар келмас бўлди,  
 Магар манзил андадур».

Агар ушбу тўртликнинг тили Яссавий даврининг тили эканлигига гумон йўқ экан, унда Аҳмад Яссавий ҳикматларининг тил ва услубининг соддалигига ҳам шубҳа қўзғайвермаслик керак. Бу — бир. Иккинчидан, Ҳаким отанинг лақабга эришиши эмас, унга «ҳикмат тили»нинг «гўё» бўлиши ҳам бевосита Яссавий таъсири билан алоқадорлигини Навоий фикрларининг ички маънига тасдиқлаб турибди. Биз жўи ва якраиғ тушунишга одатланганмиз. Ҳаким отанинг терган ўтуиларини «тўнига чирмаб» қуруқ келтиргани, бундоқ олганда, нима деган ҳодиса. Наҳотки, шунинг учунгина у ҳаким лақабига мушарраф бўлган бўлса. Бизнингча, буида рамз бор. Бу рамзининг мазмуни эса, Ҳаким ота сиймосида Яссавий ўзининг содиқ муриди, ҳикматлар яратувчи издошини кўрганлигини билдиради. Ҳаким ота устозига тақлидан ёзилган бир байтида:

Барча яхши, биз ямон,  
 Барча бугдой, биз самон,—

деган. Ўзини сомонга ўхшатган кишининг ижод намуналарини «қуруқ ўтуи»га нисбат берилиши ажабланарли эмас, албатта. Чунки, бу «ўтуи»лар мухлислар қалбида

алаңгаланиб ёймоғи ҳам тасаввурдап четда қолдирилмаган. Э. Рустамов «Насойимул муҳаббат»даги «Ҳаким отанинг болалик чоғларида, ҳали Аҳмад Яссавий қўлида тарбия олиб юрган вақтларида ҳикмат айтишида гўё бўлгани» тўғрисидаги далилли, унинг «ҳикмат ёзиши Аҳмад Яссавийдан ўрганганига ишорат» деб белгилаши тўғридир.

Яссавий туркий тилда ҳикматлар айтган файласуф шоир сифатида кўпроқ донг таратган. Шундай бўлгач, унинг ҳикматларини «реакцион шайх»нинг поэтик қобиқдаги «ваъз»лари деб эмас, биринчи галда сўфий шоирнинг поэтик асарлари ҳолида ўқиш ва тадқиқ қилиш лозим. Бунинг учун амалга оширилган илмий ишларга муносабат ҳам керак, албатта. Н. М. Маллаевнинг олий ўқув юртларига ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида Аҳмад Яссавий ҳаёти ва адабий фаолиятига махсус ўрин ажратилган. Унда шундай жумлалар бор: «Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида мистика билан аскетизм», «сирлар олами»га ғарқ бўлиш билан таркидунёчилик бир-бирига чатишиб кетади. Аҳмад Яссавий «Мавту қабла анта мавти» («ўлмасдан бурун ўлинг») деган тезисни илгари суради. Бу — киши бутун дунёдан, ўзлигидан, ҳаётнинг неъматларидан воз кечиш, ўзни ҳар жиҳатдан қийнаб, ўлимни яқинлаштириш керак, яъни тирик мурда бўлиши керак, деган сўздир». Бу фикрларни асосиз деб бўлмайди. Лекин уларда бирёқламалик кучли. Жалолиддин Румий бир ўринда «Ўлимга юз бургилу, пардани чок эт. Лекин лаҳатга элтгувчи ўлимнимас, янги руҳ тугдирувчи ўлимни танла», мазмунида сўзлайди. Алишер Навоий ҳам «Ёд этмак ўлум ёруғлуқ оҳанги эмиш», ёки «Ким, руҳини ўлмак сўзи равшан айлар» сатрларида Румий даъватидаги «ўлим»ни назарда тутган.

Унинг помни эса фанодир. Фано сўзининг мазмуни лугатларда «Йўқ бўлиш, тугалиш, ўлиш. Ўзликдан кечиш, худо билан бирикиш» деб изоҳланади. Чиндан ҳам ўлмасдан бурун ўлишга даъват фаноликнинг бош шиори. Аҳмад Яссавий:

«Мен йигирма икки ёшда фано бўлдум,  
Марҳам бўлиб чин дардликка даво бўлдум,  
Ёлгон ошиқ, чин ошиққа гувоҳ бўлдум,  
Ул сабабдан ҳаққа сизиниб келдим мано»,—

деган. Бу жойда «фано» поэтик образ. Ундаги маптиқни кимдир ўзликдан кечиб таркидунё этиш деб тушунар. Кимдир худо ишқига гарқ бўлиш мазмунида қабул қилади. Бошқа бировда у фикр қўзғайди. Чунончи, фанолик бадбинлик ва тушқунлик аталадиган бўлса, унда шоир нега «чин дардлик» иборасини тилга олган? Ҳаётдан кўнглини совитган ва ўлмасдан бурун ўлиш қасдидаги кишининг ёлғон руҳ билан не иши бор? «Ёлғон ошиқ чин ошиққа гувоҳ бўлдим» — кўнгли юксак қандайдир бир ҳаким сўзларига ўхшамайдими бу? Ҳаққа сизгинмоқ — идеал. Наҳотки, юксак идеалдан одам абгорлашса? Сизгиниш туйғусининг ўзи кимларга насиб бўларкин?

Дейдики, шеър — ҳақиқат. Шеър ўқиш-чи? Шеърхолик — ҳақиқатдан ҳақиқатлар чиқарини, бир ҳақиқат орқасидаги неча ўнлаб ҳақиқатларни ўқиш, уларни излаш. Шунинг учун шеърфаҳм ўқувчининг мушоҳадалари кенг, шеър устидаги саволлари кўпдир. Шарқ шоирлари уни ҳисобга олганлар. Хўш, Яссавий шеъри баҳонасида қўйилган саволлар ноўриними? Агар бу саволга ижобий жавоб қайтариладиган бўлса, фаноликка доир бизга ўргатилган ва тушунтирилган фикрларга шубҳа туғилмайдими? Албатта туғилиши керак. Шубҳа ҳақиқат очади.

Мирзо Фатали Охундов Жалолиддин Румий тўғрисидаги мақоласида «на ҳинд, на ислом файласуфлари фано тушунчасининг мағзини оча олмаган»ликларини айтган... Фанонинг ҳинд файласуфларига нима алоқаси бор? Чунки фано, яъни ўзликдан кечиш билан бутун борлиққа қўшилиб кетишга ишонч тариқатини дастлаб Будда ташвиқ қилган экан. «Инглизлар Ҳиндистонни мустамлакага айлантириб олганларидан сўнг гарб файласуфлари фанонинг асл мазмунини талқин этишга жиддий интисалар-да, бунинг имконсизлигини тушундилар», — дейди Мирзо Фатали Охундов. Ўзбек адабиётшунослигида фано масаласини махсус ўрганиш ёки бирор мақолада мухтасар талқинини бериш ҳанузгача ҳеч бировнинг хаёлига келгани йўқ. Лекин фанони дастак қилиб Яссавийни қоралаш мумкин, Павонийнинг фанога доир байту ғазалларининг ҳақиқий моҳиятини тадқиқ этмаслик ёзилмаган қонда. Нега? Гапириш ноқулай.

Маълумки, тасаввуф аҳли — сўфийларнинг эътиқодига кўра, оламий худо яратган. Унгача вужуди мутлақдан бўлак ҳеч нима бўлмаган. Шунинг учун борлиқни Ҳақнинг ҳусну жамолини аке эттирадиган ойна тимсолида билиш керак. Лекин табиатнинг яратилишидан асл мақсад

эса Инсондир. Инсон худонинг севгисига сазовор. Шунин у мукаммал фаҳмламоги зарур. Худонинг ишқи бамисоли май. Бу «май»нинг қадаҳи инсон қалби. Шу «қадаҳ»га ишқ майи қанча ортиқ қуйилса одамдаги юксак маънавий руҳий интилишлар ўшанча кучаяди. Навоий ғазалларида бирида:

«Сен гумон қилгондин ўзга жомин май мавжуд эрур,  
Билмайин нафъ этма бу майхона аҳлин, зоҳидо»,—

деганида худди ўша «жомин май»ни гапирган. Вужуди мутлақ висолига восил бўлмоқ учун, ислом таълимоти бўйича шарият, тариқат, маърифат сингари қатор босқичларни ўтиши жоиз. Маърифат манзилида инсон худо моҳиятини тўла англаб илму ахлоқда комиллашади ва ориф деган олий номга эга бўлади. Фано эса «банданинг худо тарафига сайри»нинг ниҳояси. У ўзлигидан кечиб худо билан топинади. Шундан эътиборан гўёки ҳақиқий ҳаёт бошланади-ю, фанийлик ранжу машаққатлари тугаб, боқийлик саодати юз очади. Чунки унинг нафсу хирслардан тозаланган мусаффо юрагида ишқий эҳтирослар жўшади. Бу ҳолатни кўпинча ўзини йўқ этиш, янада аниқроғи, ўлимга инсбат беришади. Бунақа қараш ҳам тўғри, ҳам нотўғри. Алишер Навоийда бир иқрор бор:

Дединг: «Фано недурур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак!»  
Ки шарҳин тиласанг, юз рисола бўлғусидур.

Демак, «ўлмак» фанонинг энг мухтасар шарҳи. Аммо бўлак изоҳлари «юз рисола» бўлмоғи мумкин экан. Атоқли олим И. С. Брагинский Жалолиддин Румий шеъриятида фано тушунчасини «фавқулудда жасорат билан талқин этилган»лигини айтиб, қуйидаги хулосага ҳам келади: «фано концепциясини такаббурликка қарши хоксорлик йўсинида характерлаш мумкин, бу эса, алаоқибатда, ҳар бир алоҳида инсон шахсининг улуғланиши демак, инсон эса мураккаб камолот йўлини босиб ўтиб, худога ўхшайди:

Аё сиз, жон чекиб, ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,  
Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий — сиз, илоҳий — сиз!»

Бизнингча, фанога доир энг тўғри шарҳлардан биттаси мана шудир. Яссавий ҳам фанодан, асосан, «такаббурлик-

ка қарши хоксорлик» фалсафаси сифатида фойдаланган ва уни шу мазмунларда кўпроқ ёритган. Такаббурлик — адолатнинг ёни. Такаббурлик елларида саховат чироқлари ўчади.

Аҳли дунё халқимизда саховат йўқ,  
Подшоларда, вазирларда адолат йўқ,  
Дарвишларни дуосида ижобат йўқ,  
Турлук бало халқ устига ёғди, дўстлар.

Савол туғилади: халқ кўнглидан саховат туйғулари нега бу даражада барҳам топган? Шундай бўлиши ҳам мумкинми? Нима учун «подшоларда, вазирларда адолат йўқ?» Нега дарвишларнинг «дуоси» ижобатсиз? Эл устига ёғилган «турлук бало»ларга подшоларнинг золимлиги-ю, вазирларнинг дийнатсизлигигина сабабми? Меҳр бир дарахт бўлса, саховат унинг меваси. Подшо ва амалдорларнинг адолатсизликлари шу «дарахт»нинг ҳаётига, албатта, қаттиқ зиён етказди. Бу эса ўз навбатида одамлар ўртасида ҳурматсизлик, оқибатсизлик, шафқатсизлик ҳиссиётларини кучайтиради. Бундай ижтимоий муҳитда риё ва маккорликлар қарийб қонуниятга айланади. Бу каби иллатларнинг юзага келишини Яссавий охир-оқибатда битта нарсага тақайди. Бунинг поми — ишқсизлик. Ёки ёлгон ошиқликнинг томир ёзишидир. Аҳмад Яссавий қатор ҳикматларида айни шу фожианинг фикрий талқинларини беради. Унингча, «Ишқсизларни ҳам жони йўқ, ҳам имони». Улар Ҳақ ва ҳақиқат сирларидан огоҳ эмаслар. Шунинг учун оллоҳ ишқидан даъво сургувчиларнинг аксарияти «Зоҳир сўфи, ботин ичра эрмас содиқ». Шоир «муҳаббатсиз халойиқдин» қочиб, орифлар суҳбати-га юз буришга чақиради. Яссавий таърифларида ориф қуллар — «жондин кечиб» ҳақни жонга қўшиб, «дарё бўлиб» тошганлар. Уларнинг «ичу тоши» «ҳақ нурига» тўла. Шунинг учун ҳам уларнинг кўнгли ёруғ, назари очиқ.

«Ҳар ким ҳақни қули бўлса ҳаққа ёнсу,  
Ҳаққа ёнмас ўзни деган нари борсу»,—

дейди улар. Ва орифлик учун дарду аламқашлик, бедорлик зарурат, айшу ишратлардан кечини шарт қилиб қўйилади:

Ориф ошиқ бўлай десаиґ алам тортғил,  
Ҳақ васлига етай десаиґ тунлар қотғил.  
Бу дунёни ишратили ташлаб отғил,  
Ташлаб отсаиґ моумонлик кетар, дўстлар.

Аҳмад Яссавий яна бир ўринда «Ҳақиқатни маъносига етган киши, Беҳуд бўлиб куюб ёнар ичи тоши», дейди. Мутафаккир шоир ҳақиқат маъносига етиб, шу туфайли «ичи тоши» ёниб-ёлқишланган одамлар дийдорини қўмсайди. Уларни хаёлан кўп ахтаради. Лекин тополмайди. Қимлардир унинг назарида ишқу эътиқодга содиқ кўрингандай бўлади. Аммо бундай кишиларда ҳам негадир риё сезади:

«Кўз ёшини риё қилма ҳақни тани,  
Ҳақ таоло суйганларни гирёп қилур».

Шоир ана шундай чин гирёнларга инонади. Риё қилмасдан кўз ёш тўккан ошиқларнинг фикру қарашларини ёқлаб ҳикматлар сўзлайди. Ҳикматларини фақат «дили ойнадек» мусаффо содиқ ошиқлар эшитишларини орзу қилади:

«Менинґ ҳикматларим ошиққа айтинг,  
Дили ойнадек содиққа айтинг».

Алишер Навоий «Маҳбубул қулуб»да ёзган: «Нодон — эшак, балки эшакдан ҳам баттар. Эшакка нимани юкласанг кўтаради; қаёққа ҳайдасанг ўша ёққа боради, унда ақл-фаросат даъвоси йўқ, бермасанг оч, берсанг тўқ. Бу бир бечорадур юк ташувчи, утин-чўп ташувчи, балки ғалла ташувчи...

Нодон — юқоридаги сифатлардан холи; зоти билим либосидан маҳрум. Нодоннинг иши такаббурлик, кеккайиш, хаёлида юз хил беҳуда ташвиш...».

Қайси элда ички ҳорғинлик ва руҳий озурдалик ғолиб келса, у элда нодонлик авжга чиққан бўлади. Қайси юртда маънавий қадриятлар қиммати насайтирилиб, адолат устунлари қулатилса, у юртда ғофил бандаларнинг баланд мартаба ва мавқеларга кўтарилмоғлари учун кенг йўл очилгандир. Навоий «Нодонлиғ эрур элда маломатга далил», дея башорат сўзларини ёзиб қолдирган. Адабиётимиз тарихида нодонлик аталмиш офатдан Аҳмад Яссавийчалик ранж чеккан шоир бўлмаса

керак. Нодонлик — халқнинг кулфати. Нодонлик — ўзига хос ёвузлик. Нодон — ақл жаалоли. Мана шунинг учун Яссавий «Дуо қилинг нодонларни юзини кўрмай», дея ёлворган ва ўнлаб ҳикматларини нодонликдин шикоят мазмунларида яратган.

Дуо қилинг нодонларни юзун кўрмай,  
Ҳақ таоло рафиқ бўлса бирдам турмай.  
Бемор бўлса нодонларни ҳолин сўрмай,  
Нодонлардин юз минг жафо кўрдум ман.

Яссавий бу қарорга бирданига келмаган, албатта. У «нодон бирла улфат» ҳам бўлиб кўрган. Лекин бундай «улфатчилик»дан бағри куйиб, жондан тўйган. Мабодо эгрилик йўл аталадиган бўлса, нодоннинг йўли эгридир. Шунинг учун уни тўғрилиқка йўллаш самарасиз. Бесамар ҳаракат эса доно учун айни гам захридай ган.

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,  
Бағрим куюб, жондан тўюб, ўлдим ман.

Тўғри айтсам эгри йўлга бўйин тўлгар,  
Қонлар ютуб гам захрига тўйдум ман.

Яссавий «зоти билим либосидан маҳрум», калтабин ва худпараст кимсаларинигина нодон санамаган. Балки у «олиман деб китоб» ўқиб, «маъни уқмас»лар, фикрсизлиқ зулматидан руҳи сим-сиёҳ амалдорларни ҳам ашаддий нодонлар сафига қўшган. Унингча, «улуғ кичик ёронлардан адаб»нинг кетиши ҳам аввало нодонлик тазйиқидан. Шоир ҳалол ҳаромнинг фарқига бора олмайдиган нафс-параст халойиқ учун «малоникдин» шарм қилади. У «Оқил эрсанг эранларга хизмат қилгил», деганида «Муҳаббатни майдонида жавлон» қилиб, «Ҳақиқатни дарёсидан гавҳар олгон» мард кишиларни эътиборда тутати. Бироқ унинг ўзи шундай одамларни излай-излай, охири мана бундай ҳолатга етади:

«Ер остига қочиб кирдим нодонлардин  
Илким очиб дуо тилаб мардонлардин.  
Ғариб жоним юз тасаддуқ донолардин,  
Дано топмай ер остига кирдим ман».

Аҳмад Яссавийнинг донолик тўғрисидаги тушунчаси — идеал тушунча. Шунинг учун доно одамлардан унинг талаби ниҳоятда катта бўлган. Масалан, у «Охир

замон олимлари золим бўлди. Хушомад этгувчилар олим бўлди», деганида замоннинг охирлашганидан каромат қилишни ўйламаган. У олимнинг хушомади — золимлик, хушомад орқали олимликка эришмоқ — илм аҳлининг ихтиёрий равишда зулмкорлар сафига қўшиливидур деб билган. Ва бу қабоҳатда охир замон нишонларини пайқаган. Дарҳақиқат, олим билан золимни бирлаштирган замоннинг истиқболи нима ҳам бўлиши мумкин? Шоирнинг бошқа тўртлигидаги ҳукмича, «Доно туфроқ, нодонларни кўкси баланд». У «ҳақ таоло»га «рафиқ»лик иштиёқдан сўзлаганда ана шу «кўкси баланд» нодонларга танқидий муносабатини билдирган. Аҳмад Яссавийнинг фано фалсафасини хоксорлик билан баробар беозорлик, фақирликка, севмак, муҳтожликдан ўзни қутқармоқ маъноларида ҳам мушоҳада этмоқ керак. У фано орқали эрка интилиш, илоҳий ҳурликка муҳаббат майлларига алоҳида урғу бергандир. У оллоҳ висолига талпинмоқни суяди. Туну кун унинг хаёлида ёнади. Тангри даргоҳига ёруғ юз билан боролмаслигидан такрор-такрор ўкинади. Лекин буларнинг замирида кундалик ташвиш, ўткинчи ҳаваслардан кўнглини озод этишдек кучли истак ётади. Бу истакни эса Рух эрки учун жонбозлик фалсафаси деб аташ мумкин бўлурди.

Дунёпараст ножинслардин бўйин товла,  
Бўйин товлаб, дарё бўлиб тоштим мано.

«Дарё бўлиб тошмоқ» — фанолик шарофати. Давлатсевар, молпараст нокасларга бўйин эгмасликнинг асосий шартини фаноликдир. Инсон умри қисқа ва ўткинчилиги азалдан аён. Аммо у шуни яхши билса-да, ўзини дунёда ўткинчи ҳисоблайвермайди. Нега? Негаки, ишқ ва тафаккурда у боқийлигини топади. Аҳмад Яссавий шеърларини ўқиб, «Нима учун унинг ориф юраги бу даражада беқарор, бу қадар озурда ва мискин?» — деган хаёлларга борилиши мумкин. Бунинг асл сабаби шундаки, илоҳий муҳаббатга берилган юрак осойишталигини буткул унутди. Азоб ва дард ҳукмига тобе бўлиб қолади. Аслида, бу — юракнинг шодлик маросими. Чунки энди у бошқа ҳеч қачон, ҳеч вазиятда гафлат тутқуни бўлмайди. У ердан, кўкдан, инсондан моҳият қидиради. Бу маъноларда Яссавий учун фано абадиятга интилишдан бўлак нарса эмасди.

К. А. Гельверций шоирларга қарата: «Агар ҳақиқатни образли шаклларда тасвирламас экансиз, шеърятни тинч қўйинглар!» — деган экан. Бу фикрни ривожлантириб, «Агар поэтик образ «дили» ва «тили»ни тушунмас экансиз, шеър ва шоир устидан ҳукм юритманг!» — дейиш лозим бўлади. Поэтик образ — фавқулодда серқирра «қурилма». Унинг асосий фазилатларидан бири — мазмунда «қатлам»дорлик, туйғуда бўёқдорлик. А. Ф. Лосев «Поэтик образ ҳақида» мақоласида «Образ — бу ноёнсизлик», деган. Шеърнинг руҳий ва ғоявий қудрати образда марказлаштирилади. Суз сеҳри ва маъно қатламлари ҳам образ бағрида яширингандир. Шунинг учун Гегель «Қонунларнинг шафқатсиз кучидан, фикрнинг ноҳуш уйғунлигидан толиққанзимизда поэтик образлардан ором ва софлик истаймиз», — деган эди. Яссавий кўпчилик ҳикматларида поэтик образга хос миқёснийлик, тераклик имкониятларидан самарали фойдаланган.

Бешак билинг, бу дунё борча халқдин утаро,  
Ишонмағил молипга, бир кун қўлдан кетаро.  
Ото-оно, қариндош қаён кетди — фикр қил,  
Тўрт оёғлиг чўбин от бир кун санга етаро...

Ушбу сатрлардаги моҳият дунёнинг ўткинчилиги ҳақида. Ёлғиз шу тўғридами?

Аҳмад Юғнакий «Ҳиббатул ҳақойиқ» асарида очуни бир қўниб яна кетиладиган роботга ўхшатади. Ва кейин унга жонли сифатлар беради: дунё кишига гоҳо бир кулиб боқади-ю, кейин қош уйиб хўмрайиб олади. — У — айёр, фирибгар. Бир қўли билан бол тутса, иккинчиси билан унга заҳар қўшади:

Бир элкин тутиб шахд, бири заҳар қотар.

У заҳарни четдан олмайди. Очуи — илон. Унинг илондек юмшоқлиги ва ювошлигидан алданмаслик керак:

«Йилон юмшоқ эркан ёвуз феъл тутар,  
Йироқ тургу, юмшоқ теб ишонмағу», —

деб огоҳлантиради шоир. «Дунё»нинг найранг ва афсуслари шулардангина иборат эмас. У сиртдан боққанда кўримли. Шу сабабли илонга ухшамаслиги ҳам мумкин. Аммо ичида бағрибир минглаб ноҳушлиги тўпланиб ётади. Очунининг ташқи безакларига мафтун бўлиб, унга

кўр-кўрона кўнгил бермоқ эса барча хатоликларнинг бошланишидир. «Дунё»ни ишвагар, субутсиз, алдоқчи, зolim, бевафо қиёфаларида характерлаш туркий халқлар шеъриятида XII асрлардаёқ гоъвий-бадий анъана ҳолида шаклланган эди. Юсуф Хос Ҳожиб унга «иййиг дунё» — бевафо дунё сифатини беради. Аҳмад Юғнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Яссавий тасвирида ҳам «дунё» поэтик образга айлантирилгандир. «Бешак билинг, бу дунё, борча халқдин ўтаро»даги «дунё», биринчидан, Аҳмад Юғнакий айтган, одамлар бир қўниб яна кетадиган «работ» маъносига эга. Иккинчидан, у инсон умрининг кўзгусидай гап. Унга фикран назар ташлаб, умрнинг нақадар югуриклигини билса бўлади. Учинчидан, у тақдир тимсоли. Умрнинг елдай ўтиши тақдирданми ё дунёнинг ишими — билиш қийин. Шуниси аниқки, тақдирнинг аёвсизлиги олдида мол-дунёга инонмоқ подоилик ва гофилликдир. Тўртинчидан, бу олам шундай бир «майдон»ки, унда ҳамма ҳам охир-оқибатда «тўрт оёғли чўбин от» устида жонсиз ястаниб кетмоққа маҳкумдир. Одам туғилса нега ўлади? Ўлса нега туғилади? Шарқ мутафаккирлари ўлимни тирикликнинг тескари ва тоза томони деб айтишган. Нега шундай дейишган? Бу ҳақиқатни қандай қилиб англаш мумкин? Турмушнинг майда ташвишлари ўлим қаршисида нимага арзийди? Инсон тирик мурдага ўхшаб яшамаслиги учун Вақтни ўлдирмаслиги керак эмасми? Вақт қаҳридан чўчимаслик нима оқибатларга олиб боради? Бундай саволлар хусусида тинимсиз ўйлаш лозим. Ўлимни англаш — ҳаётни маърифат билан қадрлаш, одам фарзандини ганимат билиш, манманлик ва жаҳолат «тулпор»ларга миниб ҳовлиқмаслик деган мантиқларини ҳам ўз ичига олади. Алишер Навоий:

«Эй кўнгул, келким бало базмида жоми гам тутай,  
 Ўз қатиг ҳолимга ўлмастин бурун мотам тутай.  
 Йиғлабон бошимга оҳим дудидин чирмаб қаро,  
 Матомим эл сўнгра тутқунча, ўзим бу дам тутай», —

дер экан, буни у асло бадбинлик ва тушқунликдан айтмаган. Ўз ўлимига ўзи йиғлаётган кишининг нақадар ёш, ҳаётга муҳаббати нечоғлик чуқурлигини тасаввур этасизми? Қариликда бундай бўлмайди. Қариликда, хоҳланг, хоҳламанг ўлимга кўникма бор. У нари борса, «Дард ёмони қарилиқдир, ёронлар» дейди. Лекин охи дудидин бошига қаро «чирмаб йиғламайди. Навоий ёшлик-

ни севгани, ёшликка ҳос шпжоат ва муҳаббат туғёнлари қалбини тарк этишига кўннка олмаганидан ўша муңгли сўзаларни ёзган. Яссавийни эса йўлсизлик пайтида саодатга бел боғлаёлмаслик ҳислағи қийнаган:

Аё дўстлар, ҳеч билмадим мен йўлимни,  
Саодатқа боғламадим мен белимни.  
Ғийбат сўздин ҳеч йиғмадим мен тилимни,  
Нодонлигим мени расво қилди, дўстлар.

Аҳмад Яссавий учун саодат ва ҳақиқат ашёвий нарсаларга эга бўлишмас. Булар ҳатто мақсад ҳам эмас. Унингча, ҳақиқат Юракда. Ҳақиқат — Рух. Борлиқ, олам билан руҳан уйғунликка киришиш — олий саодат. Саодат — маърифат нурларидан онг ва дилни тиниқлаштириш. Шоир ўз мавжудлигини Рух ва руҳий ҳаётдаги ўзгаришлар, тўлганишлар, юксалишлар орқали идрок қилмоқни хоҳлайди. У инсондаги ички бойликни муқаддас билган. Шунинг учун ташқи бойликлар, гуноҳ ва мутелик «нархи»ни оширувчи уларнинг ҳар қандай туридан у ҳазар қилади.

Дунёдорлар молни кўриб ҳаво қилур,  
Манманликда ул даъвои худо қилур.

Бундоқ қаралганда, Мансур Халлож ҳам «Анал ҳақ!» деганда худоник даъвосида бўлган. Бироқ у дунёдорлик ҳавосигамас, руҳий камолотга ишонган. У шоҳ Жамшидга ўхшаб тожу тахт «гурури ва азим давлат такаббури димоғига фосид хаёл солиб, оламини ўз ибодатиға амр қилиб, ўз сурати била бутлар ясаб» сиғинмоқ учун шаҳру кентларга юборган жибр ва шухрат қулларидан бўлмаган. Бойлик, такаббурлик одамини ўз қавм ва элидан ҳам йироқлаштиради. Ҳаққа ёв-ёвуқлашини сафардаги киши эса табиат, жонли мавжудот, ҳаттоки «қурт ва қушлар»га ҳам яқиндир:

Дунёдаги қурт ва қушлар қилди салом.  
Ул сабабдин ҳаққа ёвуқ бўлдум мапо.

Яссавий поэтик фалсафасидаги бундай ҳақиқатларни Навоий мукаммал англаган. Англагани туфайли ҳам қомилликка кўтарилиш, ҳаққа эътиқод, молу давлат учун жонсарак бўлмасликда «Турк пири», яъни Аҳмад Яссавийдан ўрпак олишга даъват қилган.

Ҳар киши комил эрур, бас анга ҳақ бандалиги,  
Мундин ўзга тамаи касби камол айламангиз.  
Олами фоии учун ранжу машаққат чекмангиз,  
Мол учун гам емангиз, фикри манол айламангиз.  
Турк пири каби оламдин этакни силкинг,  
Дўстдин гайри таманиои висол айламангиз.

Агар Яссавий «ўтакетган таркидунёчи», дунёқараши гуманистик ҳақиқатлардан йироқ, фалсафий-дидактик қарашлари «реакцион» бўлганида Навоий унинг «оламдин этак» силкишини намуна қилиб кўрсатармиди? Ёки улуг шоир «Мол учун гам емангиз, фикри манол (бойлик) айламангиз», дея Яссавийнинг «Дунё учун гам ема, ҳақдин ўзгани дема» сўзларини деярли айнан такрорлармиди? Яссавийшунослар ушбу мисрадан шоир «Бу дунёни севма, ҳаёт учун ташвиш чекма» демоқчи, деган хулосаларга келишган. Навоий «Мол учун гам емангиз» деб Яссавийдаги «дунё» образининг маъносини шарҳлаган дейиш мумкин. Навоий шеърятини яхши тушуниш учун — Яссавий ҳикматларидаги гоё ва поэтик образларнинг тарихи ва мундарижасини яхши билиш лозим. Бунга истак йўқ экан, унда Яссавий ижодиётининг гоёвий-бадиий сирларини тўғри очиб учун — Навоий лирикасининг маъно ва образлар дунёсини кенг ўрганмоқ керак.

Мана, Яссавийнинг бир сатри:

Туфроқ бўлғил, олам сани босиб ўтсин.

Ушбу мисра Яссавийга кўп маломатлар ёғдирилишга боис бўлган мисралардан. Шоир худди шундай образли ифодалари билан гўёки «халқнинг қўл-оёғини золимлар олдида кишанлаб қўйишни мақсад қилиб» олган эмиш. Юзаки қаралганда, бундай таъналарда жон бордай, албатта. Дарҳақиқат, одам нечун «тоғ» бўлмасдан «туфроқ» қа айланиши керак? У «олам»нинг оёғи остида янчилиш учун тугилмайди-ку! Бу — ҳозирги ўқувчининг нуқтаи назари. У сатр мазмунини тахминан ўшандай англайди ва баҳолайди. Негаки, у «туфроқ» сўзини ўша жойда ё ўз маъносида ёки ўлиб хокка қоришиш мазмунида тушунади. Шу ўринда озарбайжон олими Комил Валневнинг «Сўзнинг сеҳри» (Боку, 1986) номли китобидаги мана бу фикрларга диққатни тортишни хоҳлардик: «Инжил» ва «Қуръон» Фузулий санъатининг ичиндадир. «Инжил» инсоннинг заифлиги, «Қуръон» инсоннинг

қудрати устида яратилган. «Инжил»да инсон кучсиз, кумак ва шафқатга муҳтож, ҳар қандай зулмга чидамлидир. «Қуръон» эса инсонни империя учун сафарбар қилади, инсонни кучли ва янада кучли бўлмоғини тарғиб этади... Кучсизлик ва кучнинг дини Фузулий шеърининг ботинидадир» (23-бет). Мазкур қайдларни Яссавийга ҳам тадбиқ қилиш мумкин. Яссавий санъатининг бағрида ҳам «кучсизлик ва куч дини» яширилган. Унда «Инжил» ҳам, «Қуръон» ҳам бор. Шоир ижодиётига «Қуръон»дан ўтган гоя ва образлар сезиларли мавқега эга. Лекин улар қандай формаларда ва қайси мақсадларда ўзлаштирилганини аниқлаш зарур. Мана ўшанда ҳақиқат равшанлашиб, чин моҳият юзага чиқади.

Яссавий «Туфроғ бўлгил...» деганда катта мақсадни эътиборда тутган. Келинг, аввало, Одам Ато ҳақидаги афсонанинг мазмунини ёдга келтирайлик. Маълумки, диний тасаввурлар бўйича худо дастлаб тўрт унсурни бунёд этган. Булар: ўт, сув, ер, шамол. Сўнг одам яралган. Бу ҳақида Абулғозихоннинг «Шажараи тарокнома»сида ўқиймиз: «...Худойи таоло фаришталарга айтадиким, туфроқдин киши ясаб жон бериб ер юзинда ўз ўрнимга халифа қилиб қўятурурман...». Бу ҳукмга фаришталар, инсонлар ўз нафсларини забт қила олмайдилар, деб эътироз қилдилар. Шунда худо айтганмиш: «Ман билгонни сизлар билмассизлар. Боринглар, туфроқдин бир кишининг сувратин ясанг... Азройил алайиҳсалом худонинг амри билан бориб барча ер юзиндаги ҳар турлик туфроқдин олиб Маккаи муаззама бирла Тоифнинг орасида туфроқни балчиқ қилиб одамнинг сувратини ясаб ётгуздилар». Одам шамол ёрдамида ҳаракатга солиниб, олов билан жасади иситилганда қалби ҳароратга тўлибди. Ва яратганининг шафқату саховати туфайли вужуди ичида инсон ўз эркини топибди. Тасаввуф фалсафасига биноан, ушбу тўрт унсурнинг ҳар биридан тўрт хусусият, тўрт ҳолат, тўрт майл ва тўрт сифат юзага келтирилганмиш. 1. Тупроқдан — сабр, умид (худонинг марҳаматига), эзгу хулқ ва мурувват. 2. Сувдан — қувонч, саховат, назокат, бирлик. 3. Шамолдан — ёлгон, иккиюзламачилик, сабрсизлик, танतिकлик. 4. Оловдан — нафс, кибр, тама, ҳасад. Бундан ташқари, тасаввуфда тупроқ оллоҳнинг мунаввар нури, сув — унинг ёруғ ҳаёти, ҳаво — буюклиги, олов — унинг ғазаби тимсоли. Тупроқ ва сув — жаннат мулки, шамол ва олов — дўзах ичидаги нарсалар. Ушбу шарҳу маълумотларни ёдда тутиб,

«Туфроғ бұлгил, олам сени босиб үтсеп» сатрига яна назар ташланг. Тасаввурда нимадир ўзгардимиз? Албатта, ўзгарди. Чунки, «туфроғ» биринчидан, оддий сўзмас, поэтик образ экан. Иккинчидан, шоир диний шиоичларга асосланиб инсонни эзгу хулқ соҳиби, мурувватли ва илоҳий зот шарафига эришишга чақирган. Яссавийдаги «туфроғ» образи худди шу маъно ва маъниқларда Навоий шеърларида ҳам тадбиқ қилинган.

Бу қадар манзилату қурби буюк поя била,  
Ўзини тутқувчи туфроғ ила ҳамвор қани?

Туфроғ ила ўзни тенг тутиш нима экан? Буюклик замини. Хоксорлик пояси. Кибр, манманликдан покланиш. Инсонийлик мартабаси олдида бўлак мартабаларни назарга илмаслик. Навоийнинг бошқа бир газалидаги эътирофича, «Бевафолар ўт, вафо аҳли эрур туфроғ...». Мисрадаги «ўт» ва «туфроғ» сўзларнинг иккаласи ҳам поэтик образ. Шунинг учун — ўт образи орқали бевафоликни тугдирадиган шайтоний ва нафсоний ҳирслар тўғрисида ўйлаш керак. Вафо аҳли нега «туфроғ» эканлиги энди аён, албатта. Қўрайеисзки, Яссавийнинг «Туфроғ бұлгил» дейишининг бир сабаби Навоийда изоҳланган. Яъни бундай:

Эй Навоий, ўзни мақбул истасанг, туфроғ бўл,  
Ким эрур мардуд, улким бошида киндори бор.

Мардуд — рад этилган. Бунга сабаб — шайтоний кеккайиш. Демак, Ўзликни англаш «ўзни мақбул» исташнинг зўр чораси тупроқсифатликдир.

Биз Яссавийдаги «туфроғ» образининг мундарижасини ҳали тўлиқ талқин этганимизча йўқ. Унда диний тўшунчалар билан боғлиқ бўлмаган бошқа маъно «қатламлари» ҳам бор. Масалага кенгроқ қараб савол қўяйлик: Тупроқ нима? Тупроқ — Ватан. Тупроқ неча юз йиллардан буён не-не улуг фарзандларини қучоғига босиб келаётган мушфиқ Замин. Шунинг учун биз уни эъзозлаб она тупроқ деймиз. У олис аждоодларга оналик қилган. У ота-боболаримизнинг онаси бўлган. У бизнинг онамиз. Ва келажак насларнинг онаси бўлажак. Оташнафас турк шоири Ошиқ Вайсал дейди:

Ҳавога боқсам мен ҳаво оларман,  
Тупроққа боқсам мен дуо оларман.  
Тупроқдан айрилсам қайда қоларман,  
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

Ҳа, ҳақнинг «ниҳон хазинаси» тупроқда. Тупроқ «дуо»си — Ватан дуоси. Чингиз Лйтматов яратган Тўлғаной момонинг она замини билан ҳасратлашганларини хотирланг. У бир жойда «Умр ўтиб бораётир, она-Ёрим, орадан тагин бир йил ўтди. Бугун менинг сиғинадиган кушим», дейди. Ерга сиғинмоқ одамийлик матлаби. Она заминига сиғинган кишининг «Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир» дейиши, ишқ нурларини Ватан тупроғига бағишлаши шубҳасиздир.

Ўзбек адабиётида Ватан ҳақидаги фалсафий фикрлар Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бошланади.

Бошим туфроқ, ўзим туфроқ, жисмим туфроқ,  
Ҳақ васлига етарман деб руҳим муштоқ.

Яссавий байтининг иккинчи қаторидаги гапни хоҳланг «Ҳақ» васлига етишишга орзуманд кишининг сўзи, хоҳланг Ватан дийдори соғинчидаги комил Қалбнинг руҳ муштоқлиги деб қабул этишг. Моҳият бундан ўзгармайди. Чунки Ошиқ Вайсал башорат қилгандай Ватанга ёр одамгина илоҳий тилакларига етади:

Тилагинг бор эса иста оллоҳдан,  
Олмоқ учун узоқ кетма тупроқдан,  
Жўмардлик тупроққа берилмиш ҳақдан,  
Менинг содиқ ёрим қаро тупроқдир.

Истеъдодли шоир Муҳаммад Солиҳ ёзади:

«Сўзлагим келади — сўзларим тупроқ,  
Тупроқ сўзлашмайди. У — тушунилар».

Яссавийга ҳамоҳанг фикрлар. Тўғримасми? Ахир, чиндап ҳам тупроқ тушунилади. Яъни, ватанпарварлик ҳавойи сўзларда оғиз кўпиртиришмас. Ватанин англаш. Тупроқ тилини билишдир. Бунда сўз ҳам, севги ҳам гўё тупроқдир. Абдулла Орипов эса:

Нечун бошинг эгик, нечун қаддинг хам,  
Нечун нигоҳингни тортади тупроқ?  
Менинг ер устида танишларим кам,  
Менинг ер остида дўстларим кўпроқ, —

дейди. Нигоҳини тупроқ тортмайдиган кимсалар ёвуз ва жоҳилдир. Дунёдаги барча подон, хотирасиз барча гумроҳларнинг нигоҳлари тупроқдан узилгандир. Чунки ҳеч қачон ер остида уларнинг дўстлари бўлмайди. Улар ҳеч вақт тупроққа қоришиб ётган улуглар учун қадни хам тутишни идрок этолмайдилар. Бу ҳам ашаддий хотирасизлик. Бу ҳам ўзига хос манқуртлик.

«Туфроқ бўлғил, олам сени босиб ўтсин». Яссавий буни кимларга қарата айтган? Доно, янада тўғрироғи, ориф зотларга. Оломонга-чи? Ҳар нечук онги наст, руҳи қоронғу кимсаларга шоир унча инонмаган бўлса керак. Ниҳоят, «олам сени босиб ўтсин» тушуничасига етиб келдик. Шеър жўн ганининг жўнгина баёни эмас. Шеър теран фикру туйғуларнинг образли ифодаси. Аҳмад Яссавий шу имкониятдан фойдаланиб, Инсонни улугликка чорлаган. Чунончи, одам Ватап билан бирликка эришса, у на фақат ўз элининг, балки оламнинг эҳтиромига сазовор. Бундай кишини эл тушунади, дунё танийди. Бундай қудратли зотларни олам ҳам енгиб, босиб ўтолмайди. Мана, Яссавий сатридаги поэтик образнинг асосий мундарижаси ва ундан келиб чиқадиган оламшумул маъно.

Яссавий ҳикматларидаги кўпгина поэтик образларнинг маъно таркиблари теран ва мураккаб. Шунинг учун уларни талқин этиш ҳам жўн ишмас. Яссавийдан фақат бугунга мос гани ахтармаслик керак. Балки ундаги шеърини образларнинг мундарижасини қандай бўлса, ўша миқёсларда таҳлил қилиниши лозим. Таҳлилда эса «қулогидан тортиб» фикр чиқариш эмас, эркин мушоҳада усули зарурдир.

Академик Д. С. Лихачёв сўзлари билан айтиладиган бўлса, «Ўтмиш ва ҳозирги замон маданияти ўртасида тескари алоқа мавжуддир. Вақт ҳамиша янги нуқтаи назарларни яратади ва эскига, янгича қараш, аввал пайқалмаганини кашф этишни талаб қилади». Мана шу талабдан орқада қолмаслик ҳаммаинг вазифасидир.

\* \* \*

«Девони ҳикмат»нинг 1896 йилда босилган Қозон нашрида шундай тўртлик бор:

Кул Хожа Аҳмад ҳар бир сўзинг дардга дармон,  
Толибларга баён қилсам қолмас армон.  
Тўрт минг тўрт юз ҳикмат айдим ҳақдин фармон,  
Фармон бўлса ўлгунча сўзласам мен.

Тўрт минг тўрт юз ҳикмат: Неча минг сатр бўлади бу. Чиндан ҳам Яссавий шунча ҳикмат айтишни мақсад қилиб қўйганми? Ва улар шеърда эътироф этилганидек ростдан ҳам айтилганми? Турк олими Камол Эраслон тўғри қайд қилган, ушбу фикр ҳақиқатдан кўра ривоятга яқин. Уни Яссавий эмас, унинг издошларидан бирови тўқиган. Камол Эраслон «Девони ҳикмат»нинг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини чуқур текшириб, М. Ф. Купрулизода кўрсатмаларини инобатга олган ҳолда 1983 йилда Анқарада «Девони ҳикматдан сочмалар» китобини чоп эттирди. Яссавий ҳикматларидан таркиб топган бу тўпламга мазкур нашр асос қилиб олинди.

*Иброҳим Ҳаққулов*

## ҲИКМАТЛАР

Бисмиллоҳ деб баён айлаб ҳикмат айтиб,  
Толибларга дурри гуҳар сочдим мано.  
Риёзатни қаттиқ тортиб қонлар ютиб  
Ман дафтари соний сузини очдим мано.

Сузини айтдим ҳар ким бўлса дийдор талаб,  
Жонни жонга найванд қилиб, рағни улаб,  
Ғариб, фақир етимларни кўнглини овлаб,  
Кўнгли қаттиқ халойиқдин қочдим мано.

Қайда курсанг кўнгли сениқ марҳам бўлгил,  
Андоқ мазлум йўлда қолса ҳамдам бўлгил.  
Рузи маҳшар даргоҳига маҳрам бўлгил,  
Моуманлик халойиқдин қочдим мано.

Ғариб фақир етимларни Расул сўрди,  
Ушал туни меърож чиқиб дийдор кўрди.  
Қайтиб тушиб ғариб етим излаб юрди,  
Ғарибларни изин излаб тушдим мано.

Уммат бўлсанг гарибларга тобе бўлгил,  
Оят, ҳадис ҳар ким айтса соме бўлгил.  
Ризқу рўзи ҳар ким берса қонёъ бўлгил,  
Қонёъ бўлиб шавқ шаробин ичдим мано.

Мадинага Расул бориб бўлди гариб,  
Гарибликда меҳнат тортиб бўлди ҳабиб.  
Ўзафто тортиб яратганга бўлди қариб,  
Гариб бўлиб уқболардин ошдим мано.

Оқил эрсанг гарибларини қўнглини овла,  
Мустафодек элини кезиб етим ковла.  
Дунёнараст ноқиллардан буюн товла,  
Буюн товлаб дарё бўлиб тошдим мано.

Ишқ бобиши Мавлом очгач, манга тегди,  
Туфроқ қилиб, ҳозир бўл деб бўйним эгди.  
Борон-сифат маломатининг ўқи тегди,  
Пайкони олиб юрак-бағрим тешдим мано.



Ќўнглим қаттиқ, тилим аччиқ, ўзим золим,  
Ќуръон ўқиб амал қилмас ёлгон олим.  
Ғариб жоним сарф айлайини, йўқдир молим,  
Ҳақдини қўрқиб ўтқа тушмай нишдим мано.

Олтмиш учга ёшим етти, ўтдим гофил,  
Ҳақ амрини маҳкам тутмай ўзим жоҳил.  
Руза намоз қазо қилиб бўлдим қоҳил,  
Ёмон излаб, яхшилардан кечдим мано.

Водариго, муҳаббатни жонини ичмай,  
Аҳли аёл, хонумондин тугал кечмай,  
Журми исён гириҳларини мунда ечмай,  
Шайтон голиб, жон берарда шошдим мано.

Имомимга чангал уриб қилди гамнок,  
Пири мугон ҳозир бўл деб сочди тарёк.  
Шайтон лани мендан қочиб, кетди бебок,  
Биҳамдуллоҳ, нури имон элтдим мано.

Пири муғён хизматида югруб юрдим,  
Хизмат қилиб кўзим юммай ҳозир турдим  
Мадад қилди Азозилни қовлаб сурдим,  
Андин сўнгра қанот қоқиб учдим мано.

Ғариб, фақир, етимларни қилғил шодмон,  
Ҳақлар қилиб азиз жонинг айла қурбон.  
Таом топсанг, жонинг билла қилғил эҳсон,  
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано.

Ғариб, фақир, етимларни ҳар ким сўрар,  
Рози бўлур ул бандадин парвардигор.  
Эй беҳабар, сен бир сабаб ўзи асрор,  
Ҳақ Мустафо пандин эшитиб айдим мано.

Етти ёшда Арслон бобом бердим салом,  
Ҳақ Мустафо омонатин қилди инъом.  
Ўшал вақтда минг бир зикрин қилдим тамом  
Нафсим ўлиб ломаконға ошдим мано.

Хурмо бериб, бошим силаб, назар қилди,  
Бир фурсатда уқбо сари сафар қилди,  
Алвидо деб бу оламдан гузар қилди,  
Мактаб бориб, қайнаб, тўлиб, тошдим мано.

Инифатаҳнони ўқиб маъно сўрдим,  
Партав солди беҳуд бўлиб дийдор кўрдим.  
Салом уриб ускут деди боқиб турдим,  
Ёшим сочиб мустар бўлиб турдим мано.

Аё подон, маъно бўл деб айди, билдим,  
Оидин сўнгра чуллар кезиб Ҳақни сўрдим.  
Рўзи қилди Азозилни тутиб миндим,  
Лангар тикиб белин босиб яшчдим мано.

Зикрин тамом қилиб ўтдим девонаға,  
Ҳақдин ўзга ҳеч сўзламай бегонаға.  
Шамъи излаб шогирд кирдим парвонаға,  
Ахгар бўлиб, куйиб, ёниб, учдим мано.

Ному нишон ҳеч қолмади ло-ло бўлдим,  
Оллөҳ ёдин айта-айта илло бўлдим.  
Холис бўлиб, мухлис бўлиб, фано бўлдим,  
Фанофиллоҳ макониға ошдим мано.

Суннат эрмиш кофир бўлса берма озор,  
Кўнгли қаттиқ дилозордин худо безор.  
Оллоҳ ҳақи, андоқ қулға сиҷжин тайёр,  
Донолардин эшитиб бу сўз айдим мано.

Суннатларин маҳкам тутиб уммат бўлдим,  
Ер остиға ёлғиз кириб пурға тўлдим.  
Ҳақпарастлар макониға маҳрам бўлдим,  
Тиғи ботин бирла нафси янчдим мано.

Нафсим мени йўлдин уриб хор айлади,  
Телмуртуриб халойиққа зор айлади.  
Зикр айтдирмай шайтон бирла ёр айлади,  
Ҳозир сан деб нафс бошини янчдим мано

Қул Хожа Аҳмад, гафлат бирла умринг ўтди,  
Во ҳасрато, кўздин, тиздиш қувват кетди.  
Вовайлато, надоматин вақти ўтди,  
Амал қилмай, карвон бўлиб кўчдим мано.

Аё дўстлар, қулоқ солинг айтдугимга,  
Не сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.  
Меърож узра Ҳақ Мустафо руҳим кўрди,  
Ул сабабдан олтмиш учда кирдим ерга.

Ҳақ Мустафо Жаброилдин қилди савол,  
Бу нечук руҳ танга кирмай тонди камол.  
Кўзи ёшлиг, халққа бошлиг, қадди ҳилол,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Жибрил айтди уммат инни сизга барҳақ,  
Кўкка чиқиб малойикдин олур сабақ.  
Нолишига нола қилиб ҳафтум табақ,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Аввал аласт бир забикум деди билҳақ,  
Қою бало деди руҳим олди сабақ.  
Ҳақ Мустафо фарзанд деди билинг мутлоқ,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Фарзандим деб Ҳақ Мустафо қилди калом,  
Андин сўнгра барча арвоҳ берди салом.  
Раҳмат дарё тўлиб-тош деб айди наём,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Роҳим ичра пайдо бўл деб нидо қилди,  
Зикр айт деди, аъзоларим титрай берди.  
Руҳим кирди сўнгаларим оллоҳ деди,  
У сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Тўрт юз йилдин кейин чиқиб уммат бўлгай,  
Неча йиллар юриб халққа йўл кўргизгай.  
Юз ун тўрт минг мужтаҳидлар ҳурмат қилгай,  
У сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Тўққиз ойу тўққиз кунда ерга тушдим,  
Тўққиз соат туролмадим кўкка учдим.  
Аршу курси поясини бориб қучдим.  
Ул сабабдин олтамиш учда кирдим ерга.

Арш устида намоз ўқиб тизим букдим,  
Зорим айтиб Ҳаққа боқиб ёшим тўқдим.  
Ёлғон ошиқ, ёлғон сўфи кўрдим, сўқдим,  
Ул сабабдин олтамиш учда кирдим ерга.

Жондин кечмай ху-ху дегон бори ёлғон,  
Бу гумроҳдин сўрманг савол, йўлда қолғон,  
Ҳақни топғон ўзи пинҳон, сўзи пинҳон,  
Ул сабабдин олтамиш учда кирдим ерга.

## II

Бир ёшимда арвоҳ менга улуш берди,  
Икки ёшда пайғамбарлар келиб кўрди,  
Уч ёшимда чилтон келиб ҳолим сўрди,  
Ул сабабдин олтамиш учда кирдим ерга.

Тўрт ёшимда Ҳақ Мустафо берди хурмо,  
Йўл кўрсатдим, йўлга кирди неча гумроҳ,  
Қайга борсам Хизр бобом манга ҳамроҳ,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Беш ёшимда белим боглаб тоат қилдим,  
Татаввуло рўза тутиб одат қилдим,  
Кеча-кундуз зикрин айтиб роҳат қилдим,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Олти ёшда турмай қочдим халойиқдин,  
Кўкка чиқиб дарс ўргандим малойиқдин,  
Домаи қисиб ҳама аҳли алойиқдин,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Етти ёшда Арслон бобом излаб топди,  
Ҳар сир кўриб парда бирла букиб ёнди,  
Биҳамдиллоҳ, кўрдим деди, изим ўпди,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Қабз қилиб Арслон бобом жонин олди,  
Хурлар келиб ҳарир тундин кафан қилди,  
Етмиш минг фаришталар йиглаб келди,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Жанозасин ўқиб ердин кутардилар,  
Бир фурсатда учмох ичра еткурдилар.  
Рухин олиб иллийюнға кирғиздилар,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Оллоҳ-оллоҳ, ер остиға ватан қилди,  
Мункар, Накир ман рабука суроғ сурди.  
Арслон бобом исломидин баён қилди,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Оқил эрсанг эранларға хизмат қилғил,  
Амри маъруф қилгонларни иззат қилғил.  
Наҳи мункар қилгонларға ҳурмат қилғил,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Саккизимда саккиз ёндин йўл очилди,  
Хикмат айт деб бошларимга пур сочилди.  
Биҳамдиллоҳ, пиру мугон май ичирди,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Пиру мугон Ҳақ Мустафо бешак билнинг,  
Қайда борсанг васфини айтиб таъзим қилинг.  
Дуруд айтиб Мустафога уммат бўлинг,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Тўққизимда тўлғонмадим тўғри йўлга,  
Табаррук деб олиб юрди қўлдан-қўлга,  
Қувонмадим бу сўзларга қочдим чўлга,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

Ўн ёшингда ўғлон бўлдинг, қул Хожа Аҳмад,  
Хожаликка бино қўйиб қилмай тоат,  
Хожа минг бир йўлда қолсанг, вой на ҳасрат,  
Ул сабабдин олтмиш учда кирдим ерга.

### III

Ҳар субҳидам ниҳо қилди қулогимга  
Зикр айт деди, зикрин айтиб юрдим мано.  
Ишқсизларни кўрдим эрса йўлда қолди,  
Ул сабабдин ишқ дўконини қурдим мано.

Ўн биримда раҳмат дарё тўлиб-тошди,  
Оллоҳ дедим шайтон менадан йироқ қочди.  
Ҳою ҳавас, моумонлик турмай кўчди,  
Ўн иккида бу сирларни кўрдим мано.

Ўн учимда нафс ҳавони қўлга олдим,  
Нафс бошига юз минг бало қармаб солдим.  
Такаббурни ерға уриб босиб олдим  
Ўн тўртимда туфроқсифат бўлдим мано.

Ўн бешимда ҳуру филмон қарши келди,  
Бошини эгиб, қўл қовшуриб таъзим қилди.  
Фирдавс отлиғ жаннатидини муҳсир қилди,  
Дийдор учун барчасини қўйдим мано.

Ўн олтимда барча арвоҳ улуш берди,  
Хай-хай сизга муборак деб Одам қилди.  
Фарзандим деб бўйнуш кучиб кўнглим олди,  
Ўн еттимда Туркистонда турдим мано.

Ўн саккизда Чилтон бирла шароб ичдим,  
Зикрин айтиб ҳозир туриб кўксим тешдим.  
Рўзи қилди жаннат кезиб, ҳурлар қучдим,  
Ҳақ Мустафо жамолларин кўрдим мано.

Ўн тўққизда етмиш мақом зоҳир бўлди,  
Зикрин айтиб ичу тошим тоҳир бўлди.  
Қайда борсам Хизр бобом ҳозир бўлди,  
Ғавсул-ғиёс май ичурди, тўйдим мано.

Ёшим етди йигирмага, ўтдим мақом,  
Биҳамдуллоҳ, пир хизматин қилдим тамом.  
Дунёдаги қурту қушлар қилди салом,  
Ул сабабдин ҳаққа ёвуқ бўлдим мано.

Мўмин эрмас ҳикмат эштиб йиғламайдур,  
Эранларнинг айтган сўзини тингламайдур.  
Оят-ҳадис мазмунини англамайдур,  
Бул ривоят Арш уетида қурдим мано.

Ривоятни кўриб Ҳақ-ла сўзлашдим мен.  
Юз минг турлуғ малойикка юзлашдим мен.  
Ул сабабдин Ҳақни сўзлаб излашдим мен,  
Жопу дилим анга фидо қилдим мано.

Қул Хожа Аҳмад ёшинг етти йигирма бир,  
Не қилгайсен гуноҳларинг тоғдин оғир.  
Қиёмат кун газаб қилса Раббим қодир,  
Аё дўстлар, печук жавоб айғум мано.

#### IV

Хуш ғойибдин қулогимга илҳом келди,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.  
Барча бузурк йиғлиб манга инъом берди,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Мен йигирма икки ёшда фано бўлдум,  
Мархам бўлуб чин дардликка даво бўлдум.  
Ёлгон ошиқ, чин ошиққа гувоҳ бўлдум,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Аё дўстлар, ёшим етди йигирма уч,  
Ёлгон даъво, тоатларим барчаси пуч.  
Қиёмат кун не қилгаймен бараҳна луч,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Мен йигирма тўртга кирдим Ҳақдин йироқ,  
Охиратга борур бўлсам қани яроқ?  
Ўлганимга йиғлиб уринг юз минг таёқ,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Жанозамни орқасидин тошлар отинг,  
Оёқимдин тутиб судраб гўрга элтинг.  
Ҳаққа қуллуқ қилмадинг деб яичиб теппинг,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Ёзуқ билан ёшим етди йигирма беш,  
Субҳон эгам зикр ўргатиб кўксимни теш.  
Кўксимдаги гириҳларим сен ўзинг еш,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Мен йигирма олти ёшда савдо қилдим,  
Мансур сифат дийдор учун гавго қилдим.  
Пирсиз юриб дурду ҳолат пайдо қилдим,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Мен йигирма етти ёшда пирни топдим,  
Ҳар сир кўрдим парда бирлаи букиб ёпдим  
Остонасин ёстанибон изин ўпдим,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Мен йигирма саккиз ёшда ошпқ бўлдим,  
Кеча ётмай, меҳнат тортиб содиқ бўлдим  
Ондин сўнгра даргоҳига лойиқ бўлдим,  
Ул сабабдин Ҳаққа сигниб келдим мано.

Бир кам ўттиз ёшга кирдим ҳолим хароб,  
Ишқ йўлида бўлолмадим мисли туроб.  
Ҳолим хароб, бағрим кабоб, кўзим пуроб,  
Ул сабабдин Ҳаққа сиғииб келдим мано.

Ўттиз ёшда ўтин қилиб куйдирдилар,  
Жумла бузурк йиғлиб дунё қўйдурдилар.  
Уриб, сўкиб ёлғиз Ҳақни суюдурдилар,  
Ул сабабдин Ҳаққа сиғииб келдим мано.

Қул Хожа Аҳмад, дунё қўйсанг ишинг битар,  
Кўксингдаги чиққан оҳнинг аршга етар.  
Жон берарда Ҳақ Мустафо қўлинг тутар,  
Ул сабабдин Ҳаққа сиғииб келдим мано.

## V

Ногаҳоний туруримда қомуг бузурк,  
Ҳақ ишқини кўнглим ичра солди дўстлар.  
Ҳизр бобом ҳозир туриб лутф айлабон,  
Мадад қилиб илгим тутиб олди, дўстлар.

Ўттиз бирда Ҳизр бобом май ичурди,  
Вужудимдин Азозилни пок қочирди.  
Савдо қилдим ёзуқларим Ҳақ кечирди,  
Ондин сўнгра Ҳақ йўлига солди, дўстлар.

Ўттиз икки ёшда етди Ҳақдин фармон,  
Бандаликка қабул қилдим, қилма армон.  
Жон берурда бергум санга нури имон,  
Гариб жоним шодмон бўлиб кулди, дўстлар.

Холиқимдин хабар етди шокир бўлдим,  
Ҳар ким сўқди, балки тепди, собир бўлдим.  
Бу оламда ҳеч ухламай ҳозир бўлдим,  
Ҳою ҳавас моумонлик кетди, дўстлар.

Ўттиз учда соқий бўлиб май улашдим,  
Жоми шароб қўлга олиб тўя ичдим.  
Лашкар тузиб шайтон бирла кўп уришдим,  
Биҳамдуллоҳ, икки нафсим ўлди, дўстлар.

Ўттиз тўртда олим бўлиб, доно бўлдим,  
Ҳикмат айт деб субҳон айди гуё бўлдим.  
Чилтон бирла шароб ичдим, ҳамроҳ бўлдим,  
Ичу тошим Ҳақ нурига тўлди, дўстлар.

Ўттиз бешда масжид кириб даврон сурдим,  
Толибларга ишқ дўконин тўла қурдим.  
Эгри йўлга ҳар ким кирди сўкдим, урдим,  
Ошиқларга Ҳақдин мужда етди, дўстлар.

Ўттиз олти ёшда бўлдим соҳиб камол  
Ҳақ Мустафо кўрсатдилар манга жамол.  
Ул сабабдин кўзим ёшлиғ, қоматим дол,  
Ишқ ханжари юрак-бағрим тилди, дўстлар

Ўттиз етти ёшга кирдим, уйғонмадим,  
Инсоф қилиб Оллоҳ сари тўлғонмадим.  
Саҳар вақтда зори қилиб ингронмадим,  
Товба қилдим Хожам қабул қилди, дўстлар.

Ўттиз саккиз ёшга кирдим, умрим ўтди,  
Йиғламайми улар вақтим ёвуқ етди.  
Ажал келиб паймонасини манга тутди,  
Билмай қолдим умрим охир бўлди, дўстлар.

Ўттиз тўққиз ёшга кирдим, қилдим ҳасрат,  
Во дариго, ўтди умрим, қани тоат?  
Тоатликлар Ҳақ қошида хуш саодат,  
Қизил юзим тоат қилмай сўлди, дўстлар.

Сочу соқол қўп оқарди, кўнглум қаро,  
Рўзи Маҳшар раҳм этмасанг ҳолим табоҳ,  
Санга аён амалсиз мен кўндур гуноҳ,  
Жумла малак ёзиқларим билди, дўстлар.

Пири мугон журъасидин қатра тотдим,  
Йўл топай деб бошим бирла тунлар қотдим,  
Бихамдуллоҳ, лутф айлади нурга ботдим,  
Кўнгул қуши ломаконга етди, дўстлар.



Қиёматнинг шиддатидин ақлим ҳайрон,  
Кунглум қўрқгон, жоним ҳургон, хоनावайрон,  
Сирот отлиғ кўпригидин дилим ларзон,  
Ақлим кетиб беҳуш бўлиб қолдим, дўстлар.

Қул Хожжа Аҳмад, қирққа кирдинг нафсингни қирқ,  
Мунда йиглаб, охиратда бўлғил ариқ,  
Пушти имон шарнатдур, мағзи тариқ,  
Тариқ кирган Ҳақдин улуш олди, дўстлар.

## VI

Ё илоҳим, ҳамдинг бирла ҳикмат айтдим,  
Зоти улуғ Хожам, сигниб келдим санго.  
Товба қилиб гуноҳимдин қўрқиб қайтдим,  
Зоти улуғ Хожам, сигниб келдим санго.

Қирқ биримда ихлос қилдим йўл топай деб,  
Эраилардин ҳар сир кўрсам мен ёпай деб,  
Пиру мугон изин олиб мен упай деб,  
Зоти улуғ Хожам, сигниб келдим санго.

Қирқ иккида толиб бўлиб йўлга кирдим,  
Ихлос бирла ёлғиз Ҳаққа кўнгил бердим.  
Арши Қурси лавҳини ўтиб Қалом кездим,  
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим санго.

Қирқ учимда Ҳақни излаб нола қилдим,  
Кўз ёшимни оқизибон жола қилдим,  
Биёбонлар кезиб ўзим вола қилдим,  
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим санго.

Қирқ тўртимда муҳаббатни бозорида,  
Яқом ертиб йиглаб юрдим гулзорида,  
Мансур янглиғ бошим бериб ишқ дорида,  
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим санго.

Қирқ бешимда сендин ҳожат тилаб келдим,  
Товба қилдим, ҳар иш қилдим, хато қилдим,  
Ё илоҳим, раҳматингни улуғ билдим,  
Зоти улуғ Хожам, сиғниб келдим санго.

Қирқ олтимда завқу шавқим тўлиб-тошди,  
Раҳматингдин қатра томди шайтон қочди,  
Ҳақдин илҳом рафиқ бўлиб бобин очди,  
Зоти улуг Ҳожам, сиғниб келдим санго.

Қирқ еттимда етти ёқдин хабар етди,  
Соқий бўлиб жами шароб Ҳожам тутди,  
Шайтон келиб нафе хавони ўзи ютди,  
Зоти улуг Ҳожам, сиғниб келдим санго.

Қирқ саккизда азиз жондин безор бўлдим,  
Гуноҳ дарди касал қилди, бемор бўлдим,  
Ул сабабдин Ҳақдин кўрқиб бедор бўлдим,  
Зоти улуг Ҳожам, сиғниб келдим санго.

Қирқ тўққизда ишқинг тушди куйиб-ёндим,  
Мансур сифат ҳолу ҳушдин қочиб, тондим,  
Турлуг-турлуг жафо тегди бўйин сундим,  
Зоти улуг Ҳожам, сиғниб келдим санго.

Эллигимда ерман дедим, феълим заиф,  
Қон тўкмадим кўзларимдин бағрим эзиб,  
Нафсим учун юрар эрдим итдек'кезиб,  
Зоти улуғ Хожам, сигниб келдим санго.

Қул Хожа Аҳмад, эр бўлмасанг ўлган яхши,  
Қизил юзинг қаро ерда сулган яхши.  
Туфроқ сифат ер остида бўлган яхши,  
Зоти улуғ Хожам, сигниб келдим санго.

## VII

Қулҳуваллоҳ субхоналлоҳ вирд айласам.  
Биру борим дийдорингни кўрарманму?  
Бошдин-оёқ ҳасратингдан дард айласам,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик бирда чўллар кезиб гиёҳ йиғдим,  
Тоғлар чиқиб тоат қилиб кўзим ўйдим,  
Дийдорини кўролмадим, жондин тўйдим,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик икки ёшда кечдим хонумондин,  
Хонумоним на кўрингай, балки жондин,  
Бошдин кечдим, жондин кечдим, ҳам имондин.  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик учда ваҳдат майдин рузи қилди,  
Йўлдин озгон гумроҳ эдим, йўлга солди.  
Оллоҳ дедим, лаббайк дебон қулим олди,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик тўртда вужудларим нолов қилдим,  
Маърифатни майдонида жавлон қилдим,  
Исмойилдек азиз жоним қурбон қилдим,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик бешда дийдор учун гадо бўлдим,  
Куйдим-ёндим, қулдек тақи фано бўлдим,  
Биҳамдуллоҳ, дийдор излаб адо бўлдим,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик олти ёшга етди мунглиғ бошим  
Товба қилдим оқармикан кўзда ёшим,  
Эранлардин баҳра олмай ичим, тошим  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик етти ёшда умрим елдек ўтди,  
Аё дўстлар, амалсизман бошим қотди,  
Биҳамдуллоҳ, пиру муғон қўлим тутди,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик саккиз ёшга кирдим мен беҳабар,  
Қаҳҳор эгам нафсимни қил зеру забар.  
Ҳиммат берсанг шум нафсимга урсам табар,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Эллик тўққиз ёшга кирдим доду фарёд,  
Жон берарда жононимни қилмадим ёд,  
На юз бирла санго айтай қилғил озод,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Қўзим юмиб то очқуича етти олмиш,  
Белим боғлаб мен қилмадим бир яхши иш,  
Кеча-кундуз беғам юрдим, ҳам ёзу қиш,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Олмиш бирда шармандаман илоҳимдин,  
Аё дўстлар, кўп қўрқаман гуноҳимдин.  
Жондин кечиб, паноҳ тилай худойимдин,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Олмиш икки ёшда оллоҳ партав солди,  
Бошдан-оёқ гафлатларим раҳо қилди,  
Жону дилим, ақлу хушим Оллоҳ деди,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Олмиш учда нидо қилди, қул ерга кир.  
Ҳам жонинг мен, жононингмен, жонингни бер,  
Ху шамширини қўлга олиб, нафсингни қир,  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

Қул Хожа Аҳмад, нафсин тефдим, нафсин тефдим,  
Андин кейин жононимни излаб топдим,  
Ўлмас бурун жон бермакни дардин тортдим  
Биру борим, дийдорингни кўрарманму?

### VIII

Водариғо, нечук қилғум ғариблиғда,  
Ғариблиқда гурбат ичра қолдим мано,  
Хуросону Жому Ироқ ният қилиб,  
Ғариблиғни кўп қадрини билдим мано.

Нелар келса кўрмак керак ул худодин,  
Юсуфини аюрдилар ул Канъондин,  
Тукқан ерим ул муборак Туркистондин,  
Бағримга тошлар уриб келдим мано.

Гурбат тегди Мустафодек эранларға,  
Ўтиз уч минг саҳоба ҳам ёронларға.  
Абу Бақр, Умар, Усмон, Муртазоға,  
Гурбат тегди аларға ҳам, айдим мано.

Ғурбат тегса пухта қилур кўп хомларни,  
Доно қилиб ҳам хос қилиб кўп омларни.  
Кияр қиш тўн топса, еюр таомларни,  
Анинг учун Туркистонга келдим мано.

Ғариблиғда юз йил турса, эрур меҳмон,  
Тахту бахту бустонлари эрур зиндон,  
Ғарибликда қул бўлди ул Маҳмуд Султон,  
Эй ёронлар, ғурбат ичра куйдим мано.

Ғариблиғда Арслон бобом излаб топди,  
Ҳар сир кўриб парда бирла букиб ёнди.  
Биҳамдуллоҳ, кўрдим деди, изим ўпди,  
Ушбу сирни кўриб ҳайрон қолдим мано.

Орзуликмен қарииндошлик вилоятга,  
Улуғ бобом равзалари оқ турбатга,  
Бобом руҳи солди мени бу ғурбатга,  
Мен билмасмен, печук, тақсир қилдим мано.

Қул Хожа Аҳмад, сўзлагани Ҳақни ёди,  
Эшитмаган дўстлариға қолсун панди.  
Гурбатланиб ўз шаҳриға қайтиб ёнди,  
Туркистонда мозор бўлиб қолдим мано.

## IX

Кўнгул кўзин ёритмайин тоат қилса,  
Даргоҳиға мақбул эмас, билдим мано.  
Ҳақиқатдин бу сўзларни пок ўрганиб,  
Ломаконда Ҳақдан сабоқ олдим мано.

Биру борим сабоқ берди парда очиб,  
Еру кўкда туролмади шайтон қочиб,  
Ишрат қилиб ваҳдат майдин тўя ичиб,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Ишқ мақоми турлик мақом ақлинг етмас,  
Бошдин-оёқ жабру жафо, меҳнат кетмас,  
Маломатлар, ихсонатлар қилса ўтмас,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Ишиқ балоси бошқа тушса нолон қилур,  
Ақлинг олиб, беҳуш қилиб ҳайрон қилур,  
Қўнгил кўзи очилган сўнг гирён қилур,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Ёғлар эрдим саҳар вақтда нидо келди,  
Дийдоримни кўрсатай деб ваъда қилди,  
Ақлим олиб, беҳуш қилиб, ишқин солди,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Мунда жафо чекканларга дийдори тахт,  
Рўзи маҳшар ато қилгай ҳам тахту бахт.  
Яратганда қилган ўзи ошиққа аҳд,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Чўллар кезиб, халқдин безиб, ишқин сўрғил,  
Банда бўлсанг, Ҳақдин қўрқиб, йиғлаб юрғил.  
Дийдорини талаб қилсанг ҳозир бўлғил,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Кўзларимдин қонлар тўкиб ёд этмадим,  
Юз минг турлик меҳнат солдинг, дод этмадим  
Сендан қўрқиб хаста кўнглим шод этмадим,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Оллоҳ дарди сотқу эрмас сотиб олсанг,  
Пиру муғон хизматида хок бўлмасанг,  
Ҳақ йўлига кириб бўлмас пок бўлмасанг,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Эй ёронлар, ишқ дардига даво бўлмас,  
То тириксан ишқ дафтари адо бўлмас,  
Тор лаҳадда устихони жудо бўлмас,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Ишқ подшоҳ, ошиқ фақир, дам уролмас,  
Ҳақдин рухсат бўлмагунча сўзлай олмас,  
Ҳақ пандини олгон дунё излай олмас,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано.

Қул Хожа Аҳмад, етти ёшда сабоқ олдим,  
Саккизимда дунё уқбин талоқ қўйдим,  
Тўққизимда худойимни ҳозир билдим,  
Ломаконда Ҳақдин сабоқ олдим мано

## X

Ул қодирим, қудрат бирлан назар қилди,  
Хуррам бўлиб ер остига кирдим мано.  
Ғариб банданг бу дунёдин гузар қилди,  
Маҳрам бўлиб ер остига кирдим мано.

Зокир бўлиб, шокир бўлиб ҳақни топдим,  
Дунё уқбо ҳаром қилиб, янчдим, тебдим,  
Шайдо бўлиб, расво бўлиб, жондия ўтдим.  
Беғам бўлиб ер остига кирдим мано.

Шумлигимдин тоғу тошлар сўқди мани,  
Фосиқ тилда сўкиб, айди, феълнинг қани?  
Ошиқ бўлсанг аввал боқиб ҳақни тани,  
Ул мақомда ошиқ қуллар жавлон қилур.  
Қай кўнгулга тажаллиси партов солса,  
Бехуд бўлиб, ўзин билмай афғон қилур.

Ул мақомни йўлларини раҳзани бор,  
Қало вазеиз йўлга кирса йўлдин озар,  
Восвос ўлуб шайтон лани динин бузар,  
Ўз йўлига солиб они ҳайрон қилур.

Ул мақомни билдургани раҳбар керак,  
Тариқатни пешасида сафдар керак.  
Ушбу йўлни забт айлаган сарвар керак,  
Андоқ муршид учмох мулкин тайрон қилур.

Ул мақомға етган ошиқ шароб ичар,  
Хонимонин барбод бериб, жондин кечар,  
Шавқ қанотин ҳазрат топа тутиб учар,  
Аршу курси лавҳу қалам тайрон қилур.

Дийдор тилаб тарк айласанг мосувони,  
Ўлмас бурун вужудингни айла фоний,  
Ва анҳорун мин асалин мусафғони  
Учмоғини хос қулиға эҳсон қилур.

Ул мақомни тавҳид отлиғ дарахти бор,  
Соясида ошиқ қуллар буроқ — суяр.  
Ҳар бир шохи минг йўлчилик йўлни тутар,  
Ҳар қайсиси ўз-ўзига унвон қилур.

Ул дарахтни мевасини тотган қуллар,  
Дунёсини охиратга сотган қуллар.  
Гўр ичинда осойишта ётган қуллар,  
Саҳарларда кўз ёшини уммон қилур.

Ҳиммат қурин қул Хожа Аҳмад белга боғла,  
Муҳаббатни оти бирла юрак доғла.  
Ёқанг тутиб тонг отқунча тинмай йигла,  
Шояд санга раҳм айлабон жонон қилур.

### XXX

Муҳаббатсиз халойиқдин ҳар ким қочса,  
Орифларни суҳбатида жавлон қилур.  
Ўртаб, куйиб ишқ йўлида ёшин сочса,  
Субҳон эгам арш устида меҳмон қилур.

Бандам дегай куйганларни суйиб оллох,  
Ҳақ кўрсаткай дийдорини воллоҳ-биллох.  
Қайда борса тасбиҳлари шайаниллох  
Ҳар не топса ҳақ йўлида эҳсон қилур.

Зокир бўлиб зикрин айтса келгай нидо,  
Шайтон лаин етмиш фарсанг бўлгай жудо.  
Дарди бўлса, ҳақ дардиға бергай даво,  
Андоқ қулни ўзи излаб жонон қилур.

Тун саҳарлар ҳақ уйғотиб қон йиғлатар,  
Бедор қилиб ўз ишқига дил боғлатар.  
Давоси йўқ дардни бериб зор ингратар,  
Мунда йиғлаб анда борса хандон қилур.

Ҳаққа ошиқ бўлғон қуллар дойим бедор,  
Ризвон эмас мақсадлари эрур дийдор.  
Аҳлу аёл хонумондин бўлур безор,  
Исмойилдек азиз жонин қурбон қилур.

Жонинг қийнаб, заққум чайнаб ошиқ бўлғил.  
Ёшинг тўкиб, кўзинг сувлаб содиқ бўлғил.  
Андин кейин даргоҳига лойиқ бўлғил,  
Жонинг берсанг раҳм айласа жонон қилур.

Шайх мен тейу бош кўтарган ҳаққа рақиб,  
Манлик қилиб субҳонига бўлмас ҳабиб,  
Бедо бўлуб дардсизларга бўлмас табиб,  
Бу дунёни мўминларга зиндон қилур.

Эй, мўминлар, тоат қилиб тайанмангиз,  
Амонатдур азиз жонга инонмангиз.  
Ҳаром-ҳариш йиғмиш молга қувонмангиз,  
Молларини қирши отлиғ йилон қилур.

Бу дунёга бино қўйгон Қорун қани,  
Даъво қилгон фиръави била Хомаи қани,  
Вомиқ Узро, Фарҳод Ширин, Мажнун қани,  
Қаҳр айласа бир лаҳзада яқсон қилур.

Ҳеч билдингму одам ўлмай қолгонини  
Бу дунёни вафосини билгонини.  
Дунё талаб бўйи худо олгонини,  
Оллоҳ десанг кўз ёшингни борон қилур.

Дарвешман деб тоат қилур халқ ичинда,  
Риё қилиб югриб юрар анда-мунда,  
Оллоҳ учун тоат қилгон дарвеш қанда,  
Чин дарвешлар тоғу чўлини макон қилур.

Ошиқ бўлсанг ишқ йўлида фано бўлгил,  
Дийдор излаб ҳасратида адо бўлгил.  
Марҳам бўлуб чин дардликка даво бўлгил.  
Хулқи хушни жон олурда осон қилур.

Ошиқлари Ҳаққа боқиб наъра тортар,  
Муҳаббатни дарёсиға чўмиб ботар,  
Гавҳар олиб маъшуқиға зорин айтар,  
Қатра ёши ерга томса уммон қилур.

Ошиқларға берди ишқин куйдурғали,  
Зулайходек қаддин дуто қилдурғали,  
Риёзотда рангу рўйин сўлдурғали,  
Чин ошиқни ранги рўйин сомон қилур.

Ошиқлари Ҳақ қаҳридин кўрқиб титрар,  
Еру кўкда малойиклар йиғлаб турар,  
Гоҳи қизил, гоҳи сариг бўлуб юрар,  
Нола айлаб еру кўкни ларзон қилур.

Қайда сен деб, қайда сен деб ошиқ айтур.  
Ошиқларға ҳад не бўлғай маъшуқ айтур  
Оғзи айтмас, тили айтмас, дили айтур,  
Уч юз олтмиш томирлари ларзон қилур.

Ошиқларни қиёмат кун ҳолин сўргай,  
Чин ошиқни кўксин ёриб доғин кўргай,  
Пок оғзидин оҳи тошиб югриб юргай,  
Кимга берса пок ишқини ҳайрон қилур.

Ошиқларни талаблари жоми шароб,  
Маъшуқиға етмак учун бағри кабоб.  
Рухларини ғизосидур чангу рубоб,  
Оҳи чекса етти иқлим вайрон қилур.

Қудрат бирла ҳар не келса эрклик ўзи,  
Қудратидин маълум турур қишу ёзи,  
Эй ноинсоф, Оллоҳ била қилма бози,  
Қаҳқор ағам жонлиғларни бежон қилур.

Йигламакни ҳар одамга берган қани,  
Йигламағлиг осон эмас, бағир қани,  
Қўз ёшингни риё қилма, ҳақни тани,  
Ҳақ таоло суйганларни гирён қилур.

### XXXI

Ҳикмат бирлан ул адамдин бор айлади,  
Ун саккиз минг қамуғ олам ҳайрон эрур.  
Қолу бало деган қуллар улуш олди,  
Сукут этган қуллар дини вайрон эрур.

Ҳақ таоло имон ато қилди сизга,  
Ул Мустафо Ҳақ расули эди бизга.  
Бори айтсанг қувват берур динимизга,  
Йўқ эрса мен келгонларим ёлгон эрур.

Аввал аласт бираббикум деди Худо,  
Қолу бало дебон руҳлар қилди садо.  
Йиғлаб келдук ишқингга жумла гадо,  
Лутф айласанг юз минг осий хандон эрур.

Товба қилсам кечармукин қодир Илоҳ,  
Йўқ эрса (мен) неткум анда мен рўсиёҳ,  
Тонг-ла борсам илиг-аёқ борча гувоҳ,  
Ҳақ қошида барча ишлар осон эрур.

Йиғламайму ўтти умрим, оё шоҳим,  
Қопсап келди қоронгулик чиққил моҳим,  
Сендин ўзга йўқ паноҳим, тажягоҳим,  
Кеча-кундуз тилаганим имон эрур.

Уммат учун Расул дойим қайғу еди,  
Тилаб уммат гуноҳини Ҳақдин олди,  
Кеча-кундуз қойим турди тангрим билди,  
Тилда умматмен дер, дилда ёлғон эрур.

Уммат бўлсанг Мустафога пайрав бўлғил,  
Айғонларин жону дилда сен ҳам қилғил,  
Кеча қойим, кундузлари сойим бўлғил,  
Чин умматни ранги мисли самон эрур.

Суннатларин маҳкам тутуб уммат бўлгил.  
Кеча-кундуз дуруд айтиб улфат бўлгил.  
Нафсни тефиб меҳнат етса роҳат бўлгил.  
Андоқ ошиқ икки кўзи гирён эрур.

Қул Хожа Аҳмад, нафсин мудом суво бўлгил.  
Куйиб-пишиб дарди бирлан адо бўлгил.  
Кеча-кундуз тинмай йиглаб гадо бўлгил.  
Дардин тортсанг Хожа сендин ризо эрур.

### XXXII

Тариқатга шариатсиз кирганларни,  
Шайтон келиб имонини олур эрмиш.  
Ушбу йўлни пирсиз даъво қилгонларни.  
Сарсон бўлиб аро йўлда қолар эрмиш.

Тариқатга сиёсатлиғ муршид керак,  
Ул муршидга эътиқодлиғ мурид керак.  
Хизмат қилиб пир ризосин тошмоқ керак.  
Мундоқ ошиқ Ҳақдин улуш олур эрмиш.

Пир ризоси Ҳақ ризоси бўлур дўстлар,  
Ҳақ таоло раҳматидин олур дўстлар,  
Риёзатда сир сўзидин билур дўстлар,  
Андоқ қуллар Ҳаққа ёвуқ бўлур эрмиш.

Ушбу йўлга, эй биродар, пирсиз кирма,  
Ҳақ ёдидин лаҳза гофил бўлиб юрма,  
Мосувога оқил эрсанг кўнгул берма,  
Шайтон лани ўз йўлига солур эрмиш

Аё дўстлар, ҳеч билмадим мен йўлумни,  
Саодатга боғламадим мен белимни,  
Мосуводин ҳеч йиғмадим мен тилимни,  
Нодонлигим мени расво қилур эрмиш.

Шариатни, тариқатни билай десанг,  
Тариқатни ҳақиқатга улай десанг,  
Бу дунёдин дурру гуҳар олай десанг,  
Ҳондин кечкан, хос қуллари улур эрмиш.

Ошиқ қуллар кеча-кундуз ҳаргиз тинмас,  
Бир соати Ҳақ ёдидин гофил бўлмас.  
Андоғ қулни субҳон ағам зойе қўймас,  
Дуо қилса ижобатлиг бўлур эрмиш.

Во дариго, кечти умрим гафлат билан,  
Сен кечургил гуноҳларим раҳмат билан,  
Қул Хожа Аҳмад, санга ёнди ҳасрат билан,  
Ўз утига ўзи ёниб куяр эрмиш.

### XXXIII

Кулинг, йиғланг, шокир қуллар, зикр  
Шокирларни Худо бешак суяр эрмиш.  
Ишқсизларни имони йўқ, эй ёронлар,  
Дўзах ичра тинмай дойим куяр эрмиш.

Муҳаббатлиг ошиқларни Худо суйди,  
Анинг учун дунё уқбини талоқ қўйди.  
Жондин кечиб, ёшни сочиб, ошиқ бўлди,  
Рўзи маҳшар дийдорини кўрар эрмиш.

Ошиқларни чин дўстига жопи қурбон,  
Шавқи бирлан ани излаб қилур афгон,  
Ишқ савдоси бошга тушса хона вайрон,  
Шайдо бўлиб ани излаб юрар эрмиш.

Ошиқ бўлсанг кеча-кундуз тинмай йиғла,  
Пиру муғон хизматиға белинг боғла.  
Куйиб-пишиб дарди била кўксинг догла,  
Догла кеткан висолини кўрар эрмиш.

Ҳақни суйган ошиқлари топди мурод,  
Ёлғон ошиқ бўлиб юрма, тонг-ла уёт,  
Қиличдин тез қил кўпригини оти сирот,  
Ёлғон даъво қилғон кечмай қолар эрмиш.

Ошиқ бўлсанг ёлғон даъво қилма зинҳор,  
Ёлғон даъво қилғонлардин худо безор.  
Қаҳҳор эгам қаҳр айласа оти қаҳҳор,  
Қиёмат кун юзи қоро куяр эрмиш.

Ошиқлари кеча йиглаб саҳар қўпар,  
Сир шаробин ичкаи ошиқ сирни ёпар.  
Ҳар ким сўкса, балки тепса қўлин ўпар,  
Андоқ қуллар файзу футуҳ олар эрмиш.

Муҳаббатдин хабар билган ўзни билмас,  
Боши кетса то ёри йўқ жонни билмас,  
Ишқ каломи завқ таоми, нонни билмас,  
Ҳу-ху тейу зикрин айтиб юрар эрмиш.

Ошиқларни кўзи гирён, бағри бирён,  
Парвоси йўқ, помуси йўқ, юрар урён,  
Эл кўзида туфроқдин кам сирри пинҳон,  
Жони бирла ёдин айтиб юрар эрмиш.

Тўғри юрган ошиқлардин худо рози,  
Ошиқ иши осон эмас, қилма бози,  
Елғончилар ошиқ мен дер оллоҳ қози,  
Имонини пучак пулга сотар эрмиш.

Ошиқликни осон иши бош бермаклик,  
Мансур — сифат ўздин кечиб жон бермаклик.  
Муту қабла ан тамуту хок бўлмаклик,  
Ошиқлари ўлмас бурун ўлар эрмиш.

Қул Хожа Аҳмад ошиқ бўлсанг жондин кечгил  
Андин сўнгра шавқ шаробин тўя ичкил.  
Гуноҳингни сабук қилиб мунда очгил,  
Сабук қилгон учмох ичра кирор эрмиш.

#### XXXIV

Қудрат бирла формон қилди мавлом бизга,  
Ерда, кўкда жонлиғ махлуқ қолмас эрмиш.  
Қобиз қилди Азозилни олам узра,  
Азиз жонини олмагунча қўймас эрмиш.

Ёшим мени ёш бўлур деб айтар эрдим,  
Ҳар не ҳосил бўлса оз деб айтар эрдим.  
Турлук-турлук даъво ишлар қилар эрдим,  
Эмди билдим мен айтгондек бўлмас эрмиш.

Дунё мени мулкум деган султонларга,  
Олам молин сонсиз йигиб олгонларга.  
Айшу ишрат бирла машгул бўлгонларга,  
Ўлим келса бири вафо қилмас эрмиш.

Мағрур бўлсанг, эй дўстларим, ишрат этиб,  
Кеча-кундуз ёлгон айтиб, беҳоб ётиб,  
Жон олгучи келур эрмиш бир кун етиб,  
Мундоғ ерда гофил юрса бўлмас эрмиш.

Қул Хожа Аҳмад, ўларингни била кўргил.  
Охиратни яроғини қила кўргил.  
Борур мен деб йўл бошинда тура кўргил,  
Малакул мавт келса фурсат қўймас эрмиш.

### XXXV

Бу дунёда яратилгон махлуқларга,  
Эмди билдим тириклик (ҳам) бўлмас эмиш.  
Бу ўлумнинг шарбатидур ачиғ шароб,  
Жумла одам ичмай андин қолмас эрмиш.

Йўлга қадам қўйсанг дўстлар озиқ олиб,  
Ажал келса, озиқ келмас, сақол юлиб,  
Бу дунёнинг молларини ҳозил қилиб,  
Ришват берсанг малойикул мавт олмас эрмиш.

Карвон агар кўчар бўлса озиқ олур,  
Суду зиён бўлғонини анда билур.  
Озиқсизини йўлга киргон йўлда қолур,  
Юқун юклаб йўлга киргон қолмас эрмиш.

Юқун юклаб йўлга кирган мардон бўлур,  
Қуловузсиз йўлга кирган ҳайрон бўлур.  
Йўл бошчисини йўлни кўрган карвон бўлур,  
Йўлни кўрмай карвон қадам қўймас эрмиш.

Ажал келса, озиқ келмас сақол юлсанг,  
Ўнг ва сўлга жонинг пора-пора берсанг.  
Дунё учун азиз умринг адо қилсанг,  
Малакул мавт келса фурсат қўймас эрмиш.

Бу дунёда подшоҳмен деб кўксин керган,  
Ҳам олдида курси қўйиб хайма урган,  
Неча йиллар хайлу ҳашам черик солган,  
Ажал келса бири вафо қилмас эрмиш.

Неча минглар черик йиғқон хонлар қани.  
Бу сўзларни ҳар бириси маъно кони.  
Вафоси йўқ бевафодур дунё тани,  
Ғофил одам кўруб ибрат олмас эрмиш.

Бу дунёда югрук отга мингучилар,  
Ҳарб кунинда муборизлик қилгучилар,  
Алмос-пўлод қилич қурни чопқучилар,  
Ажал келса бегу хонни қўймас эрмиш.

Банда неча ёш яшаса ўлмаки бор,  
Кўрар кўзга бир кун туфроқ тўлмаги бор.  
Бу дунёда сафар қилгон келмаги бор,  
Охиратга сафар қилгон келмас эрмиш.

Тирикликда дин навбатин яхши ургил,  
Охиратнинг асбобини мунда кўргил.  
Қул Хожа Аҳмад, имон узра тойиб бўлгил,  
Имон бирлан борган қуллар ўлмас эрмиш.

### XXXVI

Муҳаббатни завқи бирла ёр истагил,  
Рўза намоз ўгонимни фарзи бўлгай.  
Маҳшаргоҳда одли бирла зарар бўлса,  
Ошиқларни бир худойга арзи бўлгай.

Арзи шулдир худойинга минг дод этар,  
Ҳолим кўр деб ёшини сочиб фарёд этар  
Наъра тортиб маҳшаргоҳни обод этар,  
Ошиқларни охи дили қарзи бўлгай.

Чин ошиқлар дойим тирик ўлган эмиш,  
Арвоҳлари ер остига кирган эмиш.  
Зоҳид обид бу маънони билган эмиш,  
Чин ошиқлар халойиқни Хизри бўлгай.

Ёзиқлардин қўрқуб дойим йиғлаб турар,  
Рўзи маҳшар нетар мен деб қонлар ютар,  
Сирот отлиғ гузаргоҳда боши қотар,  
Хожасиға шикасталик арзи бўлғай.

Зарраи ишқ кимга тушса полон қилур,  
Кўз ёшини оқизибон уммон қилур.  
Ҳар не топса йўлиға эҳсон қилур,  
Бенчилларни адовати бўғзи бўлғай.

Ошиқларни ёш ўрниға қони оққай,  
Малойиклар ҳар тарафдин нурлар ёққай,  
Ғофил бўлса ҳозир бўл деб ўзи боққай,  
Чин ошиқлар бу дунёни чуғзи бўлғай.

Аҳли дунё охиратдин парвоси йўқ,  
Руҳи танҳо имон ислом ҳамроҳи йўқ.  
Тариқат йўл адашган ҳеч парвоси йўқ,  
Банда мен деб тили бирла оғзи бўлғай.

Кеча-кундуз оллоҳ тею тинмай юрар,  
Оллоҳ шами парвонадек ўзини урар,  
Лайло Мажнун, Фарҳод Ширин даврин сураp,  
Ҳақ таоло ошиқларни сўзи бўлғай.

Ошиқ куйса хос маъшуқи бирла куйғай,  
Мажозилар куймай турур жондин тўйғай.  
Чин ошиқлар куйган сари пурпур бўлғай,  
Ул сабабдин маъшуқига нози — ўлур.

Ўтга солса ўтдин ёнмас ошиқ киши,  
Еру кўкни бўстон қилғай оққан ёши.  
Оллоҳ деса бешак ёрур ичи-таши,  
Куймак-ёнмак ошиқларга бози бўлғай.

Сулҳ айласа ошиқлари қабул қилмас,  
Ҳуру гулмон жаннат берса кўзга илмас.  
Дийдор тилаб бошларини ердан олмас,  
Ошиқлари дийдор кўруб рози бўлғай.

Ошиқларни етти кўкка етар оҳи,  
Оллоҳ деса яксон бўлур ҳар гуноҳи.  
Ошиқларни раҳмон эгам такягоҳи,  
Азиз ёши халойиқни назри бўлғай.

Ошиқларни кўп куйдурган ҳақ дийдори,  
Анинг учун тинмай йиглаб қилур зори.  
Ваъда қилгон ошиқлари кўрар ори,  
Ҳақ жамоли кўз ёшини музди бўлғай.

Ошиқлари ҳаққа боқиб наъра тортар,  
Малойиклар туҳфа қилиб ҳаққа айтар,  
Шавқ шаробин ичкан ошиқ шавқи ортар,  
Шўру афгон халойиқни тузи бўлғай.

Майи жонбахш ичкан ошиқ мунда султон.  
Анинг учун ҳақ йўлида жони қурбон.  
Тонг-ла борса дийдориға қилур меҳмон.  
Зимистонда май ичурса ёзи бўлғай.

Пинҳон юриб кимни кўрса ошиқ қилур,  
Лутф айласа каззобларни содиқ қилур.  
Ҳақдин қўрққан даргоҳига лойиқ қилур,  
Зоҳир ботил, ботин ичра кўзи бўлғай.

Ошиқ ёнар, халқдин тонар, оллоҳ рози,  
Ошиқликни орзу қилгон шаҳид, гоzi.  
Нажот эрмас ошиқларға кўпу ози,  
Қатра ёши ҳақ Мавломни пазри бўлғай.

Жунун ичра бошим ёрган қани чори,  
Зикрин айтса Оллоҳ ўзи биру бори.  
Саҳарларда қон йиғламак кори зори,  
Ошиқлари ҳар кун юз минг гоzi бўлғай.

Қул Хожа Аҳмад, моли йўқдур назри боши,  
Тонг-ла борса, хожасига тухфа ёши.  
Арзу ниёз шикасталик қилгон иши,  
Ашки сурҳи рўйи зарди узра бўлғай.

## XXXVII

Субҳон азим фармон қилса қудрат била,  
Ошиқлари гавго қилиб юрар бўлғай,  
Маҳшаргоҳда афғон қилиб ёшин тўкиб,  
Элга ўзини гумроҳ қилиб юрар бўлғай.

Халқ ичинда русво юрар, ўзин билмас,  
Нодонларни суҳбатидин қочиб келмас,  
Ул сабабдин эранларни бўйи келмас,  
Кўзда ёшин наво қилиб юрар бўлғай.

Ошиқларни ҳақ қошида юз пози бор,  
Наъра тортса зарра ҳаргиз қолмас, ёпор,  
Руза намоз тасбиҳлари Парвардигор,  
Ботинларни гувоҳ қилиб юрар бўлғай.

Яхши янглиғ чўллар аро қилғай ватан,  
Саҳроларда ҳамроҳлари зоғу заган,  
Ҳожат эрмас ошиқларга боғу чаман,  
Хизр, Илёс ҳамроҳ келиб юрар бўлғай.

Ошиқларни кўз ёшидур боғу бўстон,  
Булбуллари сайрар анда хазор дoston,  
Зоҳирларин бузиб юрар, хонавайрон,  
Ҳақ қудратин иншо қилиб юрар бўлғай.

Бехоб бўлиб, куйиб юрса масту хайрон,  
Оллоҳ тейу кўзда ёши, бағри бирён.  
Наъра урар фарёд этиб қилур афгон,  
Оллоҳ ёдин сано қилиб юрар бўлғай.

Қодир Эгам қудрат била сулҳ айласа,  
Жаннат ичра кирар ошиқ амр айласа.  
Наъра тортиб фарёд этиб, вирд айласа,  
Май нуш этиб самоъ қилиб юрар бўлғай.

Кеча-кундуз йигла дойим, бир дам тинма,  
Тилдан Оллоҳ ёдин айтиб хориб қолма.  
Кўзда ёши оқмас ҳарғиз бағри куймай,  
Ёшин олиб гувоҳ қилиб юрар бўлғай.

Муҳаббатни буроқини миниб юрган,  
Андоғ ошиқ тариқатда жавлон қилгай,  
Сир шаробин ичиб азал руҳи қонган,  
Ишқ боғинда наво қилиб юрар бўлгай.

Дузах ичра кирса ошиқ, парво қилмас,  
Кўруб, билиб, молу мулкин қўлга олмас.  
Хуру кусур гулмонларни кўзга илмас,  
Фарёд этиб гавғо қилиб юрар бўлгай.

Қаҳҳор эгам қудрат била нидо қилса,  
Дийдор учун куйганларим, келгил деса,  
Кўз ёшини оқизибон фарёд қилса,  
Ақлу ҳушум доно қилиб юрар бўлгай.

Раҳмон Раббим бандаларни додин бергай,  
Оси, жони умматларни ҳолин сўргаёй.  
Рўзи маҳшар дийдорини ато қилгай,  
Жону дилни фидо қилиб юрар бўлгай.

Раҳмон эгам раҳми бирла нидо қилгай,  
Хазин нидо эшитиб ошиқ жони кўйгай.  
Саф-саф бўлиб ошиқлари бош кўтаргай,  
Ошиқ ўзин якто қилиб юрар бўлгай.

Ошиқ бўлиб ҳикмат айди Қул Хожа Аҳмад,  
Сидқи бирлан эшитканга юз минг раҳмат.  
Имон ато қилгай Тангрим, тожу давлат,  
Ошиқ дилин сафо қилиб юрар бўлгай.

### XXXVIII

Ҳеч билмадим нечук кечти умрим менинг,  
Сўрар бўлса, мен қул анда неқилгаймен,  
Нетек бўлгай йўлга солсанг мен ожизни,  
Сўрар бўлса, мен қул анда неқилгаймен?

Йўлдин чиқиб озгонимни билмадим мен,  
Ҳақ сўзини қулоғимга олмадим мен,  
Бу дуёдин кеторимни билмадим мен,  
Сўрар бўлса, мен қул анда неқилгаймен?

Ўтқаплардин ибрат олиб йўлга кирмай,  
Навха фарёд айтиб анда ўртаб-ёнмай.  
Кеча-кундуз юрмишмен ўзни билмай,  
Сўрар бўлса, мен қул анда неқилгаймен?

Жонинг чиқиб танинг ётур тор лаҳадда,  
Сурғучилар келиб сўрса ул ҳолатда,  
Оқар ёшим, кетар ҳушум ул вақитда,  
Сўрар бўлса, мен қул анда неқилгаймен?

Гофилликда юридинг сен итдек кезиб,  
Танинг ётур тор лаҳадда асру шишиб,  
Иш қилмадинг сен Тангрига кўксинг тешиб,  
Сўрар бўлса, мен қул анда неқилгаймен?

Қул Хожа Аҳмад, бу дунёда товба қилғил.  
Товба қилиб йўл бошида бориб турғил.  
Хос қуллардек озиқингни олиб юрғил,  
Сўрар бўлса, мен қул анда неқилгаймен?

### XXXIX

Ишқ ўтини пинҳон тутуб асрар эрдим,  
Жон куйдириб, юрак-бағрим кабоб этти.  
Пирдин мадад бўлмас бўлса эмди манга,  
Бу дард бизни дўстлар беҳоб хароб этти.

Ишқ сирини ҳар номардга айтиб бўлмас,  
Неча ёқсанг, бадлик ерда чароғ ёнмас.  
Йўлин топкан мардонларни билса бўлмас,  
Йиғлай, йиғлай кўз ёшини ҳубоб этти.

Чин ошиқлар кечкан эрмиш жонин ташлаб,  
Адҳам суфат барҳам уруб молин ташлаб,  
Ху-ху тейу ҳақ зикрини айтиб, хушлаб,  
Имон тасдиқ қилиб бағрин кабоб этти.

Ибрат олғил йўлга кирган мардонлардин,  
Жонни жонга пайванд қилиб юрганлардин.  
Йўлни сўраб йўлдин ёмон боргонлардин,  
Андоғ қуллар ҳолин беҳоб, хароб этти.

Қул Хожа Аҳмад нафе тоғидин чиқиб ошти,  
Юрак-бағри жуш урубон қайнаб тошти.  
Биҳамдуллоҳ, йўлин топиб ёвуқлашди,  
Ич қонидин ўз-ўзиға кабоб этти.

#### XL

Аё дўстлар, харобликда кетти бошим,  
Қилай эмди ҳасбу ҳолим баён эмди.  
Карвон кетти жусту жабдуқ манзил ошти,  
Ташна бўлғач қилдим оҳу афғон эмди.

Маркаб яғир, юким оғир, ўзум ғамгин,  
Ҳазрат бирлан ақлу ҳушум кетти тамкин  
Ўтиб карвон, кўздин ғойиб бўлдимукин,  
Борур ерим билолмасмен қаён эмди.

Бу ҳолатда ул Азроил келса ногоҳ,  
Исиғ тандин жонни олғай воҳасрато.  
Олур шайтон имонингги қилур расво,  
Биродарлар, аро йўлда қолдим эмди.

Ул ҳолатда сўз айтурга йўқтур дармон,  
Ўчиб қолгай вужуд ичра шами имон.  
Қизил гулдек юзунг бўлгай мисли сомон.  
Кириб бўлдум ер остига ниҳон эмди.

Кел эй ҳайиф, бу ишлардин хабар олгил,  
Тавба қилиб дойим оллоҳ сари боргил.  
Қул Хожа Аҳмад дунёликдин утуб ёнгил.  
Шояд қилгай пиру муғон назар эмди.

## XLI

Ло плоҳа иллалло деб зори қилгил,  
Ҳақ зикрини ҳар ким этса ёри бергил.  
Пиру муғон хизматида югуруб юргил,  
Ҳақ жамолин кўрсатмаса золим бўлай.

Олло деган бандаларни қули бўлгил,  
Туфроқ сифат йўл устида йўли бўлгил,  
Ошиқларни куйиб-ўчган қули бўлгил,  
Ҳақ жамолин кўрсатмаса золим бўлай.

Ахли ҳаво манманидин қочиб юргил,  
Ахли топсанг кўзда ёшинг сочиб юргил,  
Муҳаббатни шаробидин ичиб юргил,  
Ҳақ жамолин кўрсатмаса золим бўлай.

Кўз ёшингни дарё қилғил раҳми келсун,  
Ғариб бўлуб йўлда ётқил қўлуниг олсун,  
Чин кўнгулда йиглаб кўргил худо билсун,  
Ҳақ жамолин кўрсатмаса золим бўлай.

Ҳижрон туни оҳинг бирлан ўтлар ёққил,  
Кўз ёшингни барқи бирлан чақмоқ чоққил,  
Эранларни суҳбатида эриб оққил,  
Ҳақ жамолин кўрсатмаса золим бўлай.

Ҳақ раҳмати улуг дарё бир қатра бас,  
Қатрасидин баҳра олгон қилмас ҳавас,  
Моуманлик сендин кетар мисли мағас,  
Ҳақ жамолин кўрсатмаса золим бўлай.

\* \* \*

Кун кўрмаган эсиз маҳбуб-маҳпоралар,  
Юраклари қўрқуб бўлди садпоралар.  
Дардлариға даво топмай бечоралар,  
Мунглуг бўлиб кофирга хор бўлди, кўринг.

«Оном!» тею кеча-кундуз йиғлаюрлар,  
Ориб қолгон бўталардек бўзлаюрлар,  
Етим қолгон қўзи янглиғ манграюрлар,  
Нолишига тош эриб сув бўлди, кўринг.

Қизил гулдек норасида ул ўғлонлар —  
Дунё ўлуб ким кўрубдур мундоғ доғлар,  
Мажнун ёнглиғ, девошадек бўлди соғлар,  
Ожиз бўлуб мусулмонлар қолди, кўринг.

Азал кунда эзим бизга қилди тақдир,  
Биздин ўтиб онча хато, қилдуқ тақсир,  
Онинг учун норасида бўлди асир,  
Феълимиздин бизга жафо солди, кўрунг.

На онода раҳм қолди, на отода,  
Оғо, ини бир-бирига можарода,  
Мусулмонлар даъво қилур, ичар бода,  
Мастлиғ билан қариндошдин тонди, кўрунг.

Нокас, хасис, бебиёнат қуллар ҳоқим,  
Моуманлик ҳаддин ошиб бўлди золим,  
Халқ ичинда хор бўлдилар дарвеш, олим,  
Ҳимояти халқни кофир бўлди, кўрунг...

\* \* \*

Ишқ сиррини баён қилсам бу оламда,  
Беҳабарлар эшитиб қулоқ тутқони йўқ.  
Ҳақ ёдини кимга айтай ҳама ғофил,  
Муъмин ман деб бу дунёдин ўтғони йўқ.

Эшон, шайх, хўжа, мулло дунё излар,  
Ул сабабдин подшоҳларга ёлғон тузлар,  
Оят ҳадис сўзин қўйиб мулни кўзлар,  
Ҳақ йўлида ҳаргиз меҳнат тортқони йўқ.

Дунё тегиб Ҳақни суйгон топди мурод,  
Шавқ шаробин ичкон ошиқ шавқи зиёд,  
Қиёмат кун каззобларни юзи уёт,  
Ёлгончилар ҳақ ёдини эткони йўқ.

Охир замон шайхлар иши ҳамма риё,  
Рузи маҳшар риёлари бўлғой гувоҳ,  
Шайх ман теку мунча ҳаво, мунча бино,  
Олло учун зарра жавоб эткони йўқ.

Сажодага ким ўлтурса фақир бўлсун,  
Муҳаммаддек туфроқ сифат ҳақир бўлсин.  
Риёзатда ранги-рўйи зоҳир бўлсун,  
Ҳақ Мустафо элга қаттиқ боққони йўқ.

Жондин кечкан чин ошиқлар дунё демас.  
Нафси ўлук оби таом гамин емас.  
Бу дунёда суду зиён бўлса билмас,  
Дунё келиб жилва қилса боққони йўқ.

\* \* \*

Ишқисиз киши одам эрмас англасангиз,  
Бемуҳаббат шайтон қавми тингласангиз,  
Ишқдин ўзга сўзни агар сўзласангиз,  
Илқингиздин имон ислом кетти бўлғай

Майхонага кирган ошиқ сирри аён,  
Бағри пишиб, ёши оқиб қилур афгон,  
Бехуд юрар қайда борса хонавайрон,  
Бешак биллинг, ваҳдат майдин тотти бўлғай

Ишқ тушти бу бошимга, ҳайрон бўлдим,  
Хонимондин кечиб, тақи сарсон бўлдим,  
Икки олам барбод уруб, вайрон бўлдим,  
Чиққан оҳим на фалакка етти бўлғай.

Ошиқларни оғзи хандон, дили ларзон,  
Олло учун кўзда ёши, бағри бирён,  
Жони зокир, кўнгли шокир, фикри жонон,  
Инишоолло қил кўприги ўтти бўлғай.

Ошиқлари маломатдин қочмас бўлур,  
Нодонларга ботин сиррин очмас бўлур,  
Ҳар номардга дурри гуҳар сочмас бўлур,  
Ўзи ўқуб, хуни зардоб ютти бўлгай.

Қул Хожа Аҳмад, Ҳақ сўзини сўзлар мудом,  
Ҳақдин ўзга сўзлар борий эрмиш ҳаром,  
Рўзи қилса ўрнинг бўлгай Доруссалом,  
Маърифатини дарёсига ботти бўлгай.

\* \* \*

Бу оламда Ҳақдин кўрқуб зор инграсам,  
Охиратда руҳим ором олурмукин?  
Эранларини босқон изини кўзга сурсам,  
Пири муғон мани йўлга солармукин?

Бошим бериб, белим боглаб қилсам ихлос,  
Нафси шайтон чангалидин бўлсам халос,  
Жон берарда мадад қилса Хиёр, Илёс,  
Ғавсул гиёс хатми ёсуи қилармукин?

Тоғу чўллар гуноҳимдин қилмас тоқат,  
Хар кун юз минг турли исён манга одат,  
Бу иш бирлан охиратда борму роҳат,  
Тавба қилсам одатларим қолармукин?

Саҳарларда зори қилиб йигласам мен,  
Жон берарда белим маҳкам боғласам мен,  
Шавқи бирлан юрак-бағрим доғласам мен,  
Ҳақ чароғи қабрим ичра ёнармукин?

Бошим; таним туфроқ қилиб фано қилсам,  
Дийдор тилаб ҳасратида адо бўлсам,  
Аҳли аёл хонумондин жудо бўлсам,  
Дўстлар, Хожам манга раҳми келармукин?

\* \* \*

«Шариатдур» деб олимлар буюрдилар,  
«Кофир Мансур ўлмади», деб куйдурдилар,  
Ахгар қилиб, кулни кўкка совурдилар,  
Тоғ, тузлар «Анал-Ҳақ!» теб турар эрмиш.

Қулни йиғиб, дарё ичра тошлотти,  
Зимистонда дарё тошиб, наъра тортти,  
Шаҳар халқи югуруб-елиб боши қотти,  
Жондин қўркуб, дод, фарёд қилор эрмиш.

Шайх Зуннун шоҳ Мансурни пири эрди,  
Подшоҳ югуруб вилоятга хабар берди,  
«Бир авлиё бормукни», деб зори қилди,  
Шайх Зуннун пинҳон юруб борор эрмиш.

Ғариб Мансур қулогимга бир сўз деди,  
Хокистарин бир каф олиб манго берди,  
«Дарё тошса, ё Мансур!» деб, солинг деди,  
Иншооллоҳ, тошқин дарё қайтор эрмиш.

Подшоҳ деди: «Ҳозир, пирим боро кўрунг,  
Хокистарин дарё ичра соло кўрунг,  
Ғариб, етим илкин тутуб, оло кўрунг»,  
Подшоҳ, вазир таъзим этиб турор эрмиш...

Хокистарин «Ё Мансур!» теб сувга солди,  
Қудрат бирла дарё қуруб, хомуш бўлди,  
Хожа, мулло муни кўруб шокир бўлди,  
Илкин очиб, шайхга дуо қилор эрмиш...

## XLII

... Дунё меннинг дегонлар, жаҳон молли олгонлар,  
Каркас қушдек бўлубон ул ҳаромга ботмишлар.

Мулло, муфти бўлгонлар, ёлгон даъво қилгонлар,  
Оқни қаро қилгонлар ул томугга кирмишлар.

Қози, имом бўлгонлар, ноҳақ даъво қилгонлар,  
Ҳимор янглиг бўлубон юк остида қолмишлар.

Ҳаром еган ҳакимлар, ришва олиб егонлар,  
Ўз бармоқни тишлабон қўрқуб-кўруб қолмишлар.

Тотлиг-тотлиг егонлар, турлик-турлик кийгонлар,  
Олтуи тахтада ўлтургонлар туфроқ аро ётмишлар.

Мўмин қуллар, содиқлар, сидқи бирла тургонлар,  
Дунёлигини сарф этиб учмох хуриш қучмишлар.

МУНОЖОТНОМА

Муножот айлади мискин Қул Хожжа Аҳмад,  
Илоҳи қил бандангни раҳмат.

Ғариб Аҳмад сўзи ҳаргиз қаримас,  
Агар ер остига кирса чиримас.

Яна мансух бўлиб ул хор бўлмас,  
Ўқуғон бандалар бемор бўлмас.

Ўқуғонга қилурмен анда шафқат,  
Қиёмат кунда қилгум шафоат.

Худойим қилса ниҳом манга жаннат,  
Ўқуғонларни қилгаймен шафоат.

Тилоғи ҳар не бўлса тағри бергай,  
Муҳаббат шавқини кунгулга солгай.

Ҷамолни кўрсатиб нарвардигорим,  
Ўзин йўлга солсун биру борим.

Худойим айласун маҳшарда хуррам,  
Қиёмат кун ариғ зотига маҳрам.

Дуога ёри берса ҳар мусулмон.  
Ўлур вақтида элтқай нури имон.

Мени ҳикматларим оламга тўлғон,  
Эшитмай ҳар ким ўлса, қилгай армон.

Мени ҳикматларим дардликка дармон,  
Киши бўй элтмаса ул йўлда қолгон.

Мени ҳикматларим оламда дoston,  
Рухум келса қилур суҳбатини бўстон.

Мени ҳикматларим кони ҳадисдур,  
Кини буй элтмаса билгил ҳабисдур

Мени ҳикматларим фармони субҳон,  
Ўқуб уқсанг ҳама маънии Қуръон.

Мени ҳикматларим оламда султон,  
Қилур бир лаҳзада чўли гулистон.

Мени ҳикматларим шовқи муҳаббат,  
Қўзини ёшида қилгой таҳорат.

Намозиға Расулulloҳ имоми,  
Ани қавми малойишлар тамоми.

Шикастаник била қилгон номози,  
Қабул бўлгай ани ҳаққа ниёзи.

Мени ҳикматларим ошиққа айтинг,  
Дили ойнадек содиқға айтинг.

Ҳама кўру кару ботини каззоф,  
Томом иқлимни кездим топмадим соф.

Мени ҳикматларим саррофға айтинг,  
Худойи бокарам ваҳҳобға айтинг.

Адолат подшоҳи бир оти содиқ,  
Қилур бир лаҳзада васлиға лойиқ.

Мани ҳикматларим подон эшитмас,  
Вале кўнгли қаро пандимни олмас.

Хатидин беҳабар Оллоҳға мункир,  
Адабсиз беадаб дунёда бенкир.

Хатини битса ҳар ким наер битсеун,  
Вале насри битиб мақсудға етсеун.

Дини, имони йўқ, исломи вайрон;  
Қиёмат тонги отса йўлда қолгон.

Пиру комилни кўрмай шайхи Санъон,  
Худо қилмас қабул ўқуса Қуръон

Ўзини шайх санур қўлбори холи,  
Йигирма бешга етмай они соли.

Насиҳатлар қилур пиру жавонни,  
Ўзи фаҳм этмайини яхши-ёмонни.

Инонсун деб мени бир печа беақл,  
Қулурлар авлиёлардини муни нақл.

Қўйуб домни сузаргоҳларга бешир,  
Тили макру ҳиял, қилғони тазвир.

Ани макри эрур шайтондин аъло,  
Қўнар юзи қаро маҳшарда тонг-ла.

Аларини кўрмапгиз юзини ҳаргиз,  
Анингдек ланъатидини айланг парҳез.

Забони ҳол ила уммонг тўқдим,  
Ҳақиқат сўз била жоҳилини сўқдим.

Агар олим бўлса жоним тасаддуқ,  
Дуру гуҳар сўзумни эшитиб уқ.

Дуру гуҳар сўзун оламга сочса,  
Ўқиб уқса каломи ҳақни очса.

Ўшал олимга жон қурбон қилурмен,  
Тамоми хонумон эҳсон қилурмен.

Қани олим, қани амал, ёролар,  
Худодин сўзласа сиз жон беринглар.

Чини олим ёстугини тоштини яратди,  
Нима уқти ани оламга айтди.

Ўзини билди эрса ҳақни билди,  
Худодин қўрқтию инсофга келди.

Мани ҳикматларим доно эшитсун,  
Сўзим дoston қилиб мақсадга етсун.

Мани ҳикматларим бир пиру комил,  
Қаю банда бўлса худога мойил.

Мани ҳикматларим хўбларга айтинг,  
Дуо-такбир қилиб раҳматга ботинг.

Мани ҳикматларим пиру забардаст,  
Эшитканлар бўлур беҳушу сармаст.

Тирик бўлса жаҳонда хор бўлмас,  
Ўқуғон бандалар бемор бўлмас.

Қиёматда анга ҳоди бўлурмен,  
Агар дардлиг бўлса дору бўлурмен.

Агар юз йил умур топса қаримас,  
Агар ер остига кирса чуримас.

Худо қилгай ани дўзахдин озод,  
Биҳишту жовидонда айлагай шод.

Эштиб ҳикматимни гўшга олгон,  
Ато қилгай ўлуру вақтида имон.

Яссавий ҳикмати доно эшитеун,  
Эшитмаган бари ҳасратда қолсун.

Жавоҳир конидин бир нукта олесун,  
Эшитмаган бари ҳасратда қолсун.

Киши ҳикмат эшитса жони бирлаи,  
Чиқар жони ани имони бирлаи.

Қулоққа олмагай бу сўзини подон,  
Ани одам дема, ул жинси ҳайвон.

Худойим сўзидин чиққай бу ҳикмат,  
Эшитганга ёгар борони раҳмат.

Мани ҳикматларим ким тутса маҳкам,  
Худо қилгай ани албатта беғам.

Киран жаннат ичига шоду хандон,  
Худойим айлагай масруру шодон.

Мани ҳикматларим Ҳақни сапоси,  
Муҳаббат аҳлини дарду давоси.

Мани ҳикматларим қанду асалдур,  
Ҳама сўзлар ичинда бебадалдур.

Мани ҳикматларим инъоми оллох,  
Саҳар вақтда деса астағфируллох.

Ани шайтон — лаин тутмас йўлини,  
Муҳаммад Мустафо олғай қўлини.

Мани ҳикматларим дардсизга айтманг,  
Баҳосиз гавҳарим нодонга сотманг.

Яссавий ҳикмати қадрига етгил,  
Хуми ишқдин майни бир қатра тотгил

## XLIV

Муҳаммадни билинг зоти арабдур,  
Тариқатни йули кулли адабдур.

Ҳақиқат билмаган одам эмасдур,  
Билингиз ҳеч нимага ўхнамасдур...

Қаҳрланса қилур ер бирла яқсон,  
Бўлодур зилзила ер била осмон.

Раҳим қилса билингиз раҳмати бор,  
Берур бўлса туганмас неъмати бор.

Муҳаммадни сифат қилсам камина,  
Оносини оти билгил Амина.

Отоси оти Абдуллоҳ экандур,  
Онодин туғмайин ўлган экандур.

Муҳаммадни бобоси сақлағондур,  
Яланғоч, очларини йўқлоғондур.

Бобосин билингиз Абдулмуталлиб,  
Кўнгулда сақлағайсиз яхши билиб.

Бобосини отоси эрди Ҳошим,  
Эшитканда оқадур кўзда ёшим.

Билингиз тўртинчисидур Абдулманаф,  
Аларни билса ҳар ким кўнглидур соф.

Расулни билса ҳар ким бу тўрт пуштин,  
Қиёматда кезар секиз биҳиштин.

Бобоси етти ёшда ўлибдур,  
Расулни аммасига ҳам берибдур.

Абутолиб Алини отасидур,  
Қамуғ арабларни каттасидир.

Абутолиб булодур иш бошида,  
Муҳаммад ўлтурур дойим қошида

Муҳаммадни ёши ўн етти бўлди,  
Қи ул вақтда Хадича они кўрди

Муҳаммадни билингким мисли шуиқор  
Хадича они кўруб булодур зор

Хадича кўнглида они суёдур,  
Муҳаммад ишқида ичи куёдур

Кеча-кундуз тилар они худодни,  
Билингиз оқибат топди муродни

Курингизлар худони шевасини,  
Муҳаммад боқгай экаи тевасини

Хадичага Расул шокир бўлибдур,  
Бу боис бирла бил они олибдур.

Расулни ёшлари қирққа етибдур,  
Қи андин сўнг худодни ваҳи инибдур.

Қи ондин сўнг Муҳаммад бўлди подшоҳ,  
Расулни кўнглида ёр бўлди оллоҳ

Муҳаммадни ишни Оллоҳ битурди,  
Халойиқ борчаси имон кетурди.

Расулни бошида бўлди амома,  
Қамол топди ўтуз уч минг саҳоба.

Расулга барчаси хизмат қиладур,  
Адаб бирлаи юруб иззат қиладур

Расул олдига бир етим келибдур,  
Ғарибу мубталомен деб айтибдур

Раҳим қилди Расул ани ҳолига  
Тилаганини они берди қулига.

Расул айди анга, мен ҳам етиммен,  
Етимликда, гарибликда ётиб мен.

Муҳаммад айдилар ҳар ким етимдур,  
Билингиз ул мени хос умматимдур.

Етимни кўрсангиз огритмангизлар,  
Ғарибни кўрсангиз доғ этмангизлар.

Етимлар бу жаҳонда хор экандур,  
Ғарибларни иши душвор экандур.

Ғарибларни иши дойим сулукдур.  
Тирик эрмас гариб мисли ўлукдур.

Худойига гариблар билгулугдур,  
Ғарибни эрта, оқшом сўргулугдур.

Сифат қилсам Али шери худодур,  
Ки шамшир бирла кофирни қиродур.

Кофирларни қилур имонга даъват,  
Беродур ҳар замон исломга қувват.

Ки мўмин бўлгонин олиб келодур,  
Қабул қилмагонин чопиб келодур.

Ки шамшир қўлга олиб минса Дулдул,  
Тушодур қавми кофирларга гулгул.

Қўлидаги яроғи зулфиқори,  
Чопишганда узолур қирқ қари.

Алини бор эди ўн саккиз ўгли,  
Ани ҳар қайсисидур катта тугли.

Али ислом учун қонлар ютодур,  
Ки ислом тугини маҳкам тутодур.

Хожа Аҳмад гарибликка тушубдур,  
Расул авлодига сўзлар қотибдур.

## XLV

Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлгон Муҳаммад,  
Ўттуз уч минг асҳобга раҳбар бўлгон Муҳаммад.

Ялонғочу очликка қаноатлиг Муҳаммад,  
Оши, жонин умматга шафоатлиг Муҳаммад.

Тунлар ётиб уюмас, тиловатлиг Муҳаммад,  
Ғариб бирла етимга мурувватлиг Муҳаммад.

Йўлдан озгон гумроҳга ҳидоятлиг Муҳаммад,  
Эҳтиёж тушса ҳар кимга кифоятлиг Муҳаммад.

Абу Жаҳл, бу Лаҳабга сиёсатлиг Муҳаммад,  
Маломатни забун саломатлиг Муҳаммад.

Намоз руза қилгувчи ибодатлиг Муҳаммад,  
Тинмай тасбиҳ айтгувчи риёзатлиг Муҳаммад.

Малъун-лаин шайтонга сиёсатлиг Муҳаммад,  
Шарнатни йўлига иноятлиг Муҳаммад.

Дуолари мустажоб ижобатлиг Муҳаммад,  
Ёмонликка-яхшилик кароматлиг Муҳаммад.

Тавфиқ берган золимга жалолатлиг Муҳаммад,  
Сажда қилгон эгилиб итоатлиг Муҳаммад...

Аршу курси бозори иноятлиг Муҳаммад,  
Саккиз беҳишт эгаси видоятлиг Муҳаммад.

Мискин Аҳмад қулига китобатлиг Муҳаммад,  
Етим, фақир, ғарибга саховатлиг Муҳаммад.

## XLVI

«Ал-каззобу ло уммати» деди, билинг Муҳаммад,  
Елгончилар қавмини уммат демас Муҳаммад.

Тўғри юрган қулини, Ҳақни излаб йўлини,  
Рост юрган қулини уммат дегай Муҳаммад.

Ҳар ким умматман деса, Расул ишини қўймаса,  
Шафоат куни бўлса маҳрум қўймас Муҳаммад.

Тағри-таоло сўзини, Расуллоҳ суннاتини,  
Ипомағон умматини, уммат, демас Муҳаммад.

Умматмен деб юурсан, буйруғини қилмассан,  
Нечук умид тутарсан, анда сўрмас Муҳаммад.

Мушкулдур осий банда, уммат демаса анда,  
Расво улур Маҳшарда, уммат демас Муҳаммад.

Уммат дегай Муҳаммад, чин сўзласа қул Аҳмад,  
Тонг-ла бўлса қиёмат, маҳрум қўймас Муҳаммад.

## ҲИКОЯТИ МЕЪРОЖ

Аё, дустлар, баён айлай Ҳақ Расулдин,  
 Уммат бўлсанг эшитиб дуруд айтинг дўстлар.  
 Ул «раҳматан лиъл-оламин» жузу кулдин,  
 Уммат бўлсанг эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Худовандим ато қилди анга меърож,  
 Раҳмат баҳри тўлиб-тошиб урди маввож,  
 Қўйди ани боши узра ло-амрук тож,  
 Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Аввал Жабрил олиб келди анга Буроқ,  
 Буроқ мишиб келди Ҳазрат минг тумтуроқ,  
 Буроқ учиб парвоз қилди Ҳинд ал-Ироқ,  
 Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Оқса бориб тушти кўрунг анда сарвар,  
 Йиғилдилар жумла руҳлар ул пайгамбар,  
 Муборақ деб келди руҳлар анда яксар,  
 Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Жабрил олиб ул Ҳазратни қилди парвоз,  
 Ул сабратуъл мунтаҳойа еттилар боз,  
 Мустафони Жабрил қилди хуб сарафроз,  
 Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Мақомидин ўтолмайин Жабрил қолди,  
 Жиловини ул Мекойил келиб олди,  
 Охир дамда ул Мекойил ҳориб қолди,  
 Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Ул Исрофил ани олиб учди жинон,  
 Ул мақомда Расул қилди ажаб жавлон,  
 Ул ҳам қолди мақомида қилиб афгон,  
 Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар

Аршга қараб қадам қўйди Расулуллоҳ,  
Наълиюни солай деди ҳақ Мустафо,  
Нидо келди наълиюн бирла сеп қўйғил ҳо,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Ҳақ соридин нидо келди эрини мени,  
Эй ҳабибим, манга қараб келгил бери,  
Маҳрам қилай хос сирримга эмди сени,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Ҳаққа қараб қўйди қадам Расулуллоҳ,  
Ҳақдин ўзга ҳеч ким йўқтур анда ҳамроҳ,  
Мундоғ мақом ҳеч кимга йўқ, воллоҳ-биллоҳ,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Чин уммат сеп бу сўзларни хўб билиб ол,  
Ушбу сўзлар хос умматга монанди бол,  
Мунофиққа ёқмас бу сўз, қилгай малол,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Мустафони меърожига солғил қулоқ,  
Тонг-ла дўзах демагидин чиқар бил дуд,  
Сўнгра қилгон пушмондин сенга не суд,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Худо айди меҳмон бўлиб келдинг манга,  
Қанча бўлса ҳожатингни айғил манга,  
Қилиб хушнуд ҳожатингни берай санга,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Расул айди: тилоганим осий уммат,  
Балогатдин қирқ ёшини қилгил раҳмат,  
Эй худоё, сендин раҳмат, мендин шафқат,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Тилогингни қабул қилдим, ё ҳақ Расул,  
Сен айтқонинг қабул қилдим бўлма малул,  
Кўп-кўп тила, ҳожатингни қилай қабул,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Қирқдан нари эллик ёшни қилдим талаб,  
Бекас, етим йиғлаб қилдим санга қараб,  
Кўзум тикдим ё илоҳи санга йиғлаб,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Эллик ёшни бердим санга, ё Мустафо,  
Қайтиб тила, мен эрурмен важот — раво,  
Кўпроқ тила, ҳар не десанг берай санго,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Ё илоҳи, олтмиш ёшни айдим санга,  
Сен қудратли, мен нотавон келдим санга,  
Буюн суниб келдим сени даргоҳингга,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Худо айди, хожатингни айтдинг манга,  
Хушнуд бўлғил, эмди мундин, ё Мустафо,  
Мен розимен, сен ҳам мендин бўлғил ризо,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Расул айди, эмди тилай етмиш ёшни,  
Ғам лойиға ботиб қолган аралашни,  
Умматим деб мен ичмадим туйиб ошни,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Етмиш ёшнинг ҳаволасин қилғил манга,  
Қиёмат кун раҳматимни сочай анга,  
Кўнглинг тинсин, иноятим эмди санга,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Етмиш йилдур манга банда, санга уммат,  
Сен у фарзанд учун чеккан ранжу кулфат  
Ул бандамга мен бермасмен асло захмат,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Етмиш, саксон, тўқсон ёшга етса бандам,  
Кечиб ани гуноҳини қилгум адам,  
Умматингни ғами кетсун, бўлғил беғам,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Қул қариса хожа берур хатти-барот,  
Бандам берса, мен бермасам, манга уёт,  
Эй ҳабибим, хушнуд бўлғил, сен бўлғил шод,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Эй биродар, меърож сўзи ёлгон айтмас,  
Дини сустроқ мунофиқлар нелар демас,  
Ул азалдин тийрабахтдур, ўзга келмас.  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Эй биродар, мунофиққа бўлма улфат,  
Ким улфатдур, боши уза юз минг кулфат,  
Бошидин-аёқ мунофиқни зиён-заҳмат,  
Чин умматсен, эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

Ҳикмат қилди мейроҳ сўзини Қул Хожа Аҳмад,  
Шукур оллоҳ, Мустафога қилди фарзанд,  
Арслон бобом хурмо бериб қилди хурсанд,  
Чин умматсен эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.

## XLVIII

Қўргон замон шонгон Або Бакри Сиддиқдур,  
Устун бўлуб таянгон Або Бакри Сиддиқдур.

Мунглашгонда йнглабон, қуллуққа бел боглабон,  
Ич, багрини доглагон Або Бакри Сиддиқдур.

Бир қавлидин қайтмагон, сиррин ҳарғиз айтмагон,  
Ғофил бўлиб ётмагон Або Бакри Сиддиқдур.

Жон жононага қовшургон, қизин қўлдин топширгон,  
Қўл қовшуруб ёлборгон Або Бакри Сиддиқдур.

Айткон сўзига еткон, нафсу ҳоводин кеткон,  
Ҳақ Расулни беркиткон Або Бакри Сиддиқдур.

Муҳаммадга қайиота, қилгон эмас ҳеч хато,  
Бўйинига солгон футо Або Бакри Сиддиқдур.

Қул Хожа Аҳмад қил тасдиқ, ёри горинг қил тафриқ,  
Орифликда бил содиқ бо Бакри Сиддиқдур.

## XLIX

Иккинчиси ёр бўлгон адолатлиг Умардур,  
Мўминлигда ёр бўлгон адолатлиг Умардур.

Билолга азон айтургон, шариатни билдиргон,  
Дин сўзини уқтургон адолатлиг Умардур.

Каъба эшигини очтиргон, барча бутни синдиргон.  
Расул кўнглини тиндиргон адолатлиг Умардур.

Шариатни пос туткон, тариқатни рост туткон,  
Ҳақиқатни хўб билгон адолатлиг Умардур.

Ўглини чорлаб келтургон, дарра уруб ултургон,  
Адил қилиб йўл сургон адолатлиг Умардур.

Чироғ бўлиб ўчмагон, дин йўлидини ёймагон,  
Ноҳақ ишни этмагон адолатлиг Умардур.

Мискин Аҳмад келгил, ёд қилгил, ожизингни бунёд,  
Шояд руҳи қилгай шод, адолатли Умардур.

## L

Учинчи ёр бўлгон Усмони боҳаёдур,  
Ҳар нафасда ёр бўлгон Усмони боҳаёдур.

Ҳақ Расулни домоди, динимизни одобни,  
Диндорларни озоди Усмони боҳаёдур

Ўқуғони шотиби, оят, ҳадис котиби,  
Мишбар узра хотиби Усмони боҳаёдур.

Муножоти кўҳи Тур, олғонлари икки нур,  
Айтганлари барча дур Усмони боҳаёдур.

Кўплар келиб пиёда, қўймадилар шаҳзода,  
Шаҳид қилдилар анда Усмони боҳаёдур.

Тавсиф қилдинг Усмонни, Хожа Аҳмад сен ани,  
Йўқдур шакку гумони, Усмони боҳаёдур.

L1

Тўртинчиси ёр бўлгон шеру худо Алидур,  
Ҳам меърожда ёр бўлгон, шеру худо Алидур.

Айтгон сўзи раҳмоний, кўрсанг юзи нуроний.  
Кофирларни қирони шеру худо Алидур.

Ҳиммат қури дилида, мавлом ёди тилида,  
Зулфиқори илгида шеру худо Алидур.

Миниб чиқса Дулдулга, ерга тушар zilзила,  
Кофирларга гулгула, шеру худо Алидур.

Душманларга муқобил, бўлди кофирга қотил,  
Қилгон ботиқни зойил шеру худо Алидур.

Раҳмат қилгай биру бор, ҳар не қилса эрки бор.  
Хожа Аҳмадга мадаккор шеру худо Алидур.

## ЛII

Нехуш тотлик хў ёди саҳар вақти бўлғонда,  
Болдин сучук хў оти саҳар вақти бўлғонда.

Саҳар вақти турғонлар, жонин фидо қилғонлар,  
Ишқ ўтига куйғонлар саҳар вақти бўлғонда.

Саҳар вақти хуш соат, турғонга бўлғай роҳат,  
Очилур давлат, саодат саҳар вақти бўлғонда.

Ҳар кун куяр бу жоним, қулликка йўқ дармоним,  
Сен кечургил гуноҳим, саҳар вақти бўлғонда.

Имон шамъини ёндирсанг, руҳ қушини куйдирсанг,  
Худойингга сийгинсанг саҳар вақти бўлғонда.

Қул Хожа Аҳмад соате, бир зарра йўқ тоқати,  
Зикр жонини роҳати саҳар вақти бўлғонда.

### LIII

Умрим охир бўлгонда не қилгаймен Худоё,  
Жон олгувчи келганда не қилгаймен Худоё?

Жон бермакни ваҳмидин, Азозилни захмидин,  
Шафқат бўлмаса сендин не қилгаймен Худоё?

Жон бермак иши душвор, осон қилгил ё Жаббор,  
Сендин ўзга йўқ гамхор, не қилгаймен Худоё?

Жоним жудо бўлгонда, таним мунда қолгонда,  
Тахта узра олгонда не қилгаймен Худоё?

Ожиз бўлиб ётганда, фаришталар кирганда,  
«Ман раббук» деб сўргонда не қилгаймен Худоё?

Элтиб гўрга қўйгонда, ети қадам ёнгонда,  
Сургувчилар киргонда не қилгаймен Худоё?

«Ман раббук» деб тургонда, қора кундур ўш онда,  
«Раббинг кимдур» деганда не қилгаймен Худоё?

Қул Хожа Аҳмад, сен банда, нафс илгида  
Маҳшар куни бўлгонда не қилгаймен Худоё?

LIV

Қаҳҳор отлиғ қаҳрингдин қўрқуб йиғлар Хожа Аҳмад,  
Раҳмон отлиғ раҳмингдин умид тутар Хожа Аҳмад.

Гуноҳим кўн плоҳим, кечургайсен гуноҳим,  
Барча қуллар ичинда осий қулдур Хожа Аҳмад.

Мунофиқлар юрурлар, фисқу фуҷур қилурлар,  
Ҳаром, шубҳа сюрлар, қўрқуб йиғлар Хожа Аҳмад.

Тариқатни билмадинг, ҳақиқатга кирмадинг,  
Пир буйругни тутмадинг, узри кўндур Хожа Аҳмад.

Охир замон бўлгондур, подшо зодим бўлгондур,  
Ҳаром, шубҳа тулгондур, ҳайрон бўлур Хожа Аҳмад.

Шарманда осий қулмен, ишқ йўлида булбулмен,  
Арслон бобога қулмен, қулинг бўлур Хожа Аҳмад.

Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, йиғламакни одат қил,  
Бало келса тоқат қил, Ҳақдин бўлур Хожа Аҳмад.

LV

Холиқимни излармен тун-қун жаҳон ичинда,  
Тўрт ёнимдан йўл энди қавну макон ичинда.

Тўртдин еттига еттим, тўққизни узар эттим,  
Лидин иккига келдим чархи қайвои ичинда.

Уч юз олтмиш су кечдим, тўрт юз қирқ тўрт тош оштим,  
Вахдат шаробин ичдим, туштум майдон ичинда.

Чунки тунитум майдонга, майдонини тўла кўрдум,  
Юз минг орифини кўрдум, барча жавлон ичинда.

Гаввос баҳрига кирдим, вужуд шаҳрини кездим,  
Дурни садафда кўрдум, гуҳарни қон ичинда.

Аршу курсини юрдум, Лавҳу қаламини кўрдум,  
Вужуд шаҳрини кездим, айдим бу жон ичинда.

Жонини кўрдум жононда, ишқини кўрдум майдонда,  
Ошиқларнинг майдони жумла бўстон ичинда.

Эрини кўрдум эргашдим, истадугимни сўрдим,  
Барчаси сенда деди, қолдим хайрон ичинда.

Хайрон бўлибон қолдим, беҳуш бўлибон толдим,  
Ўзимни дардга солдим, топдим дармон ичинда.

Мискин Хожа Аҳмад жонини, ҳам гуҳардур, ҳам қонини,  
Жумла анинг маконини, ул ломакон ичинда.

## LVI

Эраилар жамол кўрар дарвешлар суҳбатинда,  
Еронлар мажлисинда, нур ёғар суҳбатинда.

На тиласа ул бўлур дарвешлар суҳбатинда,  
Ҳар сирлар зоҳир бўлур дарвешлар суҳбатинда.

Ҳар ким суҳбатга келди, эрандин улуш олди,  
Бот келди, билиш бўлди дарвешлар суҳбатинда.

Ҳар ким суҳбатга келди, кўнглига маъно тўлди,  
Асҳоблар мурод топди дарвешлар суҳбатинда...

Кибру ҳасадлар ўлар, ичида маъно тўлар,  
Кўз очиб Ҳақни кўрар дарвешлар суҳбатинда.

Расулга ваҳий келди, бошинин тожин олди,  
Кўпти ходимлик қилди, дарвешлар суҳбатинда.

Қул Хожа Аҳмад суҳбатда, дам урар муножотда,  
Зиҳи хуш саодатда дарвешлар суҳбатинда.

## LVII

Бешак билниг, бу дунё борча элдин ўтаро,  
Ишонмагил молнигга, бир кун кўлдин кетаро.  
Ого-оно, қариндош, қаён кетти, фикр қил.  
Тўрт аёглиг чўбини от бир кун санга старо.

Дунё учун гам ема, Ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молни ема, сирот узра тутаро.  
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,  
Мардона бўл гариб бош, умринг елдек утаро.

Қул Хожа Аҳмад тоат қил, умринг билмом неча йил,  
Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро.

## LVIII

Қаро кундур, ўшол соатки дунёдин сафар қилсанг,  
Зану фарзанд, молу мулкинг борисидин гузар қилсанг.

Сени қўймас ажал ҳаргиз, неча ҳукминг равон бўлса,  
Ҳукумат бирла оламини агар зеру забар қилсанг...

Бўлуптур борчага фармон ўлумни шарбатни ичмак,  
Қочиб ондин қутулмассен, неча ондин ҳазар қилсанг

Халойиқнинг мазорига бориб бир-бир тамошо қил,  
Улуғлардин олиб ибрат керак бағринг кабоб қилсанг

Ҳамиша яхшилик қилғил, кетарсен ушбу дунёдин,  
Қиёмат оби рўйиға керак хуну жигар қилсанг.

Худо фармониини тутгон бўлур ул авлиёлардин,  
Бўлур сен авлиёлардин риёзатни кўпроқ қилсанг...

Хожа Аҳмад маъсият бирла ҳаётинг қилмағил зойе,  
Бўлурсен лойиқи ҳазрат, агар тоат саҳар қилсанг.

## LIX

Ният қилдик Каъбага, ризо бўлунг, дўстларим,  
Ё ўлгаймиз, келгаймиз, ризо бўлунг, дўстларим.

Ният қилдик Каъбага, ҳақ Мустафо равзага,  
Насиб қилгил борчага, ризо бўлунг, дўстларим.

Насиб бўлса, боргаймиз, насиб бўлса келгаймиз,  
Ажал етса ўлгаймиз, ризо бўлунг, дўстларим.

Ризо бўлунг узумдин, яхши-ёмон сўзимдин,  
Ўтунг қатиг юзумдин, ризо бўлунг, дўстларим.

Қудрат бўлса юрингиз, куч бўлмаса турингиз,  
Дуо қила кўрунгиз, ризо бўлунг, дўстларим.

Дўстлар бизни йўқлагай, фосиқлар кўп ухлагай,  
Масжид сари келмагай, ризо бўлунг, дўстларим.

Сирдин бўлди ишорат, мунда қилдик иморат,  
Қилгай Расул шафоат, ризо бўлунг, дўстларим.

Арслонбобдин башорат, пирдин тилаб ижозат,  
Дўстлар қилгай ибодат, ризо бўлунг, дўстларим.

Каъба сори кўчалук, золимлардин қочалук,  
Ўгул-қиздин кечалук, ризо бўлунг дўстларим.

Тилим сўрсам, қарор йўқ, гариб ўйса, сўрар йўқ,  
Емишларда ҳалол йўқ, ризо бўлунг, дўстларим.

Кечти қулинг жонидин, чиқди халқни сонидин,  
Дўстлар боргай сўнгидин, ризо бўлунг, дўстларим

Яссавий, юмгил кўзунгни, халққа айтқил сўзингни,  
Каъбага сурт юзунгни, ризо бўлунг, дўстларим.

## LIX

Оллоҳ деган бандани жойин жаннатда кўрдум,  
Ҳуру гулмои жумласин қаршу хизматда кўрдум.

Туни-куни ухламай ҳу зикрини айтқанлар,  
Малойишлар ҳамроҳи аршини устида кўрдум.

Хайру саио қилгонлар, етим кўнглини олгонлар,  
Чаҳор ёрлар ҳамроҳи, кавсар лабида кўрдум.


Омил бўлгон олимлар, йўлга кирган осийлар,  
Андоғ олим жойини доруссаломда кўрдум...

Муфти бўлгон олимлар, ноҳақ фатво берганлар,  
Андоғ муфти жойини сирот кўфругда кўрдум.

Золим бўлиб зулм эткан, етим кўнглини оғритган,  
Қора юзлуг маҳшарда қўлини орқада кўрдум.

Жамоатга бормаини тарки намоз қилгонлар,  
Шайтон бирла бир ерда дарки асфолда кўрдум.

Қул Хожа Аҳмад кон очти, дурру гуҳарини сочти,  
Тингламагон бу сўзини гафлат ичинда кўрдум.



## LX

Ваҳдат хуми очилди, майхонага кирдим мен,  
Бир жом ичиб шул майдин масту ҳайрон бўлсам мен.

Ўшгул майнинг мазаси ич-бағримни қон қилди,  
Бағир қонини оқизиб жонон сори борсам мен.

Соқи сўнди ҳар нафас кайфиятнинг шаробин,  
Сармаст бўлуб ушул дам нола-фарёд урсам мен...

Ул дарёнинг мавжидин тегма ғаввос дур олмас,  
Жондин кечиб дур учун баҳр қаърига чўмсам мен.

Хожа Аҳмаднинг хумида муҳаббатнинг шароби,  
Ошиқларга шул майдин муродинча берсам мен.

## LXI

Биздан салом дўстларга, талаб ёдин қўямасин,  
Дийдор талаб қилсалар ҳаргиз гофил бўлмасин

Гофил топмас ҳақ йўлини, анда топмаслар ўрини,  
Ичи тоши кўйибон саҳарларда ётмасин.

Ёди бирлан бўлсалар, дийдор орзу қилсалар,  
Ҳарчанд хорлик кўрсалар кўнгул ўзга бўлмасин.

Ошиқларга дунёда хорлик, зорлик, маломат,  
Маломатсиз меҳнатсиз ошиқ ман деб айтмасин.

Шариатда тажриддур дунёсини тарк этмак,  
Тарк этмайин дунёни Ҳақни суйдим демасин.

Тариқатда таи жонин тарк этмаги тажриддур,  
Тарк этмайин таи жонин тажрид бўлдим демасин.

Ҳақиқатда<sup>1</sup> ҳаромдир бир Худодан ўзгаси:  
Андоғ бўлмай ошиқлар дийдор орзу қилмасин.

Андоғ расул мустафо дунё молини суймади,  
Уммат бўлса расулга дунё молини суймасин.

Мискин Аҳмад Яссавий салом айди дўстларга,  
Ушбу сўзининг маъносин толиб бўлса англасин.

---

<sup>1</sup> Ҳақиқат мақоми назарда тутилаётир.

## LXII

Тинмай ошиқ ху дерлар худойига ёлвориб,  
Юрур они ишқида кеча-кундуз сорғариб.

Зор йиғлатиб ошиқни ишқ илгида Худойим,  
Ишқ йулида маломат анга кўрди муносиб.

Мансур бир кун йиғлади эранлар раҳм айлади.  
Чил таи шарбат ичирди Мансурга меҳрин солиб.

Мансур айтур «Анал-Ҳақ», эранлар иши барҳақ,  
Муллолар айтур ноҳақ, кунглига ёмон олиб.

Лйтмагил «Анал-Ҳақ» деб, кофир бўлдинг Мансур деб,  
Қуръон ичра будур деб ўлдирдилар тош отиб.

Билмадилар муллолар «Анал-Ҳақ»ни маъносини,  
Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб.

Ривоятлар битилди, ҳолин ани билмади,  
Мансурдек афғонни қўйдилар дорга осиб.

Бегона деб муллолар шайх Мансурни ўлдирди,  
Кофир деб ўлдирдилар уч юз мулло талошиб

Кулни кўкка совурди, этиб дарёга солди,  
Завқ дарёси мавж ўрди окди дарё кайнашиб

Ўшал кун и ул дарё қилди афғон вовайло,  
Ошиқларга. Худоё. қилғил дийдоринг насиб.

Афсонадур шарият, фарзонадур ҳақиқат,  
Дурдонадур тариқат ошиқларга муносиб.

Халқи олам йиғилди, Мансур деб фарёд қилди,  
Мансурни ёронлари қолди анда йиғлашиб.

Тавба қилғил, Хожка Аҳмад, бўлғай Ҳақдин иноят.  
Юз минг валилар ўтти сирни сирга улошиб.

### LXIII

Ишқинг қилди шайдо мени, жумла олам билди мени,  
Қайғум сен-сен туни-куни, менга сен уқ, кераксап.

Таоллоҳ зиҳи маъни, сен яратдинг жисму жонни,  
Қуллуқ қилсам туни-куни, менга сен уқ, кераксап.

Ќўзум очдим сени кўрдим, кул кўнгулни сенга бердим,  
Уруғларим таркии қилдим, менга сен уқ, кераксап.

Сўзласам мен тилимда сен, тўкар бўлсанг меним қоним,  
Мен қулинигмен сен сўлтоним, менга сен уқ, кераксап.

Олимларга китоб керак, сўфийларга масжид керак,  
Мажнуиларга Лайло керак, менга сен уқ, кераксап.

Ғофилларга дунё керак, оқилларга уқбо керак,  
Воизларга мишбар керак, менга сен уқ, кераксап.

Олам бари учмох бўлса, жумла хурлар қарши келса,  
Оллоҳ менга рўзи қилса, менга сен, уқ, кераксап.

Учмох кирам жавлон қилам, на хурларга назар қилам,  
Они муни мен не қилам, менга сен уқ, кераксап.

Ҳожа Аҳмаддур меним отим, туни куни ёнар ўтим,  
Ики жаҳонда умидим, манга сен уқ, кераксап.

## LXIV

Биҳишт, дўзах талошур, талашмоқда баён бор,  
Дўзах айтур: «Ман ортуқ, манда Фиръавн, Ҳамон бор».

Биҳишт айтур: «Не дер сан, сўзни билмай айтурсан  
Санда Фиръавн бор бўлса, манда Юсуф Канъон бор».

Дўзах айтур: «Ман ортуқ, бахил қуллар манда бор,  
Бахилларнинг бўйнида ўтлуғ занжир-кишан бор».

Биҳишт айтур: «Ман ортуқ, пайгамбарлар манда бор,  
Пайгамбарлар олдида кавсар, ҳуру гилмон бор».

Дўзах айтур: «Ман ортуқ, тарсо жуҳуд манда бор,  
Жуҳуд тарсо олдида турлук азоб-сўзон бор».

Биҳишт айтур: «Ман ортуқ, мўмин қуллар манда бор,  
Мўминларни олдида турлук неъмат-алвон бор».

Дўзах айтур: «Ман ортуқ, золим қуллар манда бор,  
Золимларга берурга захру заққум чандон бор».

Биҳишт айтур: «Ман ортуқ, олим қуллар менда бор,  
Олимларни кўнглида оят, ҳадис, Қуръон бор».

Дўзах айтур: «Ман ортуқ, мунофиқлар манда бор,  
Мунофиқлар бўйнида ўтдин ишқил-кишан бор».

Биҳишт айтур: «Ман ортуқ, зокир қуллар манда бор,  
Зокирларни кўнглида зикру фикри субҳон бор».

Дўзах айтур: «Ман ортуқ, беномуслар манда бор,  
Беномуслар буйида илои билан часи бор».

Биҳишт айтур: «Ман ортиқ, дийдор кўрмак манда бор,  
Дийдориш кўрсатурга раҳим отлиғ Раҳмон бор».

Дўзах анда тек турди, биҳишт узриши айтди,  
Қул Хожа Аҳмад не бияди, билдиргувчи Яздон бор.

LXV

Ху ҳалқаси қурилди, эй дарвешлар, келинглар,  
Ҳақ суфроси ёйилди андин улиш олинглар.

Қол илмини ўқубон, ҳол илмига етибон,  
Йўқлик ичра ботибон борлиқлардан олинглар.

Йиртиб шафқат пардасин, тилаб дийдор ваъдасин,  
Очиб кўнгил дийдасин мушоҳада қилинглар.

Ху аррасин олибон, нафс бошига солибон,  
Туни куни толиблар жонни қурбон қилинглар.

Ҳалқа ичра ху денгиз, ишқ ўтига ёнингиз,  
Тан жон бирла толиблар такбир бошлаб айтинглар.

Ху-ху тею зор инграб, ху демакда маъно бор,  
Дийдоридин умидвор, раҳматидин олинглар.

Қул Хожа Аҳмад, қул бўлган йўл устида кул бўлган,  
Толибларга мул<sup>1</sup> бўлган, андин иррат олинглар.

---

<sup>1</sup>М у л — шароб.

## LXVI

Йўл устида ўлтириб йўлни сўрган дарвешлар,  
Уқбодин хабар истаб йўлга кирган дарвешлар.

Асолари илгида, ҳиммат қури дилида,  
Изим ёди тилида, оллоҳ деган дарвешлар.

Хирқалари эғнида, кўнглида юз минг аён,  
Билингиз ики жаҳон кўзга илмас дарвешлар.

Дарвеш Ҳақнинг манзури, зикри турур гулзори,  
Ҳақни ёди асрори, хўб одоблиғ дарвешлар.

Ёзугим кўп йўлотмас, асҳоб дорусин топмас,  
Кўзда ёшин қуритмас ёши оққан дарвешлар.

Ит нафсини ўлдурур, қизил юзин сўлдирур,  
Хожа Аҳмад қул эрур, сотиб есин дарвешлар.

## LXVII

Эй дўстларим, ўлсам мен билмамки ҳолим не бўлур,  
Гўрга кирибон ётсам мен, билмамки ҳолим не бўлур.

Элтиб лаҳадга қўйсалар, орқага боқмай ёнсалар,  
Сўриг саволин сўрсалар, билмамки ҳолим не бўлур.

Қирса қариш отлиг йилон, чулганса танга шул замон,  
Қолмас бутун бир устахон, билмамки ҳолим не бўлур.

Жумла йигилиб мўру мор, атрофимда нишлар урар,  
Мушкул ўлур пас қору бор, билмамки ҳолим не бўлур.

Ҳеч келмади мендин савоб, анда не бургумдир жавоб,  
Гар қилсалар юз мишг азоб, билмамки ҳолим не бўлур.

Бўлса қиёматни кун, ҳозир бўлур барчалари,  
Қилган амалларинг қани, билмамки ҳолим не бўлур.

Эй Қул Аҳмад, сен бу кун, қилгил ибодат туну кун,  
Демагил умримдур узун, билмамки ҳолим не бўлур.

## LXVIII

Неча йиллик меҳрибоним жон айтадур, дўстларим,  
Бу вужудим шаҳрини фано қиладур дўстларим.

Бу қафасни тутиси парвоз қиладур учкали,  
Бир қоронғу шуъласиз ерга борадур, дўстларим.

Эй мени ёронларим, ҳиммат тутинг имонима,  
Душманам имонима захмат берадур, дўстларим.

Ушбу жон бизлар билан бир неча йиллар бор эди,  
Ҳақ таоло ҳукми билан азм этадур, дўстларим.

Бу мени аъзоларим жоним билан шодмон эди,  
Жон чиқарга қўл-аъзом ҳам титрашадур, дўстларим

Амри Ҳаққа барча халқи оламинг бўлди ризо,  
Ул ҳақиқатли бандалар доим ризодур, дўстларим.

Қул Хожа Аҳмад тутиси парвоз этадур учкали,  
Найласин ул мискинким ҳукми Худодир, дўстларим

## LXIX

Ғарибликда ғариб бўлган ғариблар,  
Ғариблар ҳолини билган ғариблар.

Сабаб бирла йироқ ерга борибон,  
Қаринош қадрини билган ғариблар.

Сувсаганда сувга муҳтож бўлгон,  
Тирикда зор ўлуб, ўлган ғариблар.

Киши билмас ғариблар ҳоли педур,  
Ким ул беқадр, улар мискин ғариблар.

Кел энди Аҳмадо, ўзингга боқил,  
Ғариб сан, сан, ғариб мискин, ғариблар.

## LXX

Ҳақ таолло фазли бирлаи фармони қилди,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.  
Олтмиш учда суннатларини маҳкам тутиб,  
Эшитиб, уқиб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Ер устида ўлмас бурун тирик ўлдум,  
Олтмиш учда суннат деди эшитиб билдим,  
Ер остида жоним била қуллуқ қилдим,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Эраплардан файзу футуҳ ололмадим,  
Юз йигирма бешга кирдим билолмадим.  
Ҳақ таолло тоатларини қилолмадим,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Бўлғайманму Муҳаммадин хос уммати,  
Уммат деса осийларни хуш давлати,  
Болдин тотлиғ эрур менга бу меҳнати,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Бизлар учун жонлар чекти ул Муҳаммад,  
Уммат бўлсанг ғам емассан ёлғон уммат.  
Кеча-қундуз ҳосилларини сайру ишрат,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Эллик ёшда нидо келди, ўлмак осон,  
Шарти улдур сенда бўлса нури имон.  
Тоигла борсанг дийдорига қилур меҳмон.  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Эй мўминлар, бу дунёни поёни йўқ,  
Чин ўлдурсен ҳаргиз муни ёлғони йўқ,  
Ким билмаса валлоҳ они имони йўқ,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Аслим туфроқ, наслим туфроқ, барчадин хор,  
Босиб ўтсанг мурда жисмим қилгуси ор,  
Ким ор этса шайтон қовми, ҳавоси бор,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Банда бўлсанг меҳнат тортгил, гофил одам,  
Оқил эрсанг ганиматдур сенга шул дам,  
Амонатдур азиз жонинг юрма бегам,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад.

Олтмиш учда суннат бўлди ерга кирмак,  
Расул учун икки олам барбод бермак,  
Ошиқларни суннатидур тирик ўлмак,  
Эшитиб, уқуб ерга кирди қул Хожа Аҳмад...

## LXXI

Оллоҳ деган қанду асал пайдо қилди,  
Охиратда оллоҳ бирла савдо қилди,  
Амал қилгон чин олимни доно қилди,  
Жону дилда Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар.

Эсиз олим, амал қилмай йўлда қолур,  
Ўқуб уқмай дунё молин қўлга олур,  
Манманлиқдин, эсиз, умрин зоеъ қилур,  
Жону дилда Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар.

Олим улдур намоз ўқуб тоат қилса,  
Ҳақдин қўрқуб, охиратни гамин еса,  
Қуръон ўқуб, Ҳақдин қўрқуб зор инграса,  
Жону дилда Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар.

Андоғ олим икки кўзи гирён бўлур,  
Саҳарлари эрта туруб нолон бўлур,  
Ишқ йўлида куюб, ёниб бирён бўлур,  
Жону дилда Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар.

Қул Хожа Аҳмад, олай десанг Ҳақдин улуш,  
Боязиддек нафсинг била тун-кун уруш,  
Эй беҳабар, уммат эрсанг будур равиш,  
Жону дилда Ҳақ зикрини айтинг, дўстлар.

LXXII

Тариқатда турлук адаб билмагунча,  
Мафси бирла муҳориба қилмагунча,  
Ишқ йўлига ўзи лойиқ этмагунча,  
Ҳақиқатни сирларини билса бўлмас.

Ваҳдоният кемасини сирин билмай,  
Ишқ, асрор сўзларидин хабар олмай,  
Тажрид, тафрид ишларини адо қилмай,  
Ул тавҳидин мевасидин олса бўлмас...

Тариқатни шавқи, завқи куймак, ёнмак,  
Ҳақдин қочқон пожинелардан қочиб, тонмак,  
Юз минг турлик жафо тегса бўюн сулмак,  
Бўюн сулмай ишқ дўконини қурса бўлмас

Қул Хожа Аҳмад тажрид, тафрид умид қилгил,  
Мустафонин сўзларига амал қилгил,  
Тавба дебон тунлар қўнуб зор инграгил,  
Зор йигламай дийдорини кўрса бўлмас.

## LXXIII

Эй кўнгул, қилдинг гуноҳ, ҳаргиз пушаймон бўлмадинг,  
 Сўфимен деб лоф уриб, толиби жонон бўлмадинг.  
 Хайф умринг ўтти бир лаҳза гирён бўлмадинг,  
 Сўфинақиш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг

Сўфилик шундоғмидур доим ишинг гафлат билан,  
 Донаи тасбеҳ қўлингда тилларинг гийбат билан,  
 Саллаи чилпеч урарсен нафъи иззати била,  
 Сўфинақиш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг...

Сўфи бўлсанг соф бўлғил журми исён бўлмасин,  
 Тоату тақво қилиб кўнглинг паришон бўлмасун,  
 Жону дилда йиғлагил маҳнада ёлгон бўлмасун,  
 Сўфинақиш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг

Сўфимен деб лоф урарсен сўз, афғонинг қани,  
 Ашк сурху рўйи зарду чанм хушборинг қани,  
 Муршиди комил, мукаммал роҳ мардонинг қани,  
 Сўфинақиш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг.

Сўфиё, беғам юрарсен донан тасбеҳ олиб,  
 Дунёга мағрур бўлуб, дин ишини орқа солиб,  
 Қўрққил энди, қўрққил энди, Худога ёлбориб,  
 Сўфинақиш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг...

Сўфиё, қилдинг муҳаббат даъвосини девона бўл,  
 Молу мулку хонумондин кечгилу беғона бўл,  
 Қим Худо деб сўзласа, минг ўргулуб парвона бўл,  
 Сўфинақиш бўлдинг вале ҳаргиз мусулмон бўлмадинг...

## LXXIV

Бедор бўлғил, эй мўъмин, саҳар вақти ичинда,  
Қутқор ўзунгни ўтдин саҳар вақти ичинда.

Саҳарларда ул гуллар сано айтур булбуллар,  
Ким айтурким биру бор саҳар вақти ичинда...

Саҳар лаззатини ошиқ қуллар билурлар,  
Ҳақни ҳозир кўрарлар саҳар вақти ичинда.

Саҳар вақти хуш соат, ҳам жаннат эрур роҳат,  
Тангрига қил ибодат саҳар вақти ичинда.

## LXXV

Ўн саккиз минг оламда ҳайрон бўлган ошиқлар,  
Топмай маъшуқ чароғин сарсон бўлган ошиқлар.

Ҳар дам боши ўргулиб, кўзи халққа телмуриб,  
Ҳу-ҳу тею жүркулуб<sup>1</sup> гирён бўлган ошиқлар.

Куйиб ёниб қул бўлган, ишқида булбул бўлган,  
Кимни кўрса қул бўлган, мардон бўлган ошиқлар.

Йўл устида ҳақ бўлган, сийналари чок бўлган,  
Зикрин айтиб пок бўлган, нолон бўлган ошиқлар.

Ҳиммат қурин боғлаган, юрак-бағрин доғлаган,  
Фарёд уриб йиғлаган, гирён бўлган ошиқлар.

Гоҳи юзи сорғариб, гоҳи йўлида ғариб,  
Тасбиҳлари ё ҳабиб, жавлон бўлган ошиқлар.

Аҳмад сен ҳам ошиқ бўл, сидқинг бирла содиқ бўл,  
Даргоҳига лойиқ бўл, жонон бўлган ошиқлар.

---

<sup>1</sup> Қоврилиб, куйиб.

## LXXVI

Осийя жофий қулинг келди даргоҳингга,  
Қўлум тутуб йўлга солғил, анталҳодий<sup>1</sup>.  
Эрклик кофир йиглаб келдим даргоҳингга,  
Қўлум тутуб йўлга солғил, анталҳодий.

Йўлсиз йўлга кирдим дўстлар, ҳолим хароб,  
Халқдин сўрмам, ҳеч ким бермас менга жавоб.  
Холиқим сен йўл кўрсатғил, олийжаноб,  
Қўлум тутуб йўлга солғил, анталҳодий.

Хиҷолатда қўрқуб келдим гуноҳимдин,  
Зоти улуг парвардигор, илоҳимдин,  
Нидо келди новмид қўймай даргоҳимдин,  
Қўлум тутуб йўлга солғил, анталҳодий.

Бошдин-аёғ бўлди гуноҳ қайда борай,  
Йўл адашган итдек бўлуб, кимдин сўрай,  
Бу ҳол бирлаи дийдорингни қайдин кўрай,  
Қўлум тутуб йўлга солғил, анталҳодий.

Гуноҳ дарди бемор қилди, тобимсен,  
Маҳбубимсен, дармонимсен, ҳабибимсен,  
Йўлда қолдим, ҳолим сўрар рафиқимсен,  
Қўлум тутуб йўлга солғил, анталҳодий.

---

<sup>1</sup> Анталҳодий — сен йўлга бошловчи, ҳидоят қилгувчи, ху-  
дога мурожаат.

Ҳеч киши йўқ ерда, кўкдасен, сен қодир,  
Шаким йўқдур, бу сўзларда ўзинг нозир,  
Ҳам яккасен, яғонасен, бешак ҳозир,  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий.

Мен йўлингда бош бермадим, қодир Худо,  
Бош на бўлгай, гариб жоним юзминг фидо,  
Дард ҳам ўзинг, дармон ўзинг, лутфинг даво,  
Қўлум тутуб йўлга солгил анталҳодий.

Жону имон ғизосидур сенинг завқинг,  
Жоним бериб сойил олай сени ишқинг,  
Рўзи маҳшар шафиъ бўлгай сени шавқинг,  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий.

Анталҳодий, анталҳақни зикрини айтсам,  
Ҳодий бўлсанг эди, йўлдин ростқа қайтсам,  
Ху зикрини тилга олиб наъра тортсам,  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий...

Саҳар вақтда йинглаб тўксам қонлар кўздин,  
Қўнглум очиб огоҳ бўлай яхши сўздин,  
Зоти улуг раҳмон эгам, ҳам жабборим,  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий.

Эй дод эгам, ҳеч етмади сенга додим,  
Еру кўкни полон қилди бул фарёдим,  
Рўзи маҳшар қичқиргайму, кел озодим,  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий

Банда бўлсанг зикринг айгил, қўлунг олсун,  
Йўлдин озсанг, раҳбар бўлуб йўлга солсун,  
Саҳарларда зори қилгил раҳми келсун,  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий

Анталҳодий, анталҳодий зикри олло,  
Ҳақ зикрини айгил тинмай бўлгунг огоҳ,  
Раҳим мавлом назар қилса ўлур ногоҳ,  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий

Анталҳодий, анталҳодий зикри улуғ,  
Ҳақ зикрини зирд айлаган кўнгли синуғ  
Вирд айламай шайхмен деса жойи томуг  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий.

Қул Хожка Аҳмад нафсдин улуғ бало бўлмас,  
Йўл устинда туфроқ бўлсанг кофир ўлмас,  
Еру кўкни туъмо берсам ҳаргиз туймас,  
Қўлум тутуб йўлга солгил, анталҳодий.

## ИЗОҶЛАР

А з о з и л — Шайтоннинг номи.

«А л к а з з о б у л о у м м а т и» — Ҳадис. Мазмуни: «Елгончи умматим эмас».

«А л а с т у б и р а б б и к у м» — «Мен сизнинг Раббингиз эмасманму?» «Қуръон»нинг Маккада позил бўлган «ал-Аъроф» сурасидаги 172-оятнинг бир қисмидир.

«А н а л — Ҳ а қ!» — «Мен — Худоман!» Мансур Халлож сўзи. У шу гапи учун дорга осилган.

Б а р а ҳ н а — яланғоч.

Б и ҳ а м д и л л о ҳ — Худога ҳамдлар бўлсинким.

Б и р у б о р и м — Оллоҳнинг бирлиги «вахданият» ва борлиқ — «мавжудият» сифатларини ифодаловчи ибора.

В а л л о ҳ - б и л л о ҳ — Худо ҳаққи.

«В а а н ҳ о р у н м и н а с а л и н м у с а ф ф о» — «Қуръон» ояти. «Ариқдурким асал тўлиб оқади». Жаннатдаги ариқлардан бирига ишора.

Д а ф т а р и с о н и й — иккинчи дафтар. Ҳикматларда бир печа маротаба бу ибора такрорланади. «Девони ҳикмат»даги тўртликлардан бирида «То тирик сен ишқ дафтари адо бўлмас», деган сатр бор. Бу мисрадан маълум бўладики, «ишқ дафтари» ёки «дафтари соний» деганда Аҳмад Ясавий ишқи илоҳий талқинидаги асарлар мажмуасини назарда тутгандир.

И л л и й ю н — жаннат.

И н ш о а л л о ҳ — Худо хоҳласа агар.

И н н о ф а т а ҳ н о — «Қуръон»даги «фатҳ» сурасининг бошланishi.

Қ у л л у я в м и н б а т а р — Қун кундан ёмон.

Л а б б а й к — қабул қиламан; хизматиңгизга ҳозирман.

Л о и л о ҳ а и л л а л л о ҳ — Худодан ўзга худо йўқ!

«М а н р а б б у к» — «Худойниг кимдур?» Исломий эътиқодга кўра ўлган кишига жаноза ўқилиб, дафи этилгандан сўнг фаришталар — Мункар ва Накар марҳумдан сўрайдиган илк сўроғлардан бири.

М о у м а н л и к — дилини моддий дунё ташвишлари ва бойлик-

ларидан поклолмаслик, имон бушлиги ва гумроҳлик туфайли кибру ҳавога қул бўлмоқ.

М е с к о й и л в а И с р о ф и л — Оллоҳга яқин бўлган фаришталардан иккитасининг номи.

« М у т у қ а б л а а н т а м у т » — Ҳадис. Мазмуни: «Ўлмасдан буруп ўлинглар!» Фаполик фалсафасига алоқадор гап.

М у л — май, шароб.

М а л а к у л м а в т — жон олувчи фаришта, яъни Азроил алайҳиссалом.

Р а ҳ м а т д а р ё — раҳмат дарёси.

С у б ҳ о н а л л о ҳ — 1. Худога мадҳу сано бўлсун. 2. Таажжуб изҳори — Ажабо!

Т а з в и р — фириб, ҳийла, найранг,

Т а т а в в у л о — итоат ила, буюн эгиб.

Т ў р т ю з қ и р қ т ў р т с ў н г а к — Бугунги анатомия илми одамда 206 та суяк борлигини қабул этган. Балким қадимий анатомияда бу рақам «тўрт юз қирқ тўрт» деб белгиланган бўлиши мумкин.

У қ б о — асли «уқабо» бўлиб, балад, тепа, машаққатли юксаклик маъноларини билдиради.

У ч ю з о л т м и ш т о м и р — инсон вужудидаги жамики томирлар мазмунида.

Қ о в л а — аралаштирмақ, қориштирмақ.

Қ о л у б а л о — Айтдилар (жавоб бердилар). «Қуръон»даги 172-оятнинг давоми. «Мен сизнинг Раббингиз эмасманму?» саволига Рухлар «Сенсан бизнинг Оллоҳимиз» деб жавоб қилган эмишлар.

Қ у л ҳ у в а л л о ҳ — «Иҳлос» сурасининг бошланиши.

Ҳ у з и к р и — Оллоҳ зикри.

А қ л — сўфийларнинг нуқтаи назари бўйича илоҳий бир нурдир. Сўфийлар икки турли Ақл борлигини эътироф этганлар. 1. Ақли кулл — илоҳий, қудратли, мутлақ ақл бўлиб, таңгрининг фаол тажаллисидан иборат. Илк маротаба Таңгридан дунёга келган бу ақл «Ақли аввал» ёки «Рухи аъзам» деб аталган. Шунингдек, ҳақиқати муҳаммадийи ҳам сўфийлар Ақли кулл деганлар. Ақли кулдан — нафси кулл майдонга келганки, у давҳи маҳфуз деб номланган.

А қ л и ж у з — инсоннинг ҳаёти, яшаш одоби, фаолиятига тегишли. Ақли жуз иккига ажратилган: 1. Ақли маод — илҳом ва ирфон билан тарбияланган инсонни охиратдан огоҳ қиладиган ақл. 2. Ақли маош — мавжуд дунёни, ҳаётни тушунишга хизмат этадиган ақл. Ақли маод имон соҳибларига, Ақли маош эса барча кишилар учун хос деб ҳисобланган.

О л а м — дунё, жаҳон, коинот. Қадимий тушуначаларга кўра, мавжудлиги эътироф этиладиган оламлар қуйидагилар: олами асгар — энг кичик олам, инсон: олами барзах — борлиқ дунё билан охират орасидаги олам, ҳаёти кабир: олами жабарут — улуғлик ва қудрат олами: олами акбар — энг буюк олам, коинот; олами амр — Оллоҳнинг амри ила ҳар нарсанинг мавжудлигини таъминлайдиган олам; олами арвоҳ — руҳлар олами; олами асбоб — сабаблар олами, бу дунё: олами гайб-гайб олами, гўзаллик олами; олами кавни фасод — бузуқлик олами; олами лаҳуд — улўҳият олами; олами маъно — маънолар олами; олами малакут — малаклар олами; олами пасут — махлуқлар олами: олами шахуд — кўринадиган олам, бу дунё; олами зухур — ашёнинг зуҳурланиш олами.

О л л о ҳ — Худо, Тангри. Тасаввуфда Худонинг барча исми, зоти ва сифотларини ифодалайдиган ном. Оллоҳ исми Аъзамдур, айна пайтда у тавҳидга ҳам асосдир.

О р и ф — ирфон соҳиби. Том маънодаги ҳақшунос. Сўфийларнинг тушуначисида илм — ақлга, ирфон — туйгуларга асосланади. Ориф бўлмоқ учун китобий билимлардан беҳад юксалмоқ керак. Ориф Оллоҳ томонидан бахш этилган «Ладуни» ишорати билан унинг мавжудлигини идрок этади ва мавҳум борлигдан кечиб тангри борлиги билан умр ўтказди.

Юнус Эмро орифни бундай таърифлайди:

Ориф анга деярлар, ул кон бўлур,  
Маърифат оламинда бир уммон бўлур...

Ҳақ деяжак нафаси Ҳақдин келур,  
Сўйлаяжак кўзлари Қуръон бўлур.

Маърифати бутунлай Оллоҳга боғланган орифга вали ёки орифи биллоҳ ҳам дейилган.

А р ш — айвон, осмон, тахт. Қадимий тасаввурларга биноан арш туққизинчи кўкдадир. Арш бутун оламларни бағрига олган мунаввар бир борлиқ — қулли макон. Арш сўфийлар тасаввурида борлиқ ва вужуддир. Аршга «нафси кулл» номини берганлар ҳам бўлган экан. Арш коинотнинг муаззам руҳи бўлиб, моддий оламнинг илк босқичи саналган. Арш — тажалли манбаи, яъни илоҳий қудрат асоси. Шунинг учун у илоҳий тахт деб қабул қилинган. «Арши муалло», «арши раҳмон», «арши илоҳи», «арши Яздон», «фалаки аъзам» — булар аршга қўйилган номлар.

А з о б — қадар, азият. Яссавий ҳикматларида бу дунёдаги гуноҳкорликлари учун ширк ва куфр аҳлига охиратда бериладиган жазо маъносида тадбиқ этилган.

Б о т и н к ў з и н о ч м о қ — сийрат кўзини очмоқ, қалб кўзи ила ҳақиқатни кўрмоқ.

**Бало** — гам, қайғу, кадар, мусибат, офат. Сўфийларда «Бало авлиёнинг либосидур», деган ақида бўлиб, улар «бало» инсонни Худога яқинлаштиради, деган иншонча бўлганлар. Шу бонс тасаввуф шетриятида балога сабр этмоқ даъвати кенг ўрин эгаллагандир.

**Жамол** — тасаввуфда Ҳақининг лутфу эҳсон ила тажаллисидир.

**Чорёр** — Муҳаммад пайгамбардан кейинги тўрт халифа: Абу Бакир, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Алидур.

**Чилтан** — қирқ тап. Ривоят қилинишича, Муҳаммад пайгамбар бир кун асҳоби суффа хонақосига бориб эшик қоқибди. Ичкаридан «Кимсан?» деган овоз эшитилибди. «Пайгамбарим буюрмишкн, сизларни зиёрат қилсам», дебди Муҳаммад алайҳиссалом. «Бор, пайгамбарининг ганини умматига етказ, бизнинг пайгамбарга муҳтожлигимиз пўқ», дейишибди сўфийлар. Пайгамбар орқага юриб қирқ қадам босган экан, тагридан хонақоҳга қайтишга амр бўлибди. Бу гал ҳам «Кимсан?» деган савол такрорланибди. «Расулим буюрмиш...», — дебди пайгамбар. «Бу жойга расул снмайди», деган эътироз бўлибди. Муҳаммад исига қайтган заҳоти Оллоҳнинг уша амри такрорланибди. «Кимсан?» «Саййидуя қавм, ходимул фуқаромен», — дебди пайгамбар. Ана шу гапдан сўнг эшик очилибди. Ҳазрати Муҳаммад ичкарига кириб қарасаки, аҳли суффа ўттиз тўққиз кишидан иборат эмиш. Пайгамбарининг «Сизлар кимсизлар?» сўроғига улар «Қирқларингиз, дилу жони бир кишилармиз», дейишибди. «Бу сўзнинг исботи керак» — дебди пайгамбар. Ушанда Ҳазрати Али ҳам уларнинг орасида экану лекин ўзини танитмабди. Қирқлар «Биримиздан қон оқса, барчамиздан ҳам қон оқади», — дебдилар. Шунда Ҳазрати Али тигда қўлини тилганда бирданга ўттиз саккиз кишининг қўлию товоидан қон оқа бошлабди. Пайгамбар албатта бу ҳодисотнинг сири билан қизиқибди. «Биттамиз ташқарида, — дейишибди улар, — бизларга озиқ-овқат топиб келишга чиққан. Бу қон унинг қўлидан томчилаётган эди...» Ҳазрати Али қўлининг кесилган жойи боғланиши биланоқ, бошқалардан томаётган қон ҳам бир зумда тўхтабди... Пайгамбар шу қирқ биродар билан рақсу самоз қилганлиги тўғрисида ҳам нақллар битилган.

**Дарвеш** — моддий борлигдан, нафси шум орзуларидан қўл сийтаб, дунё неъматларини тарк қилиб Ҳақиқат йўлига кирган киши. Дарвеш — умрини ишқ ва риззатга бағишлагаи тариқат Йўлчиси, чин ошиқ.

**Дин** — Оллоҳ амрларининг мажмуаси. Ҳақ билан имони комил инсонлар ўртасидаги муносабатлар белгиланган илоҳий низоми. Тасаввуфда диннинг туб моҳияти — Ишқ.

**Адаб** — гузал хулқ, нафси зоҳир ва нафси ботинини тарбия қилмоқ. Сўфийларнинг англашларига биноан адаб тўртга бўлинади:

1. Шариад адаби. Бу — пайгамбар шарияти ва суннатига амал этмоқ.
2. Тариқат адаби. Бу — бир тариқатга боғланиб, одоб ва арқонини ўр-

ганиб, шу бўйича ҳаракат қилмоқ. 3. Маърифат одоби. Бу — нафси амморани мағлуб қилиб, илми илоҳийни ўзлаштириш. 4. Ҳақиқат одоби. Бу — Оллоҳдан бошқасидан юз буриб, ваҳдат майидан қонмоқ.

**Аҳл** — бегона бўлмаган, дўст. Ўтмишда инсонлар уч топфага бўлинган. 1. Аҳли дунё — молу мулки ва поъматларига берилиб, охиратни тушунайидиганлар. 2. Аҳли уқбо — охиратни англаб, умрини тоат-ибодат билан ўтказиб, гуноҳ ишлардан тийилганлар. 3. Аҳли илоҳ — қўнгли Оллоҳ ишқи билан тўлган ва батамом Ҳақ йўлига кирганлар. 4. Жаҳаннамга тушишга маҳкум кимсалар эса «аҳли нор» дейилган.

**Фақр** — тариқатнинг тўртинчи мақоми. Фақир — шу мақомга мансуб киши. Иброҳим Бухорий Калободий фикрига таъриф бериб, «фақр — молиниг бўлмаслик, бўлса ҳам сенга мансуб бўлмаслик, ҳақиқат маърифатига ниёзмайд кишидир» деган экан. Шунингдек, фақирнинг Оллоҳдан бошқага муҳтожлиги бўлмайдигани ва таваккал эътиқоди билан яшайди.

**Ғариб** — кимсасиз, гурбатдаги киши, юртидан ажралган мусофир. Суфийликда ғариблик — гурбатда, яъни дунёю дунда яшашдир. Ғарибга асил юрт — Оллоҳ даргоҳи.

**Ғавҳар** — жавҳар, инжу. Тасаввуфда жавҳар Тағридир. Ғавҳар — илоҳий маърифат тушунчасини ҳам ифодалайди.

**Ҳабиб** — суюкли. Оллоҳнинг суюкли қули бўлганлиги учун Муҳаммад пайгамбар «ҳабибул илоҳ» дир.

**Ҳақиқат** — тасаввуфда диннинг ички моҳияти, шариат эса ташқи юзидир. Ҳақиқатга етган солик Оллоҳдан ўзга борлиқ бўлмаслиги, азалий ва абадий борлиқнинг садоси Оллоҳ эканлиги, ундан бошқа ҳамма нарса фоний булишини тараф билади. Ҳақиқат аҳли баъшарий сифатлардан илоҳий сифатларга юксалган кишилардир. Улар учун шариат — сўз, тариқат — йўл, маърифат — ишқ бўлса, ҳақиқат — ҳолдир.

**Ҳол** — кайфият, кўриниш, қувват. Тасаввуфда чин ошиқ қалбини ишғол қилган фараҳ, севинч, кадар, ҳаяжон, завқ туйғуларини ажс эттиради. Ҳол — ошиққа маъшуқи азалининг бетимсол лутфи. Ҳол соҳиблари ишқ тугёнида ҳолдан ҳолга қараб юксалишади. Ҳол илми ибодат усуллари ҳамда қондаларини ўргатади.

**Ҳолис** — соф, гуноҳдан фориғ, риёсиз. Оллоҳдан бошқа бировга дилдан жой бермаслик маъносида қўлланилган.

**Ҳилват** — ёлғизлик, танҳо бўлмоқ, маълум фурсат одамлардан узоқлашиш. Тасаввуфда дунёдан этак силкиб, моддий муносабат ва алоқадорликдан кечиш — маъшуқи азал хаёли билан захмат тортиш. Ҳилватга чекинган дарвеш қирқ кун мобайнида оз овқатланиб, оз ухлаб давомли ибодат орқали чилла тутиши керак бўлган. Бу — нафсни енгиб, қўнглини поклаш «тажриба»сидир.

**Ҳом** — Ҳақ ва ҳақиқатни хали мукаммал идрок қилма олимаслик. Ишқу камолотдаги ноқислик.

**Хос** — тасаввуф аҳли одамларни уч гуруҳга бўлишган: 1. Авом: булар жоҳил ва подон кишилар бўлиб, манмаплик, шухратпарастлик, молпарастликка қул кимсалар, ваҳдату вужуд сирларидан тамоман беҳабарликлари учун ҳам авомдирлар. 2. Хавос: булар ўзликларидан кечиб ҳақиқат йўлини тутган хос зотлар. 3. Аҳосули хавос: булар ҳақиқат эравлари, яъни дийдор толибларидур.

**Ҳайрон** — тасаввуфда ошиқнинг фанофиллоҳга етишиши учун кечиб ўтмоғи лозим бўлган босқичларидан бири, ҳайрат мақомидир. Ҳайрат мақоми — ҳайроплик водийси ҳисобланади.

**Хирқа** — шайх ва дарвешлар киядиган махсус кийим, жанда. Тариқат қондаларига кўра, хирқа соликка муршид томонидан кийдирилган. Хирқа кийовчи билан кийдирувчи орасидаги маънавий боғлиқлик тариқатларида «хирқа силсиласи» деб аталган. Бирор шайхнинг муридига хирқа кийдириши, муршиднинг ўз ҳоли ва камолини эҳсон этиш маъносига англашилган. Дунё неъматларидан кечиб, нафс «боғлари»дан олислашган дарвешлар устидаги хирқаларга «хирқаи тажрид» дейилган. Фақат бир шайхга боғланган муридлик ифодаси ўлароқ, кийилган хирқанинг номи — «хирқаи иродат» дир. Муҳаммад алайҳиссалом кийган хирқаларга «хирқаи шариф», «хирқаи саодат» дейилган.

**Ҳиммат** — тасаввуфда қалбнинг бутун қувват ва ғайрат билан Оллоҳга йўналмоғи.

**Ишқ** — тасаввуфда ҳусни мутлаққа бўлган шиддатли севги. Ваҳдати вужуднинг бошланғичи ва охири бўлмаганидек, Ҳақ тажаллисининг ҳам иботидо ва иштиҳоси йўқдир. Унинг зоти ҳар жойдан зоҳир эрур. Ва мазҳарлари зоти билан ўхшаш. Ҳақнинг илк зуҳурига «ҳақиқати муҳаммадия» дейилган. Ишқ илоҳдан ато этилган раҳмоний бир улфат. Улфатдошлик туйғуси эса ҳар бир руҳ соҳибига хос.

Ишқ икки хилдир — ҳақиқий ва мажозий. Ҳақиқий ишқ — ҳусни мутлаққа, мажозий ишқ — одам ва олам гузаллигига ошиқлик.

**Ибодат** — Оллоҳга топинмоқ, қуллуқ қилмоқ ва унинг амрларини адо этмоқдир. Ўтмишда ибодат аҳли — жаннат учун, жаҳаннам азобларидан қўрқув туфайли, Ҳақнинг ризоси учун ибодат қилувчилар тоифасига ажратилган.

**Икки нур** — Муҳаммад пайғамбарнинг икки қизига ишорат.

**Калом** — лавҳи маҳфузга ёзилган илоҳий калом. Тасаввуфда лавҳ Таъбирнинг тимсоли, калом эса иродасидир. Баъзилар каломни «ақли кулл» ва «ақли аввал» деб ҳам аташган.

**Каромат** — суфийликда каромат икки хилдир: 1. Каромати ковҳийяхавода парвоз этмоқ ва шу тарзда моддий оламдан юксалмоқ. 2. Каромати илмийя, — ладуний улум, яъни Худо томонидан ато этилган илоҳий илмлар билан кўрсатиладиган кароматлар.

**Кўнгил** — тасаввуфда Ҳақ нури жамолини кўрсатадиган кўзгу Айрим суфийлар кўнсилар Каъбадан ҳам устун қўйганлар.

**Меҳмон** — қўниб утувчи, мусофир маъносида. Диний-тасаввуфий ишончларда бу дунё бир мусофирхонадурки, ҳамма меҳмон, яъни мусофирдир.

**Меърож** — зинаоя, юқорига кутарилиши. Муҳаммад пайгамбарнинг оллоҳ ҳузурига юксалиши. Эмишки, фаришта Жаброил Муҳаммад алайҳиссаломнинг олдига жаннат оти — Буроқни стақлаб келибди. У қаноғли оқ тулнорга миниб Қуддусга бориб ўша жойдан кўкка кутарилибди. Сидратул мунтаҳога етгач, «Мундин нарига ўтсам, мен ёнурмен», — дебди Жаброил. Пайгамбар эса уни ортда қолдириб «Рафраф» билан яна бир муддат илгарилабди. Хуллас, Муҳаммадга таңгрининг тахти кўрилибди. У самовотдан етмиш минг парда билан тўсилганмиш.

Сўфийлар тушунчасида Меърож руҳоний бир ҳолдир.

**Моуман** — бу оламга дохил ташвишлар, манлик даъволарига таслим бўлмоқ. Маълумки, сўфийлар Таңгрини ҳақиқий ва мутлақ борлиқ деб билишган. Таңгри эса тоқдир. Шунинг учун ҳам унга «вахдати вуҷуд» номи берилган. Яъни у — борлигининг бирлигидир. Зотан, борлиқ «касрат» (кўнлик, кўпчилик)дан эмас, «вахдат»дан иборатдир. Қоннотдаги хилма-хиллик ва тафовутлар-чи? Улар зоҳирий ва ўткинчи фарқланишлардир. Бақолик йўқ уларда. Шу бонс борлиқ — оламни Таңгри сифотларининг тажаллисидан иборат деб билиш лозим. Таңгри — Вуҷуд, мавҷудот — унинг орази, холос. Шу маънода «ман», «сан» ақидаси билан яшаш «вахдат»ни инкор этишдан бошқа нарса эмас. Таңгридан узоқлашиш — бу, инсоннинг иккига ажралишидирки, ундаи моуманлик ривож топади ва маънавий-руҳий бутунликка эришилмайди.

**Нафс** — ўзлик, рух, зот. Сўфийлар инсонни тўғри ва эзгу йўллардан оздирувчи, барча тубанликларга «дон»лик қилувчи майлларни нафсга нисбат берадилар. Уларча нафс — золим, шум, гушна, чиркин, калтабин. Тасаввуф аҳли етти нафс борлигини эътироф этадилар: 1. Нафси аммора: инсонни ёмонлик, риёкорлик, бетамизликларга завқлантирувчи нафс. 2. Нафси лаввома: бад ишлардан пушаймон қилувчи, тергаш, нарҳезкорликка қодир нафс. 3. Нафси мулҳама: илоҳий йўл-йўриқлар ва жозигага илҳомлантирадиган нафс. 4. Нафси мутманна: имон хотиржамлигини таъминлайдиган, хатоликлардан асрай оладиган нафс. 5. Нафси розия: Оллоҳдан рози нафс. 6. Нафси марзия: Оллоҳ ризосини қозонган ва унга мақбул бўла олган нафс. 7. Нафси софийя: қусур ва иллатлардан батамом покланган соф нафс. Сўфийлар назарида нафс инсонни дунёга боғлайдиган бир «занжир». У одамни Ҳақиқатдан йироқлаштиради. Шу бонс нафсга ҳоким бўлмоқ керак. Уни янчмоқ учун ранжу меҳнат камлик қилади, жиҳод лозим. Бу жангда эса Оллоҳнинг лутф ва ёрдамига таяймоқ шартдир.

**Васл** - тасаввуфда маъшуқи азал билан қовушмоқ, ўзликдан кечиб Ҳаққа ёр бўлмоқ, ваҳдат завқи. Васл масаласида сўфийлар бир

хил ақидада эмаслар. Улардан айримлари Оллоҳ ҳар ерда ҳозир ва позир бўлишини кўзда тутиб васлга юқоридаги мазмунни бермайдилар. Баъзилари эса илоҳий сирлардан воқиф бўлгач, ўртадаги парда кўтарилиб инсон Ҳақ васлига эришади деб ишонч билдирадилар.

**Зикр** — сўзлаш, тилга олиш, хотирлаш. Зикр тил, дил ва бадан ила бўлиши жиҳатидан уч турлидир. Зикри жаҳри — баланд овоз билан ижро қилинадиган очиқ, ошкора зикр. Зикри хуфийя — пинҳоний бўладиган зикр.

**Муршид** — иршод этувчи, тўғри йўл кўрсатувчи. Ҳаққа йўналтирувчи киши: тариқат пири, шайх.

**Мурид** — тариқат одобига кўра, маълум бир шайхга боғланиб, ақлу иродасини Худонинг мутлақ иродасига бўйсундирган ва сулуқ мартабасини эгаллаган киши. Муридлик, муҳибликдан сўнг эгалладиган бир даражадир.

**Номус** — адаб, ҳаё, ифбат: маҳрами хос. Ваҳий сирларидан воқиф ва маҳрам бўлганлиги учун Жаброил «Номусул акбар» деб ҳам аталган экан.

**Сўфий** — кўпчилик тадқиқотчилар бу сўзни арабча «сув»дан келиб чиққан бўлиб, юнг мато — хирқа деган қарорга келишган. Бошқа бир нуқтаи назарларга кўра, сўфий юноп тилидаги «сафос» — донишманд сўзидан олингандир. Бу сўзни соф — поклик, яъни ахлоқий тозаланиш ва руҳий камолот мазмунида тушунтирган олимлар ҳам бор.

«Ғиёс-ул ғулот»да ўқиймиз: «Сўфий — хирқапуш, зероки, юнгни суф дейилади: фуқаронинг истилоҳида, ўз дилига нигоҳ қаратган, ҳаёлини ҳақдан бошқа нарсадан фориг этган киши «сўфий» деб аталади».

Абулҳасан Али Ҳижвирийнинг шарҳлашича, хирқапушлар — азалий софликка восил бўлганлар: асҳоби — суффа, яъни тиловат ва таваллочилар гуруҳини ҳам сўфийлар дейилган. «Иши фақат Худо билан бўлган, вужуди мутлақнинг мавжудлигининггина тап олувчилар сўфийлар деб аталади», — деб ёзади Жунайд Бағдодий.

Сўфий сўзи, умуман, этимологик мазмундан маҳрум бўлиб, ундаги ҳарфлар психофизиологик таассурот уйғотади, деган фикр ҳам мавжуд. Бунга қарши тушунчага кўра, суф сўзининг ҳар бир ҳарфи аниқ маънони билдиради: «с» — самат, сафо, савм (парҳезкор); «в» — вдоъ, вафо, вард; «ф» — фақр, фикр ва фапо.

«Анал-Ҳақни маъносин...» — Аҳмад Яссавий бир ўринда «Билмадилар муллолар Анал-Ҳақни маъносин, Қол аҳлига ҳол илмин Ҳақ кўрмади муносиб», дейди. Дарҳақиқат, бу «илм»нинг сирини нимада? Бу тўғрида Жалолиддин Румий бундай деган: «Агар девордан сўз эшитсанг, билгилки, девордан эмас, унинг ортида кимдир деворни эшик дегандир. Авлиёлар эса ўлимдан олдин ҳам эшик, ҳам девор ҳукмини тинглайдилар. Уларда ўзликдан ном-нишон қолмайди. Улар гўёки Ҳақ кўлидаги қалқондирлар. Қалқоннинг жунбуши қалқоннинг ўзидан эмас. Ва «Анал-Ҳақ»нинг маъниси мана будир: қалқон

айтади. «Ман орада йўқдурман, ҳаракат Ҳақнинг қулидандир». Бу қалқонни Ҳақ англаг...».

«Анал-Ҳақ»лик борлиқни яратган ва оламдаги ҳамма нарсада зуҳурланмиш вужуди мутлаққа бирикниш ишончи бўлиб, инсоннинг илоҳийлашиш эҳтиёжини ифодалайди. Бу маслакдаги ошиқларнинг мазҳабӣ ҳар қандай диддан «ичкари, «куфр»лари «имондин ичкари»дир. Шунинг учун Юнус Эмро:

Ҳар миллатдан айридур бу бизим миллатимиз,  
Ҳеч динда топилмади дину диёнатимиз,—

дея фахрланган ва яна бундай деган эди:

Минг йил тупроқда ётарсам, ҳеч қўймасман «Анал-Ҳақ»ни,  
На замон керак бўларса, ишқ нафасин олиб келам,  
Ишонмагон кел ёнима, дўст отини айтиб чақир,  
Кафан тўним пора этиб, туфрогдан туриб келам.

Нодон муллолар эса мана шу ҳақиқатни англай олишмаган.

Дафтар қилсам — Яссавий бунда илоҳий ишқ мазмунини ифодалайдиган «дафтар», яъни шеърларнинг яратилишини эътиборда тутган. Биз юқорида «дафтари соний» иборасини шарҳлаган эдик. Табиий савол туғилади: «дафтар», «иккинчи дафтар» ўртасида тафоввут йўқми? «Дафтари соний» Яссавийнинг аввал ҳам бир девон яратганлигига ишорат этмайдими? Маълумки, Яссавийга эргашиб ҳикмат айтган шоирларнинг сафи анчагина кенг бўлиб, асарлари шакл, маъно, ифода жиҳатидан Яссавий ҳикматларидан унчалик фарқ қилмаган. М. Ф. Куприлизода «дафтари соний» тилга олинган ҳикмат ўша шоирлардан бирортасиники бўлиб, «Девони ҳикмат»га киритилган деган тахминни илгари сурган. Унингча, Яссавий издошлари ўзларининг ҳикмат тўпламларини «иккинчи дафтар» деб ҳисоблашган. Камол Эраслоннинг «дафтари соний»га муносабати эса бошқача: исломий ақидаларга биноан инсон тақдирига тегишли яхшилик ва ёмонлик, қазо ва қадар «Лаҳву маҳфуз»га қайд қилинади. «Лаҳву маҳфуз»га — «Азал дафтари» номи берилган. Яна бир ишончга кўра, инсонларнинг эзгулик ва ёмонликлари, савоб ва амаллари пкки малак тарафидан маънавий бир дафтарга ёзилиб борилармиш. Одамнинг ўнг елкасидаги малак савоб ишларини, чап томонидагиси гуноҳларини қаламга оларкан. Шу ёзувларга қараб инсон у дунёда ё мукофот ёки жазога ҳукм қилинармиш. Бу маънавий дафтар — «Дафтари аъмол» — «Амаллар дафтари» деб тилга олинаркан. Камол Эраслоннинг айтишича, Аҳмад Яссавий «Лаҳву маҳфуз» ва «Дафтари аъмол»га таяниб «дафтари соний» иборасини тилга олган. Чунончи: унинг «Девони ҳикмат»и ана ўша «битик»лардан кейинги илоҳий «дафтар»дир.

Биз Камол Эраслоннинг мазкур фикрларини қувватлаган ҳолда, олдинги бир қанча изоҳларда унинг шарҳларида фойдаланганлигини ҳам эслатиб қўймоқчимиз.

## МУИДАРИЖКА

Аҳмад Яссавий. . . . .	5
Ҳикматлар. . . . .	41
Муножотнома. . . . .	197
Ҳикоятҳои меъроҷ. . . . .	208
Изоҳлар. . . . .	247

Литературно-художественное издание

АХМАД ЯССАВИ

КНИГА ИЗРЕЧЕНИЙ

Составитель Хаккулов Ибрагим

Художник Жеребцов В.

Ташкент, издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма

На узбекском языке

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

АХМАД ЯССАВИЙ

Ҳикматлар

Нашрга тайёрловчи *Иброҳим Ҳаққулов*

Муҳаррир *А. Шаронов*

Расмлар муҳаррири *В. Немировский*

Техник муҳаррир *Р. Разматуллина*

Мусахҳиҳ *Ш. Собирова*

ИБ № 4324

Босмахонага берилди. 25.10.89. Босишга рухсат этилди. 29.12.90. Формати 84×108/32  
Босмахона қоғози № 2. Оддий янги гарнигураси. Юқори босма. Шартли босма л. 13,44  
Шартли ир.—оттиски 13,44. Нашр л. 6,31. Тиражи 300 000. Заказ № 150. Баҳоси 6с.  
Шартнома 116-89.

Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129. Тошкент. Павоний кучаси 30

Ўзбекистон ССЖ Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети.  
Янгиуул китоб фабрикаси. Янгиуул шаҳри, Самарқанд кучаси, 44. 702 801.

